

406
2016/1

GULISTON





324

Boshini fido ayla ato qoshig'a,
Jismni qil sadqa ano boshig'a.
Tun-kunungga aylagali nurfosh,
Birisin Oy angla, birisin – Quyosh.

Alisher Navoiy

Jurnal 1925-yildan chiqa boshlagan

Muassis:**O'zbekiston Respublikasi****Madaniyat va sport
ishlari vazirligi****Bosh muharrir:**

Minhojiddin MIRZO

Jamoatchilik kengashi:**Muhammad ALI****Suyima G'ANIYEVA****Fotih JALOLOV****Shuhrat SIROJIDDINOV****Akmal NUR****Baxtiyor SAYFULLAYEV****Adhambek ALIMBEKOV****Isajon SULTON****Nurboy JABBOROV****Abdulahob NURMATOV****Fatxulla MA'SUDOV****Tahririyat:****Bosh muharrir o'rinbosari:**

Temur A'ZAM

mas'ul kotib:

Komil JONTOYEV

fotomuxbir:

Mashrab NURINBOYEV

sahifalash va dizayn:

Nigina QODIROVA

navbatchi muharrir:

Nilufar HAYITOVA

USHBU SONDA:*Hamid UBAYDULLOH
«Diloromimg'a ayt...»**Nilufar HAYITOVA
Mening o'g'lim — Vatan
himoyachisi**Omonulla MADAYEV
Xalq ijodi yodgorliklari —
avlodlarga meros**O. GENRI
Yozilmagan hikoya**Bahodir KARIMOV
Yoniq umidlar izhori**Gulchehra MIRZAYEVA
Men sizdan shifo topdim...**Zebo FAZLIYEVA
O'zbek raqs san'ati an'analari**Yusuf FAYZULLO
Daraxt bir joyda ko'karadi*

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli guvohnoma bilan 18.03.2008-yilda ro'yxatga olingan. Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi. Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin. «Guliston» jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart. Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.


Bichimi 60x841/8. Buyurtma № 16-87. Adadi: 2622 nusxa. Hajmi 6 bosma taboq.


Bosmaxonaga 16.02.2016-yilda topshirildi. Bosishga 17.02.2016-yilda ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent — 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Tel.: 233-25-66, 233-27-94.

Jurnal «O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Navoiy ko'chasi, 30.

Muqovaning 1-betida muavvirlar Niyozali Xolmatov va Kamol Mirzayev asarlaridan foydalanildi
2-betida Abdulhaq Abdullayevning «Alisher Navoiy portreti» asari.

E-mail: gulistonjurnali@inbox.uz





Эзгу мақсадлар йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар, изланиш, бунёдкорлик ҳамда яратувчанлик ишлари ундан келадиган самара ва натижалар узлуксизлигини ҳам таъминлайди. Бунга эса тўғри танланган йўл, истиқболни кўзлаб белгилаб олинган аниқ йўналишлар орқали эришилади. Сарҳисоб, таҳлил ва хулоса янги натижалар давомийлигини таъминлайдиган режаларни тузишга замин яратади.

OBOD VA OZOD VATAN QUTLUG' NIYATLARDAN BUNYOD BO'LADI

Истиқлол йилларида мухтарам Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда эришилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотлар узлуксизлиги ва у бераётган самара ўз навбатида мамлакатимиз тараққиёти ҳамда халқимиз фаровонлигини таъминламоқда. Жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон нуфузи янада ошишига хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасини ўқиб, ўтган 2015 йилдаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш яқунлари ҳамда 2016 йил учун белгилаб олинган энг муҳим устувор йўналишлар билан танишган ҳар бир юртдошимиз, қўлга киритилган ютуқлардан кўнглида фахр туйган ҳолда, янги режаларни амалга оширишдаги масъулиятини ҳам англайди, шу асосда янги истиқболдаги режалар ҳам ўтган йилдаги каби натижа беришига ишонч ҳосил қилади.

Мақсад йўлидаги интилишлар ҳам гўёки шижоат зинасидан кўтарилишдай туюлади. Бирор йил йўқки, мамлакатимиз эришаётган муваффақиятлар кўпаймаган бўлсин. Шукрки, интилиш, изланиш, бунёдкор халқимизнинг яхши ният ва мақсадларни кўзлаб қилаётган меҳнати самараси ҳам шунга яраша бўлмоқда.

Ўтган 2015 йилда ҳам мамлакатимиз аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, демократик қадриятлар асосида ривожланаётган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш борасида залворли ва самарали қадамлар қўйилди. Амалга оширилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишлари янада жадал ривожланиши учун мавжуд тизимлар, қонунлар, ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар асосида такомиллаштирилди. Эзгу ҳаракатлар ўз самараларини берди. Шуниси қувонарлики, Жаҳон банки «Бизнес юритиш» рейтингда Ўзбекистон бир йилнинг ўзида 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади. «Кичик бизнес субъектларига кредит бериш» деб номланадиган кўрсаткич бўйича эса сўнгги уч йилда 154-ўридан 42-ўринга кўтарилди. Бу ўз-ўзидан бўляптими?! Бугун юксак салоҳиятли мутахассис кадрлар энг замонавий технологиялар билан тобора жиҳозланиб куч ва қудрат олаётган дунёдаги юзлаб давлатлар орасида бу қадар катта суръатлар билан ҳам сифат, ҳам миқдор ўзгаришларига эришиш осон эмаслиги барчага аён.

Бир ютуқ иккинчисини бошлаб келади, дейдилар. Қачонки, йўл тўғри танланган, мақсад аниқ бўлса, унинг йўлида эса оқилона тизим яратилиб, узлуксиз ишлаши таъминланса. Жаҳон банки маълумоти бўйича, Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун зарур муҳитни яхшилаш



соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги 10 давлат қаторидан жой олди. Бу қанчалар катта эътироф!

Маърузада таъкидланганидек, ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етиб, 1,8 баробар ошди. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилиб, иш билан банд жами аҳолининг 77 фоиздан ортиги мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда. Бу билан ҳар бир юртдошимиз рўзгорини таъминлаш билан бирга мамлакатимиз бойлигига ўз ҳиссасини қўшишга интилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида ҳам ўтган йилда бир қанча салмоқли ишлар амалга оширилган.

Бунда мамлакатнинг молиявий салоҳияти ва имконияти, технологик ўзгаришлар, малакали мутахассислар ҳам алоҳида ўрин тутади. Шуни қайд этиш кераки, 2015 йилда белгиланган мақсадлар йўлида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди. Унинг миқдори 2014 йилга нисбатан 9,5 фоизга кўпайди. Бундай имкониятлар асосида 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 йирик ишлаб чиқариш объекти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Маълумки, ўтган йиллар давомида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилди, пахтачилик ва ғаллачилик билан бирга қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқлари ҳам жадал суръатларда ривожланди. Бунинг натижасида фермер ва деҳқонларимиз томонидан 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта хирмони барпо этилди. 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди.

Албатта, йил давомида қилинган меҳнат самараси у сарҳисоб қилинганда, барча тизимлардаги фаолият атрофлича таҳлил этилиб, аниқ факт ва рақамлар асосидаги хулосалар чиқарилганда янада яққолроқ намоён бўлади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамасдан, ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди.

Муҳтарам Президентимиз мамнунлик билан таъкидлаганидек, Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш яқунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олди. 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотида сазовор бўлган 14 давлатдан бири сифатида эътироф этилди. Бу каби ютуқлар барчамизни қувонтиради.

Давлатимиз раҳбари истиқлолнинг дастлабки кунларидан «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун!» дея барча эзгу мақсадларимиз моҳиятини ифодалаб, ҳар бир соҳадаги ҳаракат пировард натижада аввало инсон, унинг фаровон, бахтли-саодатли ҳаёт кечирishi учун замин яратиши кераклигини айтган эди. Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳар бир ислохот асосида ана шу эзгу ният ётади. Унинг ҳосиласи ўлароқ, бугун турмуш тарзимиз тубдан ўзгарди, халқимиз моддий фаровонлиги даражаси ўсди. Бу борада ҳам маърузада таъкидланган айрим факт ва рақамларга тўхталиб ўтсак. Бугунги кунда мамлакатимиздаги ҳар 100 оиланинг 42 таси энгил автомобилга, 47 таси шахсий компьютерига эгадир. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керак, бундай кўрсаткичлар нафақат йил сайин, балки кун сайин ортиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг 2015 йилда халқаро миқёсда 158 давлат орасида ўтказилган «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» тадқиқотида 44-ўринни эгаллагани бежиз эмас. Ваҳоланки, мамлакатимиз икки йил аввал ушбу кўрсаткич бўйича 60-ўринда эди.

Бу ютуқлар кимни қувонтирмайди, дейсиз. Тинчлик ва осойишталикни энг олий неъмат билиб, юрт равнақи, халқ фаровонлигини ўйлаётган, тадбиркорларини қўллаб-қувватлаб, уларга кенг йўл очиб бераётган, кексаларини эъзозлаб, аёлларини улуглаётган, ёшларини камолот сари йўллаётган, оналар ва болалар саломатлигига эътибор қаратиш орқали оила бахти ҳамда жамият мустақамлигига эришишдек эзгу мақсадни кўзлаётган юрт обод бўлиши, шубҳасиз.

Бугун Ўзбекистонга, унинг кундан-кунга обод ва файзли бўлиб бораётган шаҳар ва қишлоқларига боқиб, Истиқлол бизга қанчалар чексиз имкониятлар берганлигига, муҳтарам Юртбошимиз бошчилигида мамлакатимиз тобора юксалиб, унинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори ҳам ортиб бораётганига амин бўламыз. Кўнглимизда мана шу тинч ва файзли ҳаётни асраш, фидойилик кўрсатиш, Ватанимизни кўз қорачиғидай асраш масъулиятини ҳис қиламыз.

Мамлакатимиз тараққиёт пиллапояларидан энг эзгу мақсадлар сари юксалиб бораверади. Бошланган йил учун белгиланган режалар, албатта, ўз натижасини беради. Зеро, Ўзбекистон — қалбларга экилган эзгу ниятларнинг эзгу ниҳоллардай гуркираб ўсиши учун кеча-ю кундуз меҳнат қиладиган боғбон юрт!

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Биз озод ва обод Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ 25 йиллиги кенг нишонланадиган 2016 йилга катта мақсад ва режалар билан қадам қўйдик. Янги тарихимизнинг энг ёрқин саҳифасини ташкил этадиган ана шу буюк санага ҳар томонлама муносиб ва салмоқли ҳисса қўшиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун улкан шарафдир».

«JONDIN SENI KOT SEVARMEN, EY UMRI AZIZ...»



Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса.

Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир.

Ислом КАРИМОВ

*Тун оқшом келди кулбам сари ўл гулруҳ шитоб айлаб,
Хироми суръатидин гул уза хўйдин гулоб айлаб.*

*Қилиб мужгонни шабрўлар киби жон қасдиға ханжар,
Белига зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.*

*Қуёшдек чехра бирла тийра кулбам айлагач равшан,
Менга титратма тушти зарра янглиғ изтироб айлаб.*

*Кулуб ўлтирдию илгим чекиб ёнинда ер берди,
Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб айлаб.*

*Ки: эй зори жафокаш ошиқим менсиз нечуктурсен, –
Мен ўлдум полу айта олмайин майли жавоб айлаб.*


*Чиқарди шийайи май доғи бир соғар тўла қуйди,
Ичиб тутти менга юз навъ ноз осо итоб айлаб.*

*«Ки эй Мажнун, пари кўрдунг магарким тарки хуш эттинг,
Такаллум қил бу соғарни ичиб рафъи ҳижоб айлаб.»*

*Ичиб, фарёд этиб туштум аёғиға бориб ўздин,
Мени йўқ бодаким, лутфи анинг масти хароб айлаб.*

*Аниким элтгай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.*

*Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак ондин ортуқ ўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.*



Ғиёсиддин Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» асари буюк ўзбек шоири ва мутафаккири, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг ҳаёти, адабий, илмий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти тўғрисидаги қимматли манба ҳисобланади.

Ушбу асар Алишер Навоийнинг мамлакат сиёсий барқарорлиги, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда илм-фан, маданият, адабиёт ва санъатнинг тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси, олижаноб хулқлари, юксак инсоний фазилатлари тўғрисида маълумотлар беради.

Alisher Navoiy dahosiga ta'zim

«МАКОРИМ УЛ-АХЛОҚ» КИТОБИ ТЎҒРИСИДА

«Мақорим ул-ахлоқ» («Олижаноб хулқлар») китобини ёзган Хондамир ҳазрат Алишер Навоийнинг шоғирди, машҳур тарихшунос Мирхонднинг ўғли. Мирхонд умумий тарихга оид «Равзат ус-сафо» («Жаннат гулшани») китобини ёзган олим. Хондамир ҳам тарихшунос олим сифатида анчагина китоблар ёзган. «Мақорим ул-ахлоқ» китоби ҳам шу жумладан. Хондамир бу китобни Алишер Навоий хотирасига бағишлаб битган. Бу ҳам ибратли ҳол. У устози Алишер Навоийдан ибрат олган. Чунки Навоий ҳам ўз устози, пири, маслақдоши Абдурахмон Жомий хотирасига бағишлаб «Хамсат ул-мутахаййирин» асарини ёзган эди. Унда Жомийнинг таржимаи ҳоли, ўзининг Жомий билан ижодий ҳамкорлиги тўғрисида ҳикоя қилган, устозининг шахсияти, феълли, юксак одамийлиги тўғрисида мароқли воқеаларни сўзлаган. Навоий китобга илова қилиб ўзининг Жомий вафотига ёзган марсиясини ҳам келтирган. Хондамир ҳам шу йўлдан борган: Навоийнинг ҳаёт йўли, сиёсий фаолияти борасида сўз юритиб, асарлари хусусида қисқача, мазмундор тасаввур туғдиради. Ҳаётининг охириги вақтларигача маълумот беради.

Биз Навоийга оид ҳар бир лавҳа, воқеа, сўзни жуда қадрлаймиз. Хондамир эса буларни кўп ва яхши билган. Мана шулардан биттаси:

«Навоий ўз уйида дўстларидан бири билан шоҳмот ўйнаб ўтиришган эди. Шу вақт Навоий курдирган мадрасада дарс берувчи мударрислардан бири келиб қолди. У билан яхши ҳол-аҳвол сўрашишди. Сўнг меҳмон Навоийга ўз арзини айтди.

Мадраса яқинидаги бир ҳовли сотиладиган бўлган. Меҳмон ўшани олмоқчи эди. Ҳовли эгаси билан келишиб кўйилган. Лекин бошқа бир одам шу ҳовлига харидор бўлиб, уй эгасини чалғитган. Энди ҳовли эгаси шунга сотмоқчи эмиш. Меҳмон Навоийдан ҳовлининг эгасига айтиб, шу ҳовлини ўзига сотишга кўндиришини илтимос қилади. Навоий бу гапларни эшитиб, ин-

дамай шоҳмот ўйнашни давом эттираверган. Меҳмонга жавоб бермаган.

Меҳмон бироз кутган. Сўнг хижолат чеккан. Гапим шоирга ёқмади, шекилли, ишим битмайдиганга ўхшайди, деб узр сўраб қайтмоқ хаёлига ҳам тушган.

Ниҳоят шоҳмот ўйини тугаган. Навоий бу ишдан холи бўлгач, меҳмонга сўз бошлаган:

– Агар мадрасага яқин жойдан бир бошқа ҳовли – ўрни мақбул, суви ҳам, ҳавоси ҳам тоза, ўзи шинам ва кўркем бўлса, олар эдингизми?

– Албатта. Узоқдан дарсга қатнамоқ менга оғир бўлмоқда.

– Бўлмаса, сиз ўша ҳовлини кўринг, маъқул бўлса шуни олиб кўя қолинг. Ўзгалар савдосини ҳам бузиб ўтирманг, – дейди Навоий меҳмонга.

Меҳмон бу таклифдан хурсанд бўлиб, уни қабул қилган. Сўнгра ўша ҳовлини сотиб олиб, мамнун яшай бошлаган. Кейин унга маълум бўлибдики, бу ҳовлини Навоий яқинларидан бирига бериш мақсадида олиб кўйган экан...» Алишер Навоий одамларга шундай меҳрибон ва ғамхўр эди. Бундай воқеалар тўғрисида китобда анчагина ҳикоялар бор.

«Мақорим ул-ахлоқ» китоби мамлакатимизда аввал ҳам бир неча мартаба нашр этилган бўлиб, улар қисқартирилган нусхадир.

– «Мақорим ул-ахлоқ»нинг навбатдаги нашри 2015 йилда Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан амалга оширилди. Бу ишга машҳур олима Сўйима Ғаниева бош бўлди. Ушбу нашр қатор фазилатларга эга. У тўлалигича нашр этилган. Бу асарнинг яқинда юзага келган янги матндан ҳам истифода этганлар. Уни Баёний деган олим илмий ишловга келтирган экан. Китобда С.Ғаниева Баёний тўғрисида ҳам биз учун қизиқарли маълумотларни кўрсатиб ўтган.

«Мақорим ул-ахлоқ»нинг Баёний амалга оширган нашри мукамаллиги билан ажралиб туради. Асарнинг ўзбек тилига қилинган бу таржимаси олиманинг таҳриридан ўтган. Лозим илмий изоҳ ва шарҳлар билан таъминлаган С.Ғаниева бу нашр учун гўзал ва

мазмундор кириш сўз ҳам ёзган. Унда «Макорим ул-ахлоқ» ва унинг тадқиқотчиларига оид муҳим маълумотлар бор.

Биз навоийшуносликнинг қимматли ёдгорлиги «Макорим ул-ахлоқ»нинг ушбу нашрини амалга оширишда қатнашган барча олим ва фозилларга, полиграфия усталарига миннатдорчилик изҳор этамиз. Бу нашр Навоий ихлосмандларига қимматли совға бўлди. Бундан буён ҳам шундай ишлар кўпаяверсин.

Хондамирнинг китобидан кўп фойдаланувчи шахс сифатида баъзи фикрларимни ҳам айтмоқчи эдим. Муаллиф Навоий ҳаётининг охириги соатларида ҳам унинг ёнида бўлган ва бу фурсат тафсилотларини ҳам ёзган. Улар анча мулоҳазали.

Ҳиротда Султон Ҳусайн дунёдан ўтгач, Хондамир Деҳлига кетди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳузурда иззат ва ҳурматда бўлди. Хондамир Навоий оғир бемор бўлганида сарой табибларининг сусткашликларини танқидомуз талқин қилади. «Ҳатто, маҳаллий табиблар бундай пайтда қон чиқарар эдилар, булар эса шошмадилар, улар подшоҳдан рухсат келгунича фурсатни бой бердилар ва қон чиқариш фойда қилмади», дейди. Менинг бир яхши тиббий олим дўстим бунга зид фикр билдирган эди. Яъни беморнинг аҳволи жуда мураккаблиги сабаб қон олишдан барибир фойда бўлмасди.

«Макорим ул-ахлоқ»да анчагина шеърини парчалар бор. Лекин унинг таржима қилинган нусхаларида Навоийнинг туркий шеърларидан бирортасини учратмадим. Наҳотки, Хондамир туркий тилни билмаган бўлса, бунга ишониб қийин. Бу саволга аниқ жавоб топмоқ керак бўлар.

Хондамир ўз китобини Навоий вафотидан кейин ёзиб битирган. Аммо уни Ҳусайн Бойқаро ўқиб чиқиб, қувватламагунича бу асар унчалик эътироф қозонмаган. Фақат шундан кейингина бу асардан нусхалар кўчирилган ва адабиёт тарихида муносиб ўрнини эгаллаган.

Ўзбекистон Қаҳрамони Суйима Ғаниева раҳбарлигида Комилжон Раҳимов амалга оширган «Макорим ул-ахлоқ»нинг янги — ўзбекча тўлдирилган нашри ўзбек навоийшунослигининг янги саҳифасидир. Бунда машҳур олиманинг таржима соҳасидаги юксак маҳоратига ҳам алоҳида тан бермоқ керак.

Биз ҳаммамиз олимага соғлиқ-саломатлик, узоқ умр мана шундай янги илмий муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Азиз ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
академик

**«БАҒРИНГДАГИ ДУРНИ БИЛМАЙСАН,
ТУПРОҚ»**

Насли муаррихлар авлодидан бўлган Ғиёсиддин Хондамирнинг қаламига мансуб тарихий асарларда Марказий Осиё тарихининг энг муҳташам даври — темурийлар сулоласи воқеалари акс этгани маълум.

«Маосир ул-мулк» («Асрдош подшоҳлар тарихи», 1498-99), «Хулосат ул-ахбор фи баён ул-аҳвол ул-ахёр» («Хайрли кишилар аҳволидан хабарлар хулосаси баёни», 1498-99), «Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афрод ал-башар» («Башар аҳли сийратидан хабар берувчи дўст», 1521-24) каби асарлар тарихчининг илмий ва бадиий салоҳиятидан дарак беради. Бироқ ҳазрат Навоийнинг тарбияси ва ҳомийлигида ўсган бу муаррихнинг «Макорим ул-ахлоқ» (1501) асари улуғ шоир ҳаёти ва фаолияти, асарлари ва сийрати, улуғлик сифатларию амирлик хислатлари ҳақида комил маълумот бериши мумкинлигига ишонган ҳолда юртимизда иккинчи марта қайта таржима қилинган ушбу мўътабар китобнинг янги нашри мутолаасига киришамиз.

Маълумки, Хондамир асари Навоий вафотидан кейин чуқур қайғуга чўмган зиёлилар аҳлининг Ҳазрат шаънига айтилган бир марсиядай тасаввур қолдирганди. Дастлаб, асар М.Фахриддинов ва П.Шамсиев таржимаси асосида 1941 йилда чоп қилинган ва Ҳазрат Навоийнинг юбилейлари муносабати билан қайта нашр этилиб, адабий жамоатчиликни хушнуд этгани маълум.

Ғарб олимлари Навоийнинг биографи деб атаган Хондамирнинг бу китоби ҳасби-ҳол асар эмас. Шунинг учун ҳам улуғ шоир ҳаётининг ҳеч бўлмаса асосий воқеаларини даврий кетма-кетликда баён қилишни ўз зиммасига олмаган. Фақат «Муқаддима»да Ҳазратнинг таваллуди воқеаси, «Хотима»да эса вафоти батафсил баён қилинади. Бу ҳақда Иззат Султон «Асар Навоийнинг биографиясини бериш мақсадида эмас, балки унинг тавсиф, таърифини бериш мақсадида ёзилгандир. Шунинг учун унда Навоийга оид биографик материаллар хроникал тартибда берилмайди... «Макорим ул-ахлоқ»дан Навоийнинг систематик биографиясини ахтариш керак эмас... Асарда Навоий биографияси тўла бўлмаса ҳам, Навоий образи тўлароқ чиққандир» деб тушунтириш берган.

Янги нашр эса 1981 йилда Абдулғаффор Баёний Кобулда чоп этган нусха асосида Комилжон Раҳимов томонидан ўзбек тилига ўғирилган. Мутахассислар тўлиқ нашр дея эътироф этаётган бу китоб дебоча, муқаддима ва хотима қисмларидан ташқари «ўн мақсад» деб номланувчи боблардан иборат. Бу шунчаки китобнинг бобларга тақсимланиши бўлмай, балки ҳар бир «мақсад»да муаллиф бир илмий-маърифий муаммони ўртага қўяди, унинг ечимини беради ва ҳазрат Навоий фаолияти ҳамда ахлоқидан намуна келтиради.

Биринчи мақсадда ақл-идрокнинг улуғлик ва юксаклик мартабаси хусусида сўз юритиб, «Хулосат ул-ахбор»да келтирган доно маслаҳати билан Султон Ҳусайннинг зафар қозонишига сабаб бўлган икки ҳикоят келтирилади ва улуғ амирнинг бошқаларни тўғри йўлга бошловчи закий ақлига тан беради. Иккинчи мақсадда илмнинг фазилати ва олимлик мартабаси хусусида сўз юритиб, Ҳазрат илму ирфон йўлида қилган саховатли ҳаракатлари, жумладан, у зот қурдирган мадрасалар ва «олий мартабали ул амир номига атаб ёзилган китоблар»нинг мундарижаси ва қисқа шарҳини келтиради. Учинчи мақсад «Шеър фазилати ва шоирларнинг юксак мартабалари» хусусида бўлиб, Ҳаз-



ратни «султоннинг энг яқин кишиси» сифатида эмас, «сўз санъатида дунёда ягона бўлган ҳамда унеча ҳеч ким туркий тилда ундан кўпроқ ва ундан яхшироқ ёзмаган» (Бобуршоҳнинг таърифига яқин) асосли мисоллар билан баён қилинади. Шу каби кейинги «мақсадларда» адаблик фазилати, охираат йўлида қилган савоб ишлари, шариат арконларига риоя қилиши ва тариқат одобида кўрсатган ўрнаклари, меҳрибон ва раҳмдилликда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) суннатида амал қилган ҳолда ҳеч бир жонзотга озор етказмагани, камтарлик фазилати, очиққўллик ва саховатининг бемислиги, топқирлик ва ҳазил-мутойибалари баёнига қадар тавсифланади. Бу шунчаки баён ва тарихий тавсиф эмас, балки турли хил ҳикоятлар, ҳужжатлар, шохидлар ва мутойибалар асосига қурилган бир маънавий-илмий асар тасаввурини беради. Фиёсиддин Хондамир қофиясанж шоир ва закий таъбли адиб сифатида ҳар бир ҳодисани юксак назокат ва тил одоби билан тасвирлайди, фикрларига Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифдан асослар келтиради, доимий суратда Ҳазрат хатти-ҳаракатлари Пайғамбаримиз тутимларига риоя тарзида эканини таъкидлайди ҳамда жуда кўп ўринларда рубоий, байт ва мисралар келтирадигани (уларнинг аксарияти ўзининг қаламига мансуб), «қора наср» ифодада ожизлик қилган ўринларда юксак шеъриятга жой беради. Шунинг учун ҳам бу мўтабар манба асрлар давомида Ҳазрат Навоий ҳақида ёзилган энг гўзал, ишончли ва илмий асосли асар сифатида қадрланади.

Мазкур асарда Ҳазрат Навоийнинг улуғлик сийрати ва уларнинг муборак феълларига ўрнашган нозик сифатлар ҳақида сўз юритилганки, асарни ўқиган китобхон том маънода улуғ адибнинг авлиё эканига қаноат ҳосил қилади. Қолаверса, асарда ўн мақола доирасида келтирилган ҳар бир сифат нафақат ёшларга, балки ўзини камолот сари юксалтиришни истаган ҳар бир инсонга ахлоқий-маънавий қоидалар мажмуаси бўла олади. Масалан, ҳаётидан кўра улус тинчлигини ўйлаган, халқ тинчлиги ва фаровонлиги йўлида ҳатто Ҳаж сафарини ҳам кечроққа сурган серҳиммат бир донишманд экани аён бўлади. Ёшлар бу асарни ўқиб жараёнида инсон шунчалик улуғвор амир бўлиши баробарида ўта камтарин, маълум маънода давлатдор бўлиши билан бирга олий даражадаги серҳиммат, улкан мутафаккир бўлиши билан бирга мамлакат хавфсизлигини таъминлашга доим тайёр турган мутақдбир раҳбар сиймоси олдида таъзим қилишлари ва уларнинг сурату сийратига барча аён бўлган хислатларнинг ҳеч бўлмаса айримларини ўзига сингдиришлари лозим.

Фиёсиддин Хондамир қаламига мансуб яқинда ўзбек тилида чоп қилинган (2013) «Ҳабиб ус-сияр» асарида Ҳазратнинг вафоти воқеаси ва унга бутун аҳли Хуросон ва Туркистоннинг мотами ҳамда Алишер Навоийни хайр ул-башар (с.а.в.)нинг суннати талабига биноан дафн қилганларидан закий муаррихнинг ҳофизасига биргина мисра келди: Бағрингдаги дурни билмайсан, тупроқ!

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
Филология фанлари доктори, профессор

«МАКОРИМ УЛ-АХЛОҚ» КИТОБИДАН

Астробод вилояти асли ва негизини эзгулик ташкил этувчи Амирнинг адолати соясида обод ва фаровон бўлган даврдаги кунлардан бир кунни ҳаво бир неча марта ўзгарди. Ул Ҳазрат унинг ҳузурида бўлган ўша вилоят аъёнларига қарата:

— Ажабо, бугуннинг ўзида ҳаво бир неча марта ўзгарди, — дедилар.

Улардан бири бунга жавобан шундай деди:

— Шаҳримизнинг яхши жиҳатларидан бири ҳам шундаки, бир куннинг ўзида (бир йилдаги) тўрт фаслнинг ҳавоси намоён бўлади.

Шунда (она шаҳри Ҳиротни соғиниб юрган) ул олий Ҳазрат шундай дедилар:

— Ҳа, тўғри (айтасиз), бу шаҳарнинг бир кунни бир йилга тенг экан.

Муסיқа ва мақомлар фанида ўз даврининг ягонаси бўлган Мавлоно Алишоҳ бир кунни ул олий Ҳазратга (Аллоҳ ул зотнинг қабрларини табаррук қилсин) эъз қилиб:

— Сизнинг беҳад илтифотингиз ва марҳаматингиздан умидим шуки, ҳар ой (маошимни олай деб) мулозимларга бош оғриғи бўлиб юрмаслигим учун, вақф ишларини бошқарувчиларнинг олти ойлик маошимни биратўла (олдидан) беришлари тўғрисида буйруқ чиқарсангиз, дегандим, — деди.

— Мавлоно, — деди (ул Ҳазрат) бунга жавобан, — умримиздан (олти ойи тугул) олти кунни қолганми, йўқми, бизга маълум эмас. Шундай экан, нима сабабдан бизга омонат берилган бу ҳаётга бунчалик ишониб, биратўла олти ойлик маошингизни беришларини сўраяпсиз?

(Аммо) Мавлавий жаноблари:

— Сиз ўша пулларни менга беришлари тўғрисида буйруқни бераверинг, борди-ю (олти ой ичида) ўлиб қоладиган бўлсам, гўр-кафанимга яраб қолар, — деди.

(Шунда) ул ҳазрат:

— Оббо, ўлигим бир бало, тиригим бир бало, деганлари сиз экансиз-да, — деб жавоб берди.

“Diloromimg'a ayt...”



*Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимга айт,
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимга айт.*

*Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дам-бадам,
Базми айш ичра лаболаб бода ошомимга айт.*

*Ком талху бода захру ашк рангин бўлганин
Лаъли ширин, лафзи рангин, шўхи худкомимга айт.*

*Шоми ҳижрон рўзгоринг тийра невчун қилди, деб
Сўрмагил мендин бу сўзни, субҳи йўқ шомимга айт.*

*Ул пари ишқида нангу номким тарк айладим,
Кўнгул отлиғ ҳажр водийсинда бадномимга айт.*

*Эй кароматгўй, ишим огози худ исён эди,
Шамъи раҳмат партави етгайму анжомимга, айт.*

*Йўқ Навоий бедил ороми ғам ичра, эй рафиқ,
Ҳолини зинҳорким, кўрсанг, дилоромимга айт.*

Ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий камол топтиришда уларни миллий ва жаҳон адабиёти, муסיқасининг энг нодир намуналаридан баҳраманд этиб бориш катта аҳамият касб этади. Бебаҳо адабий меросимиз, бетакрор шеърятимиз дурдоналари асосида яратилган мумтоз кўшиқларимиз нафақат миллий, балки шарқ ва жаҳон муסיқа оламида ҳам алоҳида ўрин тутади.

Эътиборингизга тақдим этилаётган «Ғазал соғинчи» номли янги рукн орқали сизни ана шундай кўшиқлар асоси бўлган ғазаллар, улар замиридаги энг покиза инсоний туйғулар, маъно дурлари билан таништириб боришни мақсад қилдик. Бу саҳифада машҳур «Чўли ироқ» куйи асосида яратилган Алишер Навоийнинг «Эй насими...» деб бошланувчи ғазалининг адабий шарҳи билан танишасиз. Ўйлаймизки, ушбу рукн сизга машҳур кўшиқлар моҳиятини янада теранроқ англаш имконини беради.

Ушбу ғазал дастлаб ҳазрат Навоийнинг «Наводир ун-ниҳоя» девонига 104-рақам билан кирган. Кейинчалик «Фаройиб ус-сиғар» девонидан қайта ўрин олган.

*Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимга айт,
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимга айт.*

Шоир тонгги шаббода насими субҳга мурожаат қилиб, ўз аҳволини дилга ором берувчи ёрга етказишликни тайинлайди. Тонгда насимга мурожаат қилишининг сабаби, шоир тунни ҳижронда ўтказган, унинг бемажол аҳволи фақат эрта тонгдагина елган насимга маълум, шунинг учун ҳам ҳолатни кўрган гувоҳ сифатида ва югурувчи (ел) хабарчи сифатида шоир унга «муҳим юмуш» топширяпти. Ёрнинг сочи сунбулдай муаттар, юзи гулгун (қизил), сарв қоматли. Бу тасвирдан кўринадики, маъшуқа ошиқнинг ҳолидан беҳабар. Агар хабардор бўлганда эди, унинг юзи гулгун, зулфи сунбул бўлмаслиги мумкин эди.

*Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дам-бадам,
Базми айш ичра лаболаб бода ошомимга айт.*

Ёрнинг лаъл лаби деб тунни ўтказган эди, ҳамон унинг ҳасратида қон ютмоқда, бу ҳолдан беҳабар, бепарво ёр қизил майдан чоғарни тўлдириб ичиб, боданинг лаззатини сурмоқда. Бу ўринда таносуб санъати унинг юзи гул (қизғиш), лаъл (қизил) лаб, бода (у ҳам қизил) — булар шодликнинг ифодаси бўлса, ошиқ эса қон (қизил) ютмоқда. Энди бу қизиллик ғам-андухнинг белгиси сифатида рўёбга чиқмоқда. Мурожаатнинг давоми «айт» радифида кўринади. Демак, менинг андуҳли ҳолимни қувноқ яшаётган (тазод санъати) ёрга етказ.



**Ком талху, бода захру, ашк рангин бўлганин
Лаъли ширин, лафзи рангин, шўхи худкомимга айт.**

Ком (мақсад, орзу) талх – аччиқ бўлганидан ошиқ ҳам бода ичади, энди бу бода кўнгилга хушбахтлик етказиш ўрнига захардай таъсир қилади, кўз ёши рангин (бода-нинг ранги каби) ҳолга келади, бу ҳолни ҳам ширин лабли, рангин лафз (сўз)ли, шўх ва ўз мақсади (худком)нигина билганга «айт»ишликни насимдан сўрашда давом этмоқда. Бу ўринда зиддият янада кучаяди, шоирнинг мақсади бўлган унинг лаъли (лаби) ширин, лекин у (бода ичиб) аччиқ захардан тотгандай бўлган ошиқ мақсади ҳам аламли: хуш кайфият излаб ичгани бода захар, кўз ёши эса рангин (қизил – қон) бўлганини ўша лаби ширин, тили чучук, шўх худбингинамга етказгин, деб айтади.

Шу ўринда ҳазрат Навоийнинг «Харобот аро кирдим ошуфтаҳол...» деб бошланувчи машхур таржеъбандидаги

**Кетармакка худбинлигим ранжини,
Қани бода янглиг давоий манга.**

байти эсга келади. Яъни худбинликнинг ранжу аламларини бода орадан кўтариши керак. Илоҳий ишққа бода маъжози орқали юзланади.

**Шоми ҳижрон рўзгоринг тийра невчун қилди, деб
Сўрмағил мендин бу сўзни, субҳи йўқ шомимга айт.**

Ҳижрон шоми (яъни тунги ҳижрон) нега аҳволингни тийра (қоронғу) қилди деб, менадан сўраб ўтирма (вақт кетказма), менга тонги йўқ қоронғуликни раво кўрган ўшал «шомим», яъни қоронғулик, мавҳумликни етказганга бунинг хабарини «айт», дейди.

**Ул пари ишқида нангу номким тарк айладим,
Кўнгул отлиг ҳажр водийсинда бадномимга айт.**

Ул пари ҳижронида нанг (ор-номус), ному эътиборимни йўқотдим, (у эса) буни кўнгил отли ҳижрон водийсида, яъни менинг қалбимга кириб (олиб), мени бадном қилаётганга айт. Ёр ошиқ қалбидан ўрин олди, энди унинг кетиши гумон, шундай экан, ўзи ўринлашган жойни у (инсоф юзасидан) бадном қилмаслиги керак, дейди.

**Эй кароматгўй, ишим оғози худ исён эди,
Шамъи раҳмат партави етгайму анжомимга, айт.**

Бу байтда шоир бошқа бир кароматчига мурожаат қилиб дейди: менинг ишим исёндан бошланган эди, бундай ўзи учун қилинган исёндан мақсад — шамъи раҳмат, яъни илоҳий файз анжомим (менинг толеъ юлдузим)га етадими, айтгин. Чунки исён мусулмончиликда ислоний ахлоқдан чекиниш, мен шунга йўл кўйдим, энди илоҳий файз(раҳмат шамъи)дан баҳра олишим гумонлигини унга айт.

**Йўқ Навоий бедил ороми ғам ичра, эй рафиқ,
Ҳолини зинҳорким, кўрсанг, дилоромимга айт.**

Энди Навоий ғам-қайғу ичида, унинг бедил (дилсиз) кўнгида ором йўқ, эй дўст, бу аҳволимни кўрсанг ҳам уни, албатта, дилоромимга айт, дейди.

Ғазалнинг бу зоҳирий маънолари қанчалик санъатларга бой бўлса, унинг ботинида шунча ҳикмат бор. Маълумки, ёр тасаввуфда Илоҳ тимсоли. Илоҳга етишиш ниятида ошиқнинг изтироб чекиши, туни билан ибодат қилиши, боданинг захрини ютиши, яъни илоҳий муҳаббат шаробидан тотиниши, унинг номини қалбига жойлаши – бу маълум маънода Илоҳга қовушмоқ истагидир. Энди менга хабар бергин-чи, эй кароматгўй, мен шундай исёним (моддий ёр гўзаллигига ошиқлигим, уни жондан ортиқ севганим, унга маҳлиё бўлиб тунни бедор ўтказганим) асли тўғрими? Мен маъшукани Илоҳнинг тажаллиси деб билиб, унга кўнгил кўйгандим. Энди менинг толеъим шамъи раҳмат партавиға – Илоҳий файз мабдаиға яқинлаша, кўшила оладими, деган ғамга ботдим. Менинг бу ҳолимни ҳам, агар Уни кўрсанг, етказгил, дейди.

Бу бир неча қатламли ғазал талқинида биринчи қатламда моддий дунё гўзалликлари, улардан баҳраманд бўлиш борасида сўз борса, иккинчи қатламда дунё гўзалликларига ошуфталик туфайли мен исёнга йўл кўйиб, илоҳий неъматдан узоқлашмадимми, энди Аллоҳ раҳматидан умидвор бўлсам, менга шамъи раҳмат партави насиб қилармикин, деган андиша ётади. Ҳар икки қатлам ҳам бир-бирини тушунишга халақит бермайди, аксинча, бири иккинчисини тўлдиради. Агар ҳазрат Навоий ғазалнинг зоҳирий қатлами билан чекланса эди, шоир изтироблари фақат бир моддий ёрнинг жамоли учун айтилган мадҳ бўлиб қолар эди. Бу ўринда асосийси маъшуканинг мадҳи эмас, балки ўз ҳолатини ифода қилишликдир. Шунинг учун ҳам насими субҳ – тонг шаббодасига мурожаат қилади ва унинг воситасида ўз ҳолини етказишликни сўрайди. Шоир Илоҳий муҳаббатга қовушиш орзусида.

Ғазал туркийда айтишга мос бўлган рамал баҳри (рамали мусаммани маҳзүф)да ёзилган. Унинг оғир, вазмин сўзга ҳамоҳанглиги ўқилишида ҳам ижросида ҳам кузатилади. Ғазал мазмуни ва вазнига мос ҳолда «Ироқ» куйида кўшиқ қилиб айтилади. Бу куйнинг босиқ ва изтиробли оҳанглари унинг ижрочилари овози, кайфиятида ҳам акс этган. Ушбу ғазал хонандаларимиз томонидан турли усулда айтилган. Масалан, Ориф Алимахсумов ва Саодат Қобулова ижросида мана шу оғир вазн ва ғаму ҳасрат шомининг ифодасини аниқ кўради. Шаҳодат Раҳимова ижросида эса бир оз ҳазинлик билан бирга висолга интилиш, ҳаракат мотивларини кузатамиз. Ниҳоят, Маъмура Муҳамедованинг ёлғиз дутор жўрлигидаги ижросида изтироб оҳангини ҳам, сўзлар аниқлигини ва муҳими, дутор чертимининг зарбига мос ҳолатдаги табиий тиниқликни тинглаймиз.

Асрлар давомида турли ҳофизлар томонидан куйланиб келинган бу ғазал мазмунида Навоийга хос юксак санъаткорлик, фалсафий мазмундорлик ҳамда гўзал эстетик диднинг мужассамини кузатамизки, бу хислатлар ғазални қайта ва қайта ўқишга чорлайди. Унинг теран маънолари ҳар турли ўқувчининг эътиборида узоқ сақланиб, улуғвор санъат ва ҳикмат дунёсидан баҳрамандлик туйғуларини ҳосил қилади.



«Менинг ўғлим — Ватан ҳимоячиси!» Бу — бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган, она юртига посбон бўлиб турган фарзандларининг камолидан мамнун ота-оналарнинг эътирофи, кўнглининг туб-тубидан чиққан ғурур ва ифтихорининг ўзига хос ифодасидир. Президентимиз фармойишига биноан, Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб жойларда «Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!» шиори остида ўтказилган видеомулоқотлар иштирокчилари қалбидан ҳам ана шундай ҳис-туйғулар кечгани, шубҳасиз. Зеро, эл-юрт тинчлиги энг бебаҳо неъматдир. Ана шу эзгу мақсад йўлида доимо сергак ва хушёр бўлиб, юртимиз сарҳадларини кўриқлаётган мард ва жасур ўғлонларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

MENING O'G'LIM — VATAN HIMOYACHISI



Муслимбек БОТИРОВ, аскар:

– Болалигимдан ҳарбий кийимдаги йигитларга ҳавас қилардим. Бугун ўзим ҳам юртимиз сарҳадларини кўриқлаяпман. Биласизми, тинч юртинг аскари бўлиш ҳам бир бахт экан. Айти пайтда дунё мамлакатларида бўлаётган воқеаларни кўриб-эшитиб, тинч заминда яшаётганимизга шуқр қиламиз. Тинчликни таъминлашда оз бўлса-да, ҳиссамиз борлигидан ғурурланамиз.

Мен армияда оилам, ота-онамининг қадрини чуқур ҳис қилдим. Бугун улар билан суҳбатлашдик. Онам кулимсираб: «анча улғайибсан, болам» деди. Армия – ҳаёт мактаби деган гап қанчалик тўғри эканини яна бир бор ҳис қилдим. Ота-онам менга катта ишонч билан қараётганини уларнинг кўзидан сездим. Она Ватанимиз, халқимиз ва оилам ишончини оқлаш, уларга муносиб фарзанд бўлиш асосий мақсадимдир.

Қодирбек РАҲМОНБЕРДИЕВ, аскар:

– Ватан оиладан бошланади, деган гап бежиз эмас. Назаримда, хизмат бурчини ўтаётган ҳар бир аскар ортида ота-онаси, яқинлари, умуман, Ватани турганини бир сония ҳам ёддан чиқармаслиги керак. Чунки ана шу туйғу унга ишонч, ғайрат, куч бағишлайди.

Бугун оила аъзоларим билан суҳбатлашдик. Онам қариндош-уруғлар, кўшнилари ва дўстларимнинг саломини етказди. Аввало, бизга яқинларимиз билан гаплашиш шароитини яратиб берган Президентимизга раҳмат. Шундай инсонпарвар юртининг аскари эканимдан фахрланаман.

Муножот ТҶИЧЕВА, аскар онаси:

– Менинг акам ҳам армияда хизмат қилган. Уйдан чиқиб кетганидан кейин икки йил давомида фақат хат ёзишганмиз. У пайтда онам ўз ўғлини Ватан ҳимоячиси эканидан фахрланганини эслолмайман.

Вақт ўтиши билан кўп нарса ўзгарди. Бугун мен ўғлимнинг жонажон Ватанимизни ҳимоя қилаётганидан чексиз ғурур ҳиссини туяман. Сўраганларга «ўғлим Ватан олдидаги бурчини ўтапти», деб баралла жавоб бераман. Илгари армиядаги яқинлар билан фақат хат орқали дийдорлашган бўлсак, бугун уларни ўз кўзимиз билан кўриб суҳбатлашдик. Ота-она учун бундан ортиқ бахт борми?

Ўғлимнинг кийиниши, улар учун қулай шароит яратилганини ўз кўзим билан кўрдим. Фарзандимга эғнидаги ҳарбий либоси жуда ярашиб турибди. Хизматни тугатганидан кейин ҳарбий бўлишни истаса, бажонидил рози бўламан.



Шоҳмад ИСЛОМОВ, аскар отаси:

– Фарзандимнинг Ватан ҳимояси йўлида хизмат қилаётганидан хурсандман. Ёшлигидан аскар бўламан, деган шаҳди бор эди. Мана, Ватан олдидаги фарзандлик бурчини адо этяпти. Биз хизмат қилган вақтларда аскарликка кетган одам хизмат тугамагунча келмас эди, ота-онасига ойда бир хат ёзарди, холос. Ҳарбийларга эътибор ҳам ҳозиргидек эмасди. Замоннинг зайлини қарангки, бугун аскар ўғлим билан видеоалоқа орқали гаплашдим. Хизмат қилаётган жойини ўз кўзим билан кўрдим. Ўйлайманки, Ватан олдидаги масъулиятини чуқур ҳис қилган йигит ҳаётда ҳам тўғри йўл танлайди. Ўғлим хизмат вақтида мусобақаларда қатнашиб ғолиб бўлганини айтди. Бу мен учун қувончли хабар. Бола ота-она учун ҳар доим бола. Унинг эр йигитлар қаторида юртимиз сарҳадларини қўриқлаётгани мени ғурурлантирди. Кўзимнинг оқу қораси юзимни ёруғ қилиши мен учун катта бахт. Ҳар бир ота-онага шундай яхши кунларни тилайман. Фарзандларимизни юрт хизматига шайлайлик, ватанпарварлик руҳида ўстирайлик.

Эшқобил ШУКУР, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

– Ота-она билан аскарнинг дийдорлашуви – жуда ҳаяжонли дақиқалар. Бугун фарзандини ҳарбийлар либосида кўришни истамаган ота-онанинг ўзи бўлмаса керак. Сабаби, шарафли хизматни ўтаётган йигитлар келажақда ота-онаси кутгандек инсон бўлаётгани кўриниб турибди. Менинг Сурхондарёда 86 ёшли онам бор. Бағримда эса тўрт ойлик неварам. Яқинларимизнинг тинчлиги, хотиржамлиги мана шу йигитларнинг хизмати билан боғлиқ. Уларнинг Ватанимиз сарҳадларида мустаҳкам қўрғон бўлиб тургани – ҳаммамизнинг бахтимиз. Аскарларнинг бедорлиги, зийраклиги туфайли юртимиз тинч, кўнглимиз хотиржам. Мен тинчлигимизни жасур йигитларимизнинг тимсолида кўраман. Уларнинг иқболи баланд, жони омон бўлишини тилайман. Ота-оналарнинг қалбидан энг ширин туйғулар ўтаётгани шубҳасиз. Мен аскарларнинг шу фахр, шу ишончга муносиб бўлишларини тилайман.


Қўчқор НОРҚОБИЛ, ёзувчи:

– Аскарларимизнинг соғинчли сўзларини эшитиб, уларнинг хизмат давомида қўлга киритган ютуқларини кўриб, жуда хурсанд бўлдим. Мен хизмат қилган вақтда ота-оналаримиз биз билан бундай кўришиш, гаплашиш у ёқда турсин, қандай ҳолатда эканлигимизни ҳам аниқ билишмасди. Оилали бўлиб, ота-онанинг ташвишларини кўпроқ тушундимки, ўшанда ота-онамизга жуда мушкул бўлган экан. Бугунги ёшлар жуда бахтли. Уларнинг ота-оналари билан



юз кўришиб, хотиржам қилганликлари менинг ҳавасимни янада орттирди. Аскарларимиз Ватан хизматини бажариш билан бирга ҳар томонлама ҳаёт сабоғини олиш имконига эга. Мана, таъкидлашганидек, фаол ва билимдон аскарлар олий таълим жараёнларининг тўлов-контракт шартномаларида ҳам имтиёزلарни қўлга киритишлари мумкин экан. Бундай юртга хизмат қилиш, камарбаста бўлиш ҳар бир йигит учун шараф.

Нилуфар ҲАЙИТОВА ёзиб олди



*“Har kimki meni so‘rsa,
salomimni degil!”*

Заҳириддин Муҳаммад Бобур нафақат буюк шоир, балки етук саркарда, доно ҳукмдор сифатида тарихда чуқур из қолдирди. Кенг қиррали, юксак истеъдод соҳиби Бобур гарчи қисқа ҳаёт кечирган бўлса-да, оламшумул ишларни амалга оширди. У мерос қолдирган қатор адабий ва илмий асарларнинг кўплаб хорижий тилларга таржима қилингани унинг жаҳон миқёсидаги шоир эканидан далолат беради. Бу йил мамлакатимизда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 533 йиллиги кенг нишонланмоқда.

*Баҳор айёמידур, дағи йигитликнинг авонидур,
Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.*

*Гаҳи саҳро узори лола шаклидин эрур гулгун,
Гаҳи саҳни чаман гул чеҳрасидин арғувонидур.*

*Яна саҳни чаман бўлди мунаққаш ранга гуллардин,
Магарким сунънинг наққошига ранг имтиҳонидур.*

*Юзунг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулзори,
Қадинг, эй гул, ҳаётим боғининг сарви равонидур.*

*Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибингга тараҳҳум айлагилким, андижонидур.*

*Хатинг аро узоринг сабза ичинда лола,
Ул чашми пурхуморинг лоладағи ғазола.*

*Барча парилар, эй жон, гирдингда зору ҳайрон,
Гўё эрур намоён ой теграсида ҳола.*

*Меҳру вафони, эй ёр, кўп кўрди сендин ағёр,
Жавру жафони бисёр қилдинг манга ҳавола.*

*Ҳажрингда, эй парирў, кўзумдин учти уйқу,
Ҳар кеча тонгга тегру ишимдур оху нола.*

*Юз сафҳасинда хатлар ёшдинки, ҳар тараф бор
Ишқингда Бобур айлар бу навъ юз рисола.*

*Эй ел, бориб аҳбобқа номимни дегил,
Ҳар ким мени билса, бу паёмимни дегил,
Мендин демагил гар унутулгон бўлсам,
Ҳар кимки мени сўрса, саломимни дегил!*

Ҳитомуғиттома

Улкан давлат арбоби, қомусий билимлар ва дилбар шеърят соҳиби Бобур Мирзо ва маърифатли бобурийларнинг маънавий мероси нафақат ўзбек, балки шарқ адабиётида ўзига хос юксак ўрин тутади. Бобур Мирзонинг қизи Гулбаданбегим қаламига мансуб «Ҳумоюннома» асари ҳам буюк бобомиз ҳаёти ва фаолияти, у асос солган салтанат, ўша давр муҳити, унинг ўғли бўлган Ҳумоюн томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берувчи қимматли манба ҳисобланади. Қуйида таниқли шарқшунос олим Аҳмад Қуронбеков томонидан таржима қилинган ушбу асардан олинган парча билан танишасиз.

Дилсиёҳлик ҳаддан ошиб кетгач, подшоҳ ҳазратлари (Бобур) окам (онам) ва бошқа бегимларга қараб: «Келинлар, Дхўлпур сайрига борайлик», – дедилар. Ва ўзлари кемага ўтириб соғ-саломат сувдан ўтдилар ва ўша Дхўлпурга етиб бордилар. Бегимлар ҳам кемага ўтириб сувдан ўтмоқчи бўлдилар. Шу мазгилда Дехлидан Мавлоно Муҳаммад Фақр Алининг арзномалари етиб келди. Улар ёзгандиларки, Ҳумоюн мирзо беморлар ва ажаб бир ҳолатдалар. Бу хабарни олгач, бегим ҳазратлари (Моҳим) тезлик билан Дехлига отлансинлар, чунки мирзо (Ҳумоюн) ўта сабрсизлик билан кутмоқдалар. Окам ҳазратлари бу хабарни эшитишлари биланок сабр-тоқатини йўқотдилар, худди ташналиқдан азоб чеккан кишидай Дехлига жўнаб кетдилар.

Матхурага етиб келганларида, ўзларининг жаҳонни кўргувчи кўзлари билан эшитганларида ўн чандон заифроқ ва нотавонроқ кўрдилар. У ердан она ва бола иккаласи худди Марям ва Исодек Аграга йўл олдилар.

Аграга етиб келганларидан кейин, бу ҳақир опа-сингиллари билан ул фаришта табиатли ҳазратлари(Ҳумоюн)га таъзим бажо келтиришга бордик. Уларнинг ҳоллари борган сари оғирлашиб бораётгани туфайли, ҳар гал ҳушларига келганида дур сочувчи тиллари билан ҳол-аҳвол сўрадилар ва «Сингилларим, хуш келибсизлар, келинлар, сизлар билан дийдор кўришайлик, ҳалигача кўришмадик», – дердилар. Уч қайта гавҳар сочувчи тиллари билан шу сўзларни айтиб бизни мамнун қилдилар.

Ва ҳазратлари (Бобур) келиб дийдор кўришгач, нурафшон чеҳраларида ғам-кулфат асари кўринди. Уларни кўришлари ҳамона (Ҳумоюн) бадтар дардини изҳор қилардилар.

Шу пайт окам (онам) ҳазратлари айтдилар: «Сиз менинг фарзандимдан ғофилсиз. Сиз подшоҳсиз, не ғамингиз бор? Бошқа фарзандларингиз бор. Ғамни ҳаммаси менда, чунки ягона фарзандим бор!» Ҳазратлари (Бобур) жавоб бердилар: «Моҳим, гарчи бошқа фарзандларим бўлса ҳам, аммо ҳеч бир фарзандимни Ҳумоюнчалик яхши кўрмайман, чунки салтанату подшоҳлик ва ёруғ дунёни фақат жаҳонда ягона, нодираи даврон, толеъси кулган, фарзанди дилбанд Ҳумоюн учун истайман, бошқаларга эмас».

Подшоҳ (Бобур) ҳазратлари Ҳумоюн ётган кўшк атрофида айлана бошладилар. Бу иш сешанба куни бошланди ва чоршанба ҳам илтижо билан ўтди. Кун ниҳоятда иссиқ эди. Уларнинг дилу жигари ўртанди. Бемор атрофида айланиб, Яратганга илтижо билан тавалло қилар эканлар, шундай дедилар: «Эй худо, агар жон ўрнига жон бериш мумкин бўл-

са, менким Бобурдирман, ўз умрим ва жонимни Ҳумоюнга бағишладим».

Ўша куннинг ўзидаёқ ҳазрати фирдавсмаконнинг товлари қочиб қолди. Ва Ҳумоюн подшоҳ бошидан сув куйиб, ташқарига чиқдилар ва қабул маросими ўтказдилар. Ва отам подшоҳ ҳазратларини бетоблиги туфайли ичкарига олиб кирдилар. (Бобур) қарийб икки-уч ой ётувлик бўлиб қолдилар. Ва Мирзо Ҳумоюн Колинжар томонга кетгандилар. Подшоҳ ҳазратларининг бетоблиги зўрайганлиги туфайли, Ҳумоюн подшоҳ ҳазратларини тилатиб бир кишини юбордилар. Улар тезлик билан етиб келдилар. Ул ҳазратларига таъзим бажо келтиргач, уларни ўта ҳолдан тойган ҳолатда кўрдилар. Ҳумоюн подшоҳ ҳазратлари қаттиқ изтиробга тушиб, ҳаддан ташқари безовталандилар. Хизматкорларига қараб: «Нега бирданига бунчалик озиб-тўзиб кетдилар» – дедилар ва табибу ҳақимларни чақиртирдилар ва улардан: «Мен уларни соғ-саломат қолдириб кетгандим, бирданига нима бўлиб қолди?» деб сўрадилар. Ҳақимлар ва табиблар бир нарсалар дейишди.

Отам подшоҳ ҳазратлари тинмай ҳар лаҳза «Ҳумоюн қаерда?», «Нима қияпти?» деб сўрадилар.

Шу аснода бир киши келиб: «Мир Хурдабекнинг ўғли Мир Бердибек ҳузурларига келибдилар», – деб хабар берди. Отам подшоҳ ҳазратлари шу ондаёқ уларни ҳузурларига тилатиб, бутунлай безовта бўлиб сўрадилар: «Ҳиндол қаерда? Қачон келади? Нима бало бўлди, нега бунча кутдиради?» – Мир Бердибек жавобан: «Бахтли шаҳзода Дехлига етиб келдилар. Бугун-эрта хизматларига етиб келса керак», – деди. Шунда отам подшоҳ ҳазратлари Мир Бердибекка қараб: «Эй бадбахт кимса, эшитишимча, синглингни Кобулда узатишибдилар, сени Лоҳурда уйлантиришибди. Мана шу тўйлар туфайли бўлса керак менинг ўғлимни эртароқ олиб келмадинг, интизорлик ҳаддан ошиб кетди-ку!» – дедилар. Ва «Ҳиндол мирзо қанча ўсган, кимга ўхшайди?» деб сўрадилар.

Мир Бердибек мирзонинг (Ҳиндол) кийимини кийиб олганлиги учун уни кўрсатиб: «Бу шаҳзоданинг либоси эди, бу бандаларига иноят қилдилар», – деди. Ҳазратлари (Бобур) яқинроқ келишни сўраб: «Қани, кўрай Ҳиндолнинг қадди-қомати қанча бўлганйикин», – дедилар. Ва ҳар лаҳза, ҳар сония: «Минг дариг, Ҳиндолни кўрмадим», – дердилар. Ким келса ундан: «Ҳиндол қачон келади?» – деб сўрадилар.

Ва касал бўлиб ётган пайтларида окам(онам)га «Гулранг бегим ва Гулчеҳра бегимни узатиш керак», – деб ҳукм қилдилар.

(Davomi 15 - betda)

MILLIY TARAQQIYOT

ko'zgusi

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Тил илмининг ривож кай даражада?

Бугун тилшуносликда компьютер лингвистикаси деган алоҳида илмий йўналиш пайдо бўлди. Шаклланиши ва ривожланиши тўла маънода миллий мустақиллигимиз билан боғлиқ бўлган мукамал ўзбек тилшунослигида муайян ютуқлар қўлга киритилмоқда. Шу йўналиш замида шаклланаётган лингвистика бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўзбек замида шакланган бу тилшунослик натижаларидан Ғарб мамлакатларида, хусусан, Германияда замонавий «WortShatz» интернет луғатларини тузишда кенг фойдаланилмоқда. Мутахассислар фикрича, ушбу ютуқларни илмга жорий этиш дунё микёсида том маънодаги янги миллий ўзбек тилшунослиги шаклланиши учун замин яратади.

Бундан ташқари, тилшунослик ва социология кесишувида юзага келган социолингвистика, психология ва тилшунослик синтезида майдонга чиқаётган психолингвистика тобора ривожланаётган. Бу йўналишлар алоҳида фан сифатида бакалаврият ва магистратура ўқув режаларига киритилгани ҳамда уларни ўқитишда муайян ютуқларга эришилаётганини давр тақозоси, эҳтиёж самараси, деб билмоқ зарур.

Тилшунослик ва табиий фанлар деган алоҳида илмий йўналиш шаклланди ва у фан сифатида ўқитилмоқда. Тилшунослик ва медицина, жумладан, психотерапия ва нотиклик санъати, шунингдек, тилшунослик ва психиатрия, яъни турли руҳий касаллик ҳолатидаги нуткий хусусиятлар масалаларини тадқиқ қилиш; математик методларнинг тилшуносликка ўтиши, бошқача айтганда, эҳтимоллик назарияси ва статистик методдан фойдаланиш муаммоларини ана шу фан ўрганади. Бундан ташқари, лингвогеография, яъни тилшунослик ва картография, шевашунослик ҳамда ареал лингвистика масалалари ҳам шулар жумласидандир.

Таъкидлаш керакки, тилшуносликнинг бу каби замонавий илмий йўналишларини тараққий эттиришда Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети олимлари етакчилик қилиб келмоқда. Энг муҳими, илмдаги бу янгиликлар муттасил ўқув жараёнига татбиқ қилинмоқда. Бу эса, тил таълими тараққий этининг асосий омилларидан биридир.

Булар – ютуқларимиз. Улар шубҳасиз, ўзимизники. Бирок... Модомики, она тилимиз мавқеи ҳозиргидан ҳам юксалишини хоҳлар эканмиз, камчиликларимизни ҳам айтиб ўтишимиз керак. Уларни тузатиш чораларини кўрмоғимиз зарур. Мен тилшуносликнинг жамият ривожига таъсирини назарда тутаяпман. Бугун гўё «Тилшунослик – тилшунослик учун» деган қоида амал қилаётгандек тасаввур уйғониб қолмаслиги керак. Ваҳоланки, тилшунослик ва ижтимоий воқелик ўзаро муаносибликда, ўзаро таъсир асосида ривожланиши сир эмас. Ахир миллат тараққий этини тил тараққий этидан айри тасаввур этиб бўлмайди. Тилшуносликнинг илмий натижалари бугунги кунда ўқув жа-

раёнидан бошқа (аслида, бу борада ҳам камчиликлар мавжуд) қайси жаҳзага фаол татбиқ этиляпти, деган савол қўйилса, муаммоларимиз етарли экани аён бўлади.

Тилшунослик муаммолари бўйича химоя қилинаётган диссертацияларнинг амалиётга татбиғи қонқарлими? Таассуфки, бу саволга бериладиган жавоб биз кутган даражада ижобий эмас. Менимча, компьютерда ўзбекча дастурлар асосида ишлаш ҳар бир ўзбекнинг орзуси. Бу фақат назарий тадқиқотлар билангина амалга ошмаслиги аён...

Тил ва замонавий технологиялар

Бугунги кунда жаҳон микёсида кечаётган интеграция ва глобаллашув жараёнида ўзбек тилини дунёвий тиллар даражасига олиб чиқиш ҳаётий заруриятга айланди. Мазкур катта, маъсулиятли, ўта муҳим мақсадни амалга оширишда компьютер технологияларига, хусусан, компьютер лингвистикасига бўлган эҳтиёж яна ҳам ошади. Чунки айнан компьютер лингвистикаси ўзбек тилининг жаҳон микёсига чиқишида, она-тилимизнинг дунёвий тиллардан бирига айланишида, уни ўрганиш ва ўргатиш ишлари оптималлашувида ҳал қилувчи ўрин тутди.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади. Хўш, компьютер лингвистикасининг ўзи нима? Мутахассислар фикрича, компьютер лингвистикасининг асосий мақсади тилшуносликка оид масалаларни ечишнинг компьютер дастурларини яратишдир. У амалий тилшуносликнинг бўлими бўлиб, матнга компьютер ёрдамида ишлов бериш билан боғлиқ вазифаларни бажаради. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- тилларни ўқитиш;
- билимларни текшириш (баҳолаш);
- матнларни автоматик таҳрирлаш;
- машина таржимаси учун мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш;
- луғатларни ва компьютердаги матнни статистик таҳлил қилиш ва ҳ.к.

Кўринадики, катта ҳажмдаги ахборотни қайта ишлаш зарурияти компьютер лингвистикасини тақозо этади. Буларни мазкур соҳанинг ўзига хос йўналишлари деб ҳам аташ мумкин. Агар ушбу йўналишларнинг моҳиятига чуқурроқ эътибор берилса, уларнинг ҳар бири ўзбек амалий тилшунослиги учун нақадар ҳаётий, муҳим аҳамият касб этиши аён бўлади. Шунга кўра, компьютер лингвистикасининг айни вазифалари асосида бугунги кунда ўзбек тилшунослигининг компьютер билан боғлиқ ҳолда ҳал этиш лозим бўлган қуйидаги масалаларини таъкидлаб кўрсатиш мумкин:

- ўзбек тилининг компьютер услубини яратиш;
- ахборот матнларидаги қопиллик, қисқалик, аниқлик мезонларини ишлаб чиқиш;
- интернет сайтларини яратиш меъёрларини белгилаш;
- компьютер изохли ва таржима луғатларини ишлаб чиқиш;
- ўзбек тили ва адабиёти бўйича электрон дарсликлар яратиш;



- компьютерда инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча таржима дастурларини тузиш;

- ёзма маълумотларни тахрирлаш дастурини яратиш.

Таъкидлаш жойки, ушбу муаммоларнинг энг аҳамиятлиси ўзбек тилининг компьютер услубини яратишдир. Чунки саналган барча муаммоларнинг ечими шунга боғлиқ. Зеро, халқаро талабларга жавоб берувчи, ҳар томонлама мукамал, қулай ва оммабоп ахборот услуби яратилганидан сўнггина юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш мумкин бўлади.

Бир неча йил мукаддам «Дунёвий ўзбек тили» китоби босмадан чиқди. Унда ўзбек тилидаги биргина «ишламоқ» феълнинг тахминан юз минг шакли (лексик грамматик парадигмалари) рус ва инглиз тилларига ўғирилган. Инглиз тилида эса бу феълнинг бор йўғи 100 шакли борлиги маълум. Мана сизга қиёс: 100 000 та ва 100.

Тил – қуёш, адабиёт – нур

Адабиёт тилнинг бадиий воқеага айланишидир. Тилнинг бутун сеҳру жозибаси, латофати, ҳагто нуқси ҳам шу тилда яратилган бадиий асарда намоён бўлади. Ижод аҳли зиммасидаги вазифа шунинг учун ҳам беҳад оғир. Қўлига қалам олган одам ёзганлари буюк бир миллат адабиётига муносиб бўлишига интилмоғи зарур. Миллий тил юксалиши, раванқ топиши учун бу тилда яратилган адабиётнинг савияси баланд бўлмоғи шарт.

Бугун сарик матбуот ўзига ўхшаган ҳазонранг адабиётни дунёга келтирди. Унинг тили ғализ, мавзуси олди-қочди, муддаоси эса – оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтмоқ. Сарик адабиётнинг аъмолига яраша. Шу боис унга оид «асар»ларда икки жинс муносабатидаги ҳазрат Навоийдай зот «зикри тарки адаб ва баёни беҳижобликка сабаб» деб ҳисоблаган жиҳатлар ҳам юзсизларча тарғиб этилаверади. Шу сабабдан одамқушлик, зўравонлик, қотилликнинг яланғоч тасвири бу «адабиёт»нинг асосий объектига айланган. Бу турдаги «асар»лар миллий маънавиятга катта ҳавф туғдиради. Азалий ахлоқий қадриятлар таназзулига сабаб бўлади. Адабий-эстетик дидни ўтмаслаштиради, тафаккурни ўлдирди.

Мен юқоридаги фикрларим исботи учун сарик адабиёт намуналаридан истаганча мисол келтиришим, таҳлил қилишим мумкин эди. Бироқ улар бундай эътиборга-да муносиб эмас, танқиддан тубандир. Бунинг ўрнига миллий адабиётимизнинг сара асарлари ҳақида фикр юритмоқ афзалроқдир.

Агар тил қуёшга ташбех этилса, адабиёт нурга менгзалади. Чунки Абдулхамид Чўлпон айтганидек, адабиёт «ўткир юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви». Шу сабабдан ҳам у ақлни чарқлайди, дидни ўткирлаштиради, шуурларга ёруғлик бағишлайди. Фақат адабиётгина инсонни жаҳолат гирдобидан ҳалос этиб, маърифат мақомига олиб боришга қодир. Лекин бунинг муҳим бир шarti бор: унинг тилида фасохат ва балоғат бўлмоғи зарур. Устоз Абдулла Ориф таъбири билан айтганда, чинакам адабиёт, шеърят намунаси бетақрор мазмун, гўзал ташбех, сирли руҳ мутаносиблигидан юзага келади. Унинг ўқувчини бутунлай ўзга оламга олиб кириши, китобхон туйғуларига кучли таъсир этиши сабаби шунда. Жаҳоннинг машхур адибларидан бирининг диққатга сазовор эътирофи бор: «Математика, физика, умуман, табиий фанлар бир илм одамини етиштирмоғи мумкин. Чинакам ватанпарварни эса адабиёт тарбиялайди». Шундай экан, миллатнинг ва миллий адабиётнинг мавжудлик шarti бўлган она тилимиз тақдири учун қуйиниш, унинг раванқи учун барча имкониятларни сафарбар этиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Нурбой ЖАББОРОВ,
Филология фанлари доктори, профессор

(Davomi. Boshi 13-betda.)

– «Қачонки Жев(Гулбаданбегимнинг эркалатиб айтиладиган исми) амма ҳазратлари ташриф буюрсалар, уларга маълум қилинглари, подшоҳ айтдилар Гулрангни Эсан Темур Султонга, Гулчехрани Тўхта Буға Султонга унаштирсак бўларди». Окажоним табассум ила келдилар. Уларга: «Подшоҳ ҳазратлари, мени хаёлимдан шундай қилсак деган фикр ўтди, қолганини улар нимага розилик берсалар шундай қилинглари, деб буюрдилар», – дейишди. Окажоним ҳазратлари (Хонзода) ҳам: «Худо муборак қилсин ва ўзи ёрлақолсин. Хотирларига жуда яхши фикр келибди», – дедилар. Чечам (онам)нинг ўзлари, Бадиъ ул-Жамол бегим ва Оқ бегим ҳар иккала амми даҳлизга олиб кетдилар. (У ерни) тозалатиб, гиламлар тўшаб, Моҳим ойим ҳар иккала султонни тиз чўктириб, уларни бахтиёр этадиган соатнинг маслаҳатини қилдилар.

Шу орада подшоҳ (Бобур) ҳазратларининг қорин оғриқлари кучайди. Ҳумоюн ҳазратлари отасининг аҳволи оғирлашганини кўриб, безовталиги янада ошди. Табиблар ва ҳақимларни чақиртириб, яхшилаб қаранглари, ҳазратлари (Бобур)нинг дардини даволанглари, деди.

Ҳақимлар ва табиблар тўпланишиб бизнинг толейимиз пастлиги шундаки, бирон-бир дори қор қилмаётипти, фақат Яратгандан умидворимизки, ўз ғайб хазиналаридан шифойи ожил ато қилсин.

Шундан сўнг ул ҳазратларининг томирларини ушлаб кўриб, табиблар: «Ўша султон Иброҳимнинг оналари берган захарнинг асаридир», – дейишди. Ва бу шундай рўй берганди. Бахти қаро Байда канизи орқали бир чимдим захар бериб, буни Аҳмад Чошнағирнинг қўлига топшир ва айт, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам подшоҳнинг хос ошига ташласин, деб буюрганди ва унга катта ваъдалар қилганди.

Подшоҳ ҳазратлари (Бобур) ўша бахти қаро Байдани она дейишига ва унга ер-мулк тайин қилиб ҳар томонлама ҳурматини қилиб жойига қўйишига ва мени Султон Иброҳим ўрнида кўр, деганига қарамай шу ишни қилди. Аммо, жаҳолат устун турганлиги учун у кўрсатилган иззат-икромни назарга олмади. Қазисан қартасан, асли наслинга тортасан, деган гап бор. Аллоҳ таоло ўша ошпазни кўр ва қар қилиб қўйганди. У захарни овқатни устига сепган эди. Улар ўша овқатдан озгина тановул қилгандилар. Касалнинг асл сабаби ўша захар бўлиб, ул зот кундан-кун озиб-тўзиб, кун сайин бетоблиги кучайиб борар ва ранги ўзгариб борарди.

Шу куннинг эртасига барча амирларни чорлаб буюрдилар: «Неча йиллардан бери подшоҳлигимни Ҳумоюнга бериб ўзим Зарафшон боғининг бир чеккасида узлатга чекилсам, деб кўнглимни бир чеккасига тугиб юрамдим. Аллоҳнинг қарами билан ҳаммаси муяссар бўлди, лекин, шу ишни таним соғлигида қилмоқчи эдим, бўлмади. Эндиликда касаллик мени енгди. Ҳаммангизлар Ҳумоюнни менинг ўрнимда кўринглари ва унинг давлатини қўллаб-қувватлашда ҳимматинглари кам қилманглари ва у билан ҳам-жиҳат, ҳамнафас бўлинглари. Ҳақ субҳонаҳу таолодан умид қиламанки, Ҳумоюн ҳам одамларга яхши муносабатда бўлади. Энди Ҳумоюн, укаларингни, барча қариндош-уруғ ва халқни сенга ва сени худога топширдим». Бу сўзлардан ҳозир бўлганлар зор чекиб йиғладилар ва уларнинг муборак кўзлари ҳам ёшга тўлди.

Бу воқеани ҳарам аҳли, ичкари кишилари эшитдилар. Турфа ҳолат безовталиқ, дод-фарёд кўтарилди. Уч кундан кейин фоний дунёдан абадий оламга равона бўлдилар.

Сана 937 ҳ. (1530 й. 25 декабрь) жумод ул-аввал ойининг бешинчиси, душанба куни бу дунёдан ўтдилар.

Халқ ижоди yodgorliklari - avlodlarga meros

Халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзма шаклда келажак авлодга мерос қилиб қолдириш аънанаси қадим тарихга эга. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асаридаги юзлаб мақоллар, ўнлаб кўшиқлар, ривоят ва афсоналар; «Бўзнома», «Китоби дадам Қўрқут» кабилар бугун туркий халқлар таркибидаги ҳар бир миллат вакилининг аجدодлардан етиб келган бойлигидир. Аммо бу асарларни илмий жиҳатдан ўрганган ҳолда, тарихий ҳужжатларга асосланган илмий изоҳлар ва айниқса, луғат билан таъминланган кўринишда нашр қилиш тажрибасининг бошланганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бугунги кунда асрлар давомида яратилган халқ оғзаки ижодини келгуси авлод учун ёдгорлик сифатида нашрда қолдирмаган миллатнинг келажакга йўқ эканини таъкидлаш замон талабидан иборат. XX аср бошларида Ғози Олим Юнусов, Ҳоди Зариф ташаббуси билан Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларига этнографик экспедициялар уюштирилди. Мазкур ҳаракатнинг ижобий натижаси ўлароқ Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Хоразм ҳудудларидан ўнлаб дostonлар; Наманган, Фарғона, Андижондан юзлаб эртақлар, кўшиқлар ёзиб олинди. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида фольклор архиви ташкил этилди. Тўпланган мерос ўрганилди ва 1920-30 йиллардан оқ нашр ишлари бошланиб кетди. Абдурауф Фитрат, Ҳоди Зариф каби буюк устозлар халқ меросини унинг асл эгаларига тақдим этиш йўлида мураккаб илмий ва амалий тадбирларни режалаштирдилар, имконият даражасида ҳаётга татбиқ этидилар.

Собиқ тоталитар тузум ҳукмронлигида қўлга киритилган нодир асарларни асраб қолиш осон бўлмади. Бир мисолни келтириб ўтмоқчимиз. Филология фанлари доктори Тўра Мирзаев «Ҳоди Зариф суҳбатлари» китобида устозимиздан эшитган воқеани эслайди: 1952 йил феврал ойининг охири ёки март ойининг бошларида «Алпомиш» дostonининг «танқидчи»ларидан бири дostonнинг Фозил Йўлдош варианты билан танишмоқчи эканини айтади. Унга дostonни беришади. Аммо у араб алифбосидаги асарни ўқиёлмай ўзи билан олиб кетиш истагини билдиради. У Ҳоди Зарифни дўқ билан кўрқитмоқчи бўлса-да, бу талаби бажарилмайди, адиб унга барибир дostonни бермайди ва Зубайда Ҳусаиновадан ноёб кўлөзмани яширишни илтимос қилади: «Менга бирор кор-ҳол рўй берса, яхши кунлар келгунча уни асрайсиз», – дейди. Дoston шу тариқа бизга етиб келди.

Мустабид тузум пайтида оғзаки ижод намуналари нашр қилинар экан, турли қисқартиришларга ҳам мажбур бўлинган. Шунга қарамай, келажакни ўйлаган фидойи устоз алломаларимиз муайян вазият тақозосига бўйсунганлар, аммо архив материалларини сақлаб, уларни келгуси авлодга аслича етказиш чораларини кўрганлар. Шунинг учун ҳам мухтарам Президентимиз Ислоҳ Каримов «Юксак маъна-

вият — енгилмас куч» асарида: «Бир пайтлар, аниқроғи, ўтган асрнинг 50-йилларида, миллий меросимизнинг кўпгина намуналари каби, «Алпомиш» дostonи ҳам миллатчилик руҳидаги асар сифатида қораланиб, қатағонга учраган эди. Ўша оғир йилларда фидойи зиёлиларимиз жасорат кўрсатиб, уни сақлаб қолишга муваффақ бўлганликларини бугун миннатдорлик билан эслаймиз», – деб таъкидлаган. Юқорида қайд қилинганлардан битта хулосага келиш мумкин: ўзбек миллатининг ҳар бир вакили ота-боболаримиз яратган маданий меросимизни кўз қорачиғидай асраши, мерос намунаси қайси соҳага тегишли эканидан қатъи назар, унда келгуси фарзандларимиз ҳақи борлигини унутмаслиги лозим.

Ўтган асрда ўзбек фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган Абдурауф Фитрат, Қори Ниезий, Воҳид Зоҳидов, Иброҳим Мўминов, Ҳамид Сулаймон, Порсо Шамс, Солиҳ Муталибов, Фулом Каримов каби ўнлаб таниқли олимларимиз фаолиятини кузатсак, улар айнан ана шу туйғу билан яшаганликларига гувоҳ бўламиз. Бу алломалар қаторидан ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зариф номи ҳам муносиб ўрин олган. Хусусан, ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарида устоз халқимиз оғзаки ижоди асарларини махсус туркумда, кўп жилдлик ҳолда нашр қилишни таклиф қиладилар. «Юқори»нинг руҳсатисиз иш бошланиб кетади. Муҳаммаднодир Саидов жасорати, Тўра Мирзаевнинг фидойи ҳаракати билан яхши ният амалга ошган. Катта ҳаётий тажрибага эга мутахассислардан Мансур Афзалов, Музайяна Алавия, Зубайда Ҳусаинова, Охунжон Собиров, Комил Имомов, Жуманиёз Қобулниеъов, Тожибой Ғоziбoв, Баҳодир Саримсоқов, Абдумўмин Қаҳқоровлар халқ дostonлари, эртақлари, кўшиқлари, мақоллари, топишмоқлари, аскияси намуналарини алоҳида-алоҳида нашрга тайёрлаганлар. Охир оқибатда миллатимиз «Алпомиш», «Гўрўглининг туғилиши», «Олтин олма», «Гулёр», «Оқ олма, қизил олма» номлари билан қирққа яқин жилддан иборат меросга эга бўлди. Бу орада халқ бахшилари Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йўлдош ўғли айтган дoston ва термалар алоҳида нашр қилиниб китобхонларга етказилди. Холис айтадиган бўлсак, ҳар бир бадиий асар қанчадан қанча назоратчилар «кўриги»дан ўтказиладиган замонда бу қадар катта нашр ишини амалга ошириш Юртбошимиз юқорида айтганидек, фидойи зиёлиларимиз кўрсатган жасорат даражасида баҳоланишга лойиқ.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий қадриятларимизга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгарди. «Алпомиш» дostonи 70 йилдан сўнг (дostonни 1928 йилда Фозил Йўлдош ўғлидан Маҳмуд Зарипов ёзиб олган эди) 1998 йилда биринчи марта тўлиқ нашр қилинди. Дostonнинг минг йиллик тантанаси нишонланди. «Ўзбекистон халқ бахшиси» унвони таъсис этилди. Халқ ижоди заминида ҳаваскорлик гуруҳлари иш бошлади. Мустақиллигимизни нишонлаш тантаналарида халқ қадриятларига алоҳида ўрин



берилди. Айниқса, 2010 йил 7 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори бу соҳада янги босқични бошлаб берди. Унда номоддий мерос муаммоларига бағишланган халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларини ўтказиш, ўзбек фольклорини ёзиб олиш, жаҳон номоддий маданий меросининг Репрезентатив рўйхатиغا киритиш учун тавсия этилган «Аския», «Лапар», «Халфачилик», «Бахшичилик» ҳақида тўлиқ маълумотларни ЮНЕСКОга тақдим этиш каби эллик еттита модда қайд этилган. Биз учун булардан «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 томлигини асар матни, нотаси ва изоҳлари билан нашрга тайёрлаш қисми алоҳида аҳамиятга эга. Чунки жаҳон фольклоршунослиги тарихида жуда катта маънавий салоҳият ва молиявий манба талаб қиладиган бу қадар катта режани келажак авлод-ни ўйлаб амалга ошириш тажрибаси кузатилмаган.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2015 йил 4 декабр сониди мазкур лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир Маматқул Жўраевнинг «Бебаҳо дурдоналар» мақоласи эълон қилинди. Мақолада 100 жилдлик «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари»нинг ҳар бир жилди асар матни, илмий тадқиқот, изоҳ ва луғат, нота ёзувлари, рус ва инглиз тилларидаги резюме, фото суратлар билан нашрга тайёрланиши айтилган. Мероснинг 57 жилди достонлар, 10 жилди халқ кўшиқлари, 12 жилди эртақлар, шунингдек, терма, афсона, ривоят, мақол, топишмоқ, аския, лоф, латифа, оғзаки драма, болалар фольклори ва бошқа жанрлардан иборат бўлиши режалаштирилгани ҳақида маълумот берилади. Юқориди келтирилган далилларнинг ўзиданок амалга оширилаётган савобли ишнинг салмоғи, кўлами, аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишимиз мумкин. Ҳеч иккиланмай умид қиламизки, «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» ўзбек фольклоршуно олимларининг XXI асргача яратилган миллий маданий хазинамизни келажак авлодга мерос қилиб қолдиришдаги бебаҳо совғаси сифатида баҳоланади.

Ўтган йили Миллий матбуот марказида ўтказилган биринчи ва иккинчи жилднинг тақдими фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. Биринчи жилдда Фозил Йўлдош ўғлидан Маҳмуд Зариф ёзиб олган «Алпомиш» достони ўрин олган. Достонни Ҳоди Зариф ва Тўра Мирзаев нашрга тайёрлаган. Китоб «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» ўқувчиларига», «Ўзбек халқ ижоди дурдоналари», «Достонлар гултожи» мақолалари билан бошланади. Шундан сўнг «Алпомиш» достонининг матни ўрин олган. Шу билан бирга жилд сўнгида Ғози Олим Юнусовнинг Фозил Йўлдош ўғли ва Ҳамроқул бахшидан ёзиб олган «Алпомиш» достонидан парча, изоҳлар, луғат, достонни айтувчи бахши ва ёзиб олувчи олим ҳақида маълумот, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Рустам Абдуллаевнинг «Нота ёзувлари» мақоласи ва «Алпомиш» достони нота ёзувлари илова қилинган. Кўриниб турибдики, «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» ноширлари достон мухлисларининг нозик истакларини ҳам мукамал қондиришга уринганлар. Ғафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан китобга безак беришда халқимиз ёдгорликларининг салмоғи намоян қилинганки, бу ноёб меросни авлодлар камолотини ўйлаб бебаҳо бир маънавий хазина сифатида узатиладиган қизларимиз сеплари қаторига кўшишни анъанага айлантурсак, айна муддао бўлар эди.

«Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари»нинг 2-жилдида «Юсуф билан Аҳмад» достони нашр этирилган. Достонни Муҳаммад Жонмурод ўғли Пўлкан ва Фозил Йўлдош ўғлидан 1927 йилда устозимиз Ҳоди Зариф ёзиб олган, фило-

логия фанлари доктори, профессор Баҳодир Саримсоқов нашрга тайёрлаган. Бу нашр ҳам тегишли мақолалар, изоҳлар, луғат, нота ва бошқа маълумотлар билан таъминланган. Фойдаланилган адабиётлар, манбалар, архив материалларининг келтирилиши нашрнинг илмий қимматини оширган.

«Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари»ни нашр этиришнинг бошланиши мустақил Ўзбекистонимиз маданий ҳаётида XXI аср номи билан эсда қоладиган тарихий воқеалардан экигина шубҳа йўқ.

Шу билан бирга «Ўзбек халқ ижоди ёдгорлари» 100 жилдигининг дастлабки жилдлари тақдимоти», М.Жўраевнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2015 йил 4 декабр сониди эълон қилинган «Бебаҳо дурдоналар» мақоласи билан танишиш муайян мулоҳазаларни ҳам пайдо қиладик, уларни «Ёдгорликлар» ҳайъати томонидан эътиборга олиш фойдадан холи бўлмас.


Биринчидан, эълон қилинаётган мажмуанинг номла-нишига эътиборни қаратайлик: «Ўзбек халқ ижоди ёдгор-ликлари». Ўз-ўзидан маълум бўладики, гап фақат оғзаки ижод ҳақида бораётгани йўқ. Ҳақиқатан ҳам, «Халқ ижоди» дейилганда, умумий фольклор – халқ донолиги назарда тутилади ва бу тушунча халқ яратган санъат турларининг ҳамма йўналиши ва намуналарини ўз маъно кўламига жамлайди. Бинобарин, «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» деганда, халқ ўймакорлиги, мусиқаси, рақси, зардўзлиги, нақш санъати, мисгарлиги, меъморлиги каби кўпжа маҳорат кўринишлари назарда тутилади. Ваҳоланки, Миллий матбуот марказида тарқатилган пресс-релизда ҳам, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасидаги мақолада ҳам халқ ижодидаги бошқа санъатларнинг «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари»дан ўрин олиши ҳақида фикр юритилмаган. Айтмоқчимизки, «Халқ ижоди ёдгорликлари» тушунчасига муайян аниқлик киритиш эҳтиёжи алоҳида сезилмоқда. Бинобарин, «Ёдгорликлар»дан халқ ижодига оид бошқа санъатлар ҳам ўрин олиши лозим.

Иккинчидан, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтидаги фольклор архивидан ташқари Абдумўмин Қаҳҳоров, Чори Ҳамроев каби мухлислар томонидан тўпланган материаллар ҳам бор. Режалаштирилаётган улкан меросимизни нашрга тайёрлаш заминиди маълум бир шахслар ихтиёридаги асарларни ҳам илмий муомалага жалб қилиш тажрибасини амалга ошириш мақсадга мувофиқ натижаларни берар эди.

Учинчидан, истиқлол йилларида вилоятлардаги университетларнинг филология факультети талабалари халқ оғзаки ижоди фани бўйича амалиётда иштирок этганлар ва маҳаллий ижодкорлардан фольклор жанрлари бўйича маълумотлар олганлар. Хусусан, Ўзбекистон Миллий университети талабалари Қашқадар вилоятидаги Шаҳрисабз, Китоб, Чироқчи, Яккабўғ туманларида, Самарқанд вилоятидаги Пайариқ туманида иш олиб боришган. Бу материалларда юртимизнинг мустақил ҳаётига оид оғзаки ижод намуналари, собиқ иттифоқ тузуми даврида муомаладан чиққан, аммо халқ хотирасида сақланиб қолган асарлар ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Мазкур намуналарни ҳам ижодимиз ёдгорликларидан ўрин олиши нур устига нур бўлар эди, деган фикрдамиз.

Мулоҳазаларимиз якунида «Ўзбек халқ ижоди ёдгор-ликлари»ни нашрга тайёрлашдек масъулиятли вазифани бажаришга киришган юртдошларимизга муваффақиятлар тилаймиз, савобли ишларини амалга оширишда омад ёр бўлишига тилақдошмиз.

Омонулла МАДАЕВ,
Филология фанлари номзоди



VATAN SHARAFINI HIMOYA QILISH — BAXT

Бугунги кунда Ўзбекистон ёшлари спорт соҳасида ҳеч кимдан кам эмасликларини бутун дунёда исботлаб келмоқда. Халқаро ареналарда қўлга киритилаётган ютуқлар салмоғи йилдан-йилга ортиб бораётгани фикримиз тасдиғидир.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида ўзбек спорти доврўғини жаҳонга ёйган жуда кўп спортчилар таҳсил олмоқда. Ҳозирда бу даргоҳда 4252 нафар талаба спорт сирларини ўрганаётир. 2015 йилда мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ўтказилган мусобақа-

ларда институт талабалари 144 совринли ўринни қўлга киритдилар.

Институтда илмий салоҳияти юксак, спортда катта ютуқларга эришган 222 нафар профессор-ўқитувчилар, спорт мураббийлари дарс бермоқда. Уларнинг 21 нафари фан доктори бўлса, 59 нафари фан номзодидир.

Жисмоний тарбия институтида талабаларнинг шуғулланиши учун барча шароит яратилган. 6 та очиқ, 7 ёпиқ спорт иншоотлари улар ихтиёрида. Талабалар имкониятлардан мумкин қадар унумли фойдаланишга интилоқдалар.

Зайлобиддин ОРТИҚОВ,
белбоғли кураш бўйича
жаҳон чемпиони:



— Болалигимдан белбоғли кураш билан мунтазам шуғулланаман. 2012 йили жаҳон чемпиони бўлдим. 2013 йил Россиянинг Қозон шаҳрида ўтказилган бутунжаҳон талабалар универсиадасида 2 ва 3-ўринларни эгалладим. 2013 йил ташкил этилган жаҳон чемпионатида 3-ўринни ва кейинги йил бўлиб ўтган навбатдаги жаҳон чемпионатида ҳам 3-ўринни эгалладим.

**Гўзал РАҲМОНОВА,
миллий кураш бўйича Осиё
чемпиони, жаҳон кубоги
совриндори:**



— Спортнинг миллий кураш тури билан мактабда шуғуллана бошлаганман. Кейинги йилларда республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда иштирок этиб, 13 марта совриндорлар сафидан жой эгалладим. Шунингдек, Осиё, жаҳон чемпионати совриндори, бир неча бор халқаро турнирлар ғолиби бўлдим. Хусусан, 2012 йилда Ҳамид ва Темир полвонлар хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнирда 2-ўринни, Осиё чемпионатида эса олтин медални, 2014 йил Осиё кубоги мусобақасида олтин, 2015 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган Дзюдо бўйича халқаро турнирда 1-ўринни қўлга киритдим. Бу натижаларга эришишимда мураббийларимнинг меҳнати катта. Биринчи мураббийим — акам Сирожиiddин Раҳмонов. Кейин эса Баҳриддин Ёрматов, Абдурашид Мирзаев мураббийлик қилишди. Ҳозирда Омон Тўймуродовнинг қўл остида шуғулланыпман.

Халқаро мусобақаларда ғолиб бўлганимда спортчи эканимдан, Ватаним шарафини ҳимоя қилаётганимдан фахрланаман. Уша пайтдаги қувонч, ҳаяжонни сўз билан таърифлаб бериш жуда қийин. Шохсупанинг энг юқори поғонасида туриб, мадҳиямизни эшитганимда беихтиёр кўзимга ёш келади. Мусобақаларда ғолиб бўлиш осон эмас. Бунинг учун спортчи тинимсиз меҳнат қилиши керак бўлади. Ўзимизнинг миллий курашни дунёга танитиш керак, деган ўй мени янада кўпроқ шуғулланишга ундайди.

Шукри, миллий кураш Осиё ўйинлари дастурига киритилди. Унда юртимиз байроғини янада баландга кўтармоқчиман. Мусобақага тайёргарлик авжида. Яқин ойларда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон чемпионатида биринчи ўринни олсам, Осиё ўйинларига йўлланмани қўлга киритаман. Ниятларим амалга ошиши учун бор кучим билан ҳаракат қиламан.



**Рустам ЧОРИЕВ,
Ибн Сино номидаги давлат
стипендияси соҳиб:**

— Институтнинг кўпкураш спорт турлари факультети талабасиман. 2013 йилдан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчисиман. 2014 йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ўтказилган «Йил кашфиёти» йўналишида ғолиб бўлдим. 2015 йилда эрта-лабки бадантарбия машқларини ёш кесимида ишлаб чиқиш бўйича илмий лойиҳа тайёрладим. Масалан, 7 ёшли болага қанча юклама берилиши керак, қанча миқдорда бадантарбия ишларини бажариш мумкин? Бу маълумотлар соҳада фаолият юритаётган киши-

ларга маълум, лекин жисмоний тарбия бўйича етарли маълумотга эга бўлмаган инсонлар бундан беҳабар. Мазкур лойиҳа 1-9 синф ўқувчилари учун мўлжалланган. Бу ишим учун «Камолот» стипендиясини ҳам қўлга киритдим.

Ўтган ўқув йиллари давомида аъло баҳоларга ўқиганлигим, илмий конференцияларда фаол иштирок этганлигим, чет давлатларда мақолаларим чиққанлиги ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этганлигим боис Ибн Сино номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлдим.

Ҳозирги кунда ҳам мактаб ўқувчилари учун ўқув қўлланма тайёрляпман. Ушбу қўлланмада фақат бадантарбия машқлари билан чекланиб қолмасдан, спорт билан шуғулланадиган ва уни энди бошлаган ёшларга қанча юклама бериш кераклигини илмий асослаб бериш мақсадида қисқа тест синовларини ишлаб чиқяпман.

**Муҳсин ҲИСОМИДДИНОВ,
кураш бўйича жаҳон
чемпиони:**



— Сариосиё туманида туғилганман. Туманимиздаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида таҳсил олдим. Дастлаб миллий кураш билан шуғулланганман. 2012 йили Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга қабул қилиндим. Шу йили Бухорода бўлиб ўтган талабалар универсиадасида миллий кураш бўйича оғир вазн тоифасида биринчи ўринни қўлга киритдим. 2012 йилда кураш ва самбо бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Дзюдо бўйича эса 3-ўринни қўлга киритдим. 2013 йилда бўлиб ўтган ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпионатида 3-ўринга сазовор бўлдим. 2015-йил Эронда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида эса фахрли биринчи ўринни қўлга киритдим.

2015 йил Термиз шаҳрида 11-бор ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотира турнирида иккинчи ўринни қўлга киритдим. Ҳозирда кураш бўйича халқаро тоифадаги спорт устасиман, самбо ва дзюдо кураши бўйича мамлакатимиз миқёсидаги спорт устаси ҳисобланаман. 2016 йил мен учун қувончли бошланди. Кураш бўйича Ўзбекистон чемпионатида 1-ўринни олдим. Ҳозирда дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионатида тайёргарлик кўряпман.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида аҳди ва шахди баланд талабалар таҳсил олишади. Уларнинг машғулот заллари, ўқув хоналари билан танишар эканмиз, улар сафида бўлиш истаги туғилди. Чемпионлик ўз-ўзидан бўлмаслиги, яратилган шароитлар ҳам муҳим омил эканини ҳис қилдик. Талабаларнинг шижоати, орзулари бирлашиб, «Ватан учун!» деган ягона мақсадга айланиб боражак.



Бу воқеага беш-олти йил бўлган. Узоқ маконларга кетгим, саррин шабадаларга юзимни тутиб, ёввойи табиат аро ўзим ҳам бир парчасига айланиб кезгим келарди.

Аслида, айтишга арзигулик ҳам эмас. Баъзи кишилар кулимсираб қўйишини ҳам сезаётгандайман. Лекин хаёлимдан кетмаса нима қилай? Кўл бўйи, бақақуриллоқ. Ос-

монда ой манзараси. Сув ёқасида тимирскиланиб юрган қора шарпа. Шу холос.

Шу холос, дейман-у... У манзаралар ортида баҳайбат, ҳаёт деган яшноқ тирикликни сўлдириб, аста-секин бостириб келадиган ғалати бир қиёфа сезилгандай бўлаверади.

Пайқагандирсиз, айтишга ҳам тараддудланиб турибман.

Баҳор маҳали элнинг сон-саноксиз қишлоқларида, ой ҳаволаган тиниқ кечаларда ҳаммаёқни қурбақа

нағмаси тутиб кетишини билмайдиган одам бўлмаса керак. Ариқлардаги, қўлмақлару сув ҳавзаларидаги сон-саноксиз митти яратиқлар нима учундир ой ёғдусига махлиё бўлиб сайрайверишади. Зулмат кечаларда эса тек ўтиришади.

Баҳор. Ҳавода, тупроқда илиқлик сезилиб қолган, ўтлар ям-яшил, гуллаган буталар кечасиям оқиш бўлиб кўринади...

Қисқаси, тоққа борган эдик. Мўъжаз қўл олдидаги эски далаҳовлига жойлашдик. Кичкина уйча, эски айвон, чайла, қозон-товоқ, қўл жимирлаб турибди. Теграсидаги майсалар қизил, сариқ, яшил, кўкиш гул очибди. Бориб қараб, ҳайрон қолдим: кўкишлари чақиртикан экан. Ҳатто шуюм гуллабди! Баъзилари сувга тўкилибди, орасида кичкина яшил бақа жим чайқалиб турибди. Аввалига биттасини кўрган эканман, салдан кейин қарасам, сал нарида яна биттаси, кейин яна, яна...

Эрта баҳорда бунақа ҳавзаларда миллионлаб ит-балиқлар уруғдан чиқади. Сузиб-сузиб, митти яшил бақаларга айланишади. Бунини болалигимдан бери билман. Ҳатто ёмғир қўлмақларида ҳам пайдо бўлиб қолишади.

Дўстларимиздан бири кафтини қулоқларига босиб олди.

– Сукунатдан қулоғим шанғиллаяпти, – деди жилмайиб.

Қулоқ шанғиллаши босим ўзгаргани туфайли. Ҳар ҳолда, анча-мунча баланддамиз. Денгиз сатҳидан бунчалик юксакликда таом пишириб бўлмайди, дейишади. Тоғликлар шу сабабли овқатларини қайнатиб эмас, қовуриб тайёрлашади.

Қуёш ботиб, жуда нозик қоронғилик пардаси тева-ракни аста-секин чулғади. Фавқулодда дуркун ўтлар, дарахтлар қиёфаси шом деган уммонга чўма борди. Тизза бўйи ўтлар, гуркираган кўк гулли тиканларнинг шаклу шамойили мулоимлашди. Роса узоқларда кичкина уйчаларнинг чироқлари милтиради. Яқингинада эса каттақон қуш овозсиз қанот қоқиб ўтди.

– Тинчлигини қара-я... – деди дўстларимиздан бири.

Теваракни анча кездик. Дарахтлар орасидан улкан қизғиш ой кўтарилди. Қўл сувида аксланиб, шуъла йўлакчаси ҳосил қилди. Унда-бунда сув остидан бош кўтарган ўтлар қорамтир бўлиб кўринди. Ёғду теварак рангларини ҳам ўзгартириб, майин, юмшоқ бўёқларга бўяди.

Салдан кейин, Оймомо янада ҳаволагани маҳал тўсатдан бақалар хониши бошланиб кетди. Аввалига бир-иккитаси, кейин қолганлари жўр бўлишди. Теварак вақир-вуқир сасларга тўлди. Чунон сайрашяптики, нарёғи йўқ.

Атай бориб, қўл ёқасига қараб келдим. Ўзи кўринмайди, аммо овози қулоқни ёради.

Қўл қоровули озғин, юзи чўтир-чўтир, бармоқлари қийшиқ киши экан. Тоғ халқини содда-самимий деб ўрганиб қолганмиз. Бу – камгап, қошлари ўсиб кетган, бутун туриш-турмуши шу баҳор манзарасига мос тушмайдиган киши, қўлида болтаси, бултурги қуриган шох-шаббаларни бутаб юрарди.

Агар дўстларимиздан бири хато қилмаганида, у воқеа рўй бермас, менинг ичимда ҳам шу ачинишу ҳадиклар бино бўлмасмиди? Афсуски...

– Шуларни овозини ўчиришни иложи йўқми? – деди дўстимиз илжайиб, қўли билан қўлни кўрсатиб.

Қоровул бир қўлга, бир унга қаради. Шунда кўзи сувқ йилт этди.

Isajon SULTON

НАДИК

hikoya

Ўша йилт этишда ҳам теварак манзарасига мос тушмайдиган бир нима сезилди.

– Бор, – деди паст, бўғиқ овозда. – Неч пул берас?
– Шунгайм пул оласизми?

– Соққасини берсангиз тинчитаман, – деди у, рухсиз. – Ишонаверинг, то сахаргача биронтасининг дами чиқмай қолади.

Бор-йўқ гапи шу бўлди.

– Бўпти, сиз айтгандай бўлақолсин, – деди дўстимиз ҳам.

Қоровул пулни олиб, яхшилаб чўнтагига жойлагач, шошмасдан кўл бўйига жўнади.

Ой янада ҳавога кўтарилиб, қизғишлиги билинмай кетди, олтиндай ярақлади. Кейин юлдузлар чарақлаб, осмоннинг узоқ-яқин жойларига тилла чангидай сочилди.

Қолгани бир неча дақиқа ичида рўй берди.

У киши бир қанча вақт соҳилни айланиб юрди. Нималарнидир чамалаётгани билиниб турарди.

Қурбақалар нағмаси янада авжига чиқди. Енгиш шабада эса бошлади. Шунақанги тўлиб-тошиб сайрашардики! Самодаги олтин ой шунча жўштирармикин деб ҳайрон эдим.

Кейин кўл бўйида нимадир рўй берди. Ҳалиги киши эгилиб, сувдан бир нимани олди-да, қулочкашлаб нариоққа отиб юборди.

Отилган нарса ҳўв нарида чўлп этиб сувга тушди. Теварагида кичкина ҳалқалар ҳосил қилиб, қорайиб-қалқиб тураверди.

Шу заҳоти кўл бўйидагиларининг уни ўчди. Сўнг, худди биров атай қилгандай, бошқаларининг саси ҳам тина бошлади, гўё шамол бир эсиб, овозини биз турган жойдан бошлаб узоқларга қадар ўчириб ўтаётгандай эди.

Чирилдоқлар ҳам бор экан, вақиллашлар барҳам топгач, нимагадир чирилдоқлар ҳам жимиб кетишди.

Теварак тинчиб қолди. Ниҳоятда сокин сукунат чўмди.

– Ия, ғалати бўлди-ку, – дедик бир биримизга қараб.

У киши кўл бўйида типпа-тик, тош қотиб турарди. Ҳар ҳолда яна сас чиқарадимми-йўқми деб чамалаётган бўлиши мумкин.

Анчагина вақт ўтгач, бизлар ҳам яқинлашиб бордик.

– Э тавба, нима қилдингиз?

У киши ҳануз ўша руҳсиз овозда жавоб қилди:

– Ой нурида жуда жўшиб сайраётган биттаси бор экан. Тутиб олиб бошидан эзиб ўлдирдим-да, қайтиб сувга отиб юбордим...

Бизнинг ҳам нафасимиз ичимизга тушиб кетди.

Тасаввурим у митти яшил махлуқларнинг сув бетиде оёқ-қўлини тўрт томонга ёйиб, чайқалиб турганини жонлантирди. Жуда сайрагиси келсаям, яқингинадаги ўлим нафасидан ҳайиққани учун сас чиқаролмасмикин? Ким билсин...

Айтдим-ку, баҳор эди. Теварак яралаш-яратилиш жўшқинлиги ичида, ҳар тарафда келажакда мева бўлиб етиладиган куртақлар ниш урган, кўқарган, гул очган, ҳатто юлдузлар ҳам янгидан туғилгандай, ҳамма нарса тозариш палласида эди. Қурбақа не, бутун табиатни завқу шавққа тўлдириб юборган эди баҳор.

– Ўлдирса ўлдирибди-да. Бор-йўғи бақа-ку?

Ҳа, тўғри. Агар кўлда эмас, кўлмақда дунёга келсайди, ўз-ўзидан ҳалок бўлиб кетарди. Баҳорда элнинг бепоен кенгликлариде бунақа яратилар сон минглаб дунёга келади. Қанчаси яшаб, қанчаси ўлиб кетиши ҳам номаълум.

Бироқ у воқеа менга нима учун шунақа қаттиқ таъсир қилмоқда? Болалигимда ўзим ҳам нечтасини ўлдирганман-ку? Ниначиларнинг қанотини юлиб олганман, хивчин билан уриб қанчадан-қанчасини жонидан жудо қилганман, таъсирланмаганман-ку? Таъсирланиш не, нима қилганимни ўйлаб ҳам кўрмаганман. Энди эса...

Овқатимиз пишди. Ҳақиқатан ҳам, чирилдоғу бақаларнинг сахаргача дами чиқмади. Бир нимадан кўрқиб-ҳайиқиб, тек ўтиришаверди. Бизлар ҳам ўша жимжитлик аро едик-ичдик, кўл яратиларининг тутумидан ҳайратланиб, ухлагани ётдик...

Тушимга болалигим кирибди. Бениҳоя кучли порлаган қуёш ҳар тарафни зар билан ўраган, ўзим каби навқирон дарахтлар орасида чошиб юрармишман. Бобом, энам, отам тирик, менга кулиб қараб туришармиш. Шохдаги кўм-кўк хом олмалардан узиб, уларга олиб борармишман...

Қушлар сайроғидан уйғондим. Қуёш чиқиб, кундуз оламга ёйилибди. Ҳаммаёқни тутиб кетган чуғурларга кулимсираб қулоқ солиб ётарканман, кечаги ҳодиса эсимга келди.

«Шуларнинг ҳам биронтасини ўлдириб, дарахтга осиб қўйса, қолганлари чуғурламасмикин?» деган ўй келди хаёлимга.

Чўмилмоқчи ҳам бўлдик, лекин ҳаво салқин эди, бунинг устига, ўлик бақа бор кўлга тушгимиз келмади. Нонушта қилиб, яна бир оз айланиб, изимизга қайтавердик.

Орадан йил ўтгач, болалар тоғу тошга оборинг дейишганида, «Хўп» дедиму кейин... боргим келмаётганини пайқаб қолдим. Оёғим ҳеч тортмади. Тоғда нима бор, дала-даштга чиқинглар дейман, тушунишмайди. Дала-дашт дейман-у, у ёқда ҳам табиатнинг беозор махлуқлари яшаб юришгани кўз олдимга келади. Ўша жойда ҳам бирон нохуш воқеа рўй берса-я, деб ўйлайман.

Хаёлимда ҳали-ҳануз ўша, сокин жимирлаган сув, ҳаволаб кетган ой, кўл ёқасида шамдай қотиб турган киши ҳамда биргина, бор-йўғи биргина жинсдошининг ўлдирилганидан кўрқиб, то сахаргача дами ичига тушиб кетган беозор махлуқлар...

Телевизорлар оламда рўй бераётган урушлардан жар солишади. Қайдадир жанглар бўлаётганини ақлимга сиғдирилмайман. Митти яшил бақачанинг ўлими шунча мусабатдан дарак бериб турибди-ку! У ёқда одамлар ўлаётган бўлса-я?! Кишилар ертўлаларда, уйларидан чиқолмай, дами ичига тушиб мўлтираб ўтиришгандир?

Ҳалиги киши ўша жойларни ҳам шошилмасдан айланиб юрганга ўхшайди.

У қиёфа яна кўп манзараларни ҳосил қилади. Ўтган жойида майсалар қуриётганини кўриб қоламан. Яшноқ фасл ичра кезган ёвуз шарпа бўлиб туюлади. Туюлиши не, руҳсиз нигоҳи-ю қийшиқ бармоқларигача аниқ-тиниқ кўраман.

...Ростдан ҳам, одамнинг айтгиси келмайдиган воқеа. Болаларни тоққа юборгим келмаганининг сабаби шу. Ўшандай ҳодисага яна дуч келишмасин, барқ урган ҳаёт жўшқинликлари аро фақат яхшилиқлар ичида улғайишсин, митти юраклари некбинликлар билан тўлақолсин дейман-да.

Ҳа, шундай. Болалар ёвузликнинг энг арзимас манзарасига ҳам дуч келишмасин! Озод, хур улғаяверишсин.

Бир отанинг истаги яна қанақа бўларди...



Зухра АЛИЕВА

Yaxshi do'stlar suhbatin, Diydorini ko'zlab keling

КЎНГИЛ

Гарчи манзил кўп йироқ, юрмоқни истайдур кўнгил,
Дўсту ёр рухсорини кўрмоқни истайдур кўнгил.

Бизни олисларга отган бир палахмон тош экан,
Тош қафаслардан тониб турмоқни истайдур кўнгил.

Бош уза юлдуз чаманзор ерда гулзори гўзал,
Тоza суҳбатларга юз бурмоқни истайдур кўнгил.

Бўлса соз байту кўшиқ оташда ёнсам, розиман,
Дилга ишқ меҳробини кўрмоқни истайдур кўнгил.

Руҳи озодим заминга сиғмаса, недин руноҳ,
Тангри ошёнига бош урмоқни истайдур кўнгил.

Зухро фарёди фалакни тутса, Ойга не алам,
Доғи ҳижрон завқини сурмоқни истайдур кўнгил.

МЕҲР ДЕСАМ...

Соғинчлар рангин, эй ёр, кўзимдан билмадингиз,
Олов рангин қизарган юзимдан билмадингиз.

Ой куёшни соғинар, шундан бағри доғ, десам,
Қиё боқиб кулдингиз, сўзимдан билмадингиз.

Меҳр танқис тунлардан бош олиб кетганларим,
Юлдузлардан билдингиз, ўзимдан билмадингиз.

Айролиқ саҳросида ёлғиз кезинганимни,
Қизғалдоққа айланган изимдан билмадингиз.

Зухрони излаюрсиз, билмам, қайси фалақдан,
Тонг чоғи порлаган юлдузимдан билмадингиз...

СИЗ СОҒИНГАН ТОЗА ДИЛ...

Келсангиз дил ахтариб, бир лолазор излаб келинг,
Қайда гул рангли кўнгул, деб, зору зор бўзлаб келинг.

Гар йўлингизда очилган гулу райҳон кўрсангиз,
Яхши дўстлар суҳбатин, дийдорини кўзлаб келинг.

Сиз соғинган тоза дил, меҳру муҳаббат андадир,
Келсангиз, бу йўлдаги озорни ҳам сизлаб келинг.

Йўлдан оздирмоқ бўлиб, маккоралар ҳозир турар,
Сиз алар додин бериб, бир сўз ила тузлаб келинг.

Ҳар кўнгулга нур тилаб Зухро яшар бедор ҳануз,
Ихтиёр бўлса ёруғлик, бир зиё излаб келинг.

ҲАЁТ ҚЎШИҒИ

Яна келдим сенга бош олиб,
О, Водилнинг тоза ҳавоси.
Соғинибди сойлар сўзимни,
Куйларимга ўхшар навоси.

Соҳил томон юрдим энтикиб,
Юзларимга юз босди эпкин.
Куз кўзларин кўзимга тикиб,
Қулоғимга шивирлар секин:

Тўкин-сочин боғлар кўйнида,
Истаганча яйра, қил ҳузур.
Кўнглинг япроқ экан, англадим,
Кузлигимни қиламан, узр...


Менга сингил тутинган дарахт,
Кел, иккимиз кўшиқ бошлаймиз.
Нима деса деяверсин Куз
Дилни сойга тўкиб ташлаймиз.

Жаранглади ҳаёт кўшиғи,
Шамоллар рақс тушди ўртада.
Кўнглимизни ичган майсалар –
Биздан салом элтар эртага...

МУҲАББАТ

Улар учрашдилар.
Сукунат.
Ҳижроннинг юраги
Ўйнайди.
Гулгун либос кийган
Оғриқлар
Соғиндим, дегани
Қўймайди.
Сарғайган туйғулар ҳижолат,
Япроққа айланиб
Учади.
Ўткинчи кўзлардан беркиниб,
Нигоҳлар бир-бирин
Қучади.
Осмоннинг ранглари оқариб,
Заминга ташлайди
Оппоқ хат.
Юракни бағрига босади
Сочлари оқарган
Муҳаббат...

Yurtim, sening boʻyingga gul boʻlgali kelganman



Тошпўлат АҲМАД

Юртим, сенинг боғинга,
Жаннатдай кучоғинга,
Инай деб ёноғинга,
Гул бўлгали келганман.

Хизматинга бел боғлаб,
Ками-кўстинг сўроқлаб,
Меҳру сеҳринг ардоқлаб,
«Қул» бўлгали келганман.

Дўсту ёрдан ўргилай,
Елкамни тутиб турай,
Улар ўтсин уринмай,
Йўл бўлгали келганман.

Халқим — номусу орим,
Виждоним, ифтихорим,
Тоабад мададқорим —
Қўл бўлгали келганман.

Гиёҳ унсин кўзимда,
Зиё унсин кўзимдан,
Ўргилай нон тузингдан —
Чўл бўлгали келганман.

Донг чиқармас якка от,
Одам одамга қанот,
Яшнасин деб бу ҳаёт —
Мўл бўлгали келганман.

Бахт учун, иқбол учун,
Буюк Истиқлол учун;
Ёнай истиқбол учун —
Қул бўлгали келганман.

Юртим, сенинг боғинга
Гул бўлгали келганман.

КЎРДИМ

Аё дўстим, бугун кўнглинг кошона кўрдим,
Ғаму ҳасрат, надоматдан бегона кўрдим.

Самоларни ўпиб юрган кабутар мисол
Хаёлингни жон қушидай парвона кўрдим.

Маҳлиёлик гулларгами, гулгунларгами,
Оинадай нигоҳингни фарзона кўрдим.

Сабо сени уйғотдими ё сен сабони,
Тилларингда савту наво, тарона кўрдим.

Демам: роҳи равонингда агёрлар йўқ деб,
Йўлингга дом қўйғувчини девона кўрдим.

Уйинг асра, ўзинг асра, элинг асрагин,
Истиқлолнинг шан-шукуҳин дурдона кўрдим.

Эй, Аҳмадий, дўст қувончи қувончинг сенинг,
Ўзбекистон деган юртни нурхона кўрдим.

СУЙГУЛИК

Ойдаин очилибсиз, рафторингиз суйгулик,
Сойдаин сочилибсиз, хуморингиз суйгулик.

Райҳондан олдингизми ва ёки Сиздан райҳон,
Хаёлни маст этгувчи ифорингиз суйгулик.

Ул ҳилол қошларингиз сув ичганми ўсмадан,
Дилларни ёқай деган қарорингиз суйгулик.

Булбулигўёлар ҳам овозингиз тинглар лол,
Лайлоланиб куйлаган ёр-ёрингиз суйгулик.


Баҳорни баҳор десам, ўзим баҳорман, дейсиз,
Баҳордай хуш сафоли иқрорингиз суйгулик.

Аҳмадий кўнглингизни сўраб келгандир, эй ёр,
Илтифот айланг унга, дийдорингиз суйгулик.

ТЎРТЛИКЛАР

Хоҳ отлик, хоҳ яёв, тоғ ошмоқ қийин,
Дардинг тўлган бўлса, бўшамоқ қийин.
Соз айтсам: ҳаётда одам хайлига
Ўлим қийин эмас, яшамоқ қийин...

Дўстни дўст сотганда, виждон йиғлайди,
Дўстни дўст сотганда, иймон йиғлайди.
Эл-юртин ким сотса, қабридан туриб,
Фитрату Қодирӣ, Чўлпон йиғлайди...



Serqi va sadogat go'shiq'i

Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.
Шунда кўзим кўрди баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни...

Ҳамид ОЛИМЖОН

Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам!

ЗУЛФИЯ



Sevgi va sadoqat go'shiq'i

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Рустам Абдуллаев ва Ўзбекистон халқ шоири Омон Матчон ижодий ҳамкорлигининг маҳсули сифатида Алишер Навоий номидаги Академик опера ва балет катта театрида илк намоёниши бўлиб ўтган «Садоқат» либреттоси Ўзбекистон халқ шоири Зулфия ҳаёти ва ижодига бағишланган. Ижодкорлар Зулфия ва Ҳамид Олимжон ўртасидаги оташин муҳаббат, ўша даврдаги адабий муҳит, Иккинчи жаҳон уруши, Ҳамид Олимжоннинг бевақт вафоти, Зулфиянинг изтироблари, сабр ва матонат, садоқат ила йўғрилган ҳаётини ўзига хос тарзда гавдалантириб бера олган. Унинг вафодор ёр, она, жамиятда эса фаол шахс ва бетакрор шоира даражасида ҳамиша ўзи севиб ардоқлаган, энг қийин даврларда ўзи суйанган халқ билан бирга яратиш ва изланишда кечган бутун ҳаёти, умр лаҳзалари ниҳоятда таъсирли манзаралар, мусиқий композиция асосида очиб берилади.

Рустам АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Бастакорлар уюشمаси раиси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби:

– Муҳаббат, садоқат – ўлмас мавзу. Айниқса, Зулфияхоним билан Ҳамид Олимжоннинг севгиси жуда таъсирчан. Уларнинг қисқа, лекин абадийликка муҳрланган севгиси мен учун оригинал опера бўлди. Шу севгини саҳнага олиб чиқиш жараёнида янада чуқурроқ ҳис этдимки, Зулфияхоним жуда кучли, жасоратли, сабрли аёл экан. Бу фазилати барча миллат аёлларининг тимсоли бўла олади. У ўзида энг гўзал инсоний фазилатларни жамлаган аёл, меҳрибон она, ўткир қалам соҳиби сифатида жуда эъзозланади. Биз Зулфия образи орқали миллатимиз аёлларининг муҳаббати, садоқатини кўрсатишга уриндик. Либреттони саҳнага олиб чиқишда рассом, режиссёр, дирижёр, актёрлар жамоаси ҳамда ҳамкор ташкилотларга қилинган ёрдам учун миннатдорлигимни билдираман. Агар бизнинг саҳналаштирган асаримиз ёшлар эътиборига тушса, кимларгадир ўрнак бўлса, мен ва ижодий жамоамиз ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эришган бўламиз.

Дилором ОМОНУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор:

– Рустам Абдуллаев замонавий ўзбек мусиқаси ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган йирик бастакор. Ўзи ишлаётган асарнинг ҳар бир қиррасига профессионаллик билан ёндошади. Унинг ижодида болалар қўшиқларидан тортиб катта ариялар, вокал, опера, камер асарлар, йирик симфоник асарлар ҳам моҳирона ижро этилади.

Зулфияхоним ҳаётини саҳнага олиб чиқиш жуда масъулиятли иш. Шунинг ўзиёқ ижодкордан катта меҳнат, куч, талаб қилади. Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг севгиси, ҳаётидаги йўқотиш изтироблари, давр... Ҳамма ҳаммаси ҳисобга олинган. Актёрлар

ҳам жуда яхши танланган. Гарчи саҳна изтиробли бўлса-да, қалбим ижродан завқ олди.

Рустам АЛИМАРДОНОВ, актёр:

– Асар жуда чиройли сюжет асосига қурилган. Кеча ва бугун ажойиб тарзда боғланган. Олов қалбли қаҳрамонни гавдалантириш актёрга ҳам илҳом беради. Мен ҳам ўз қаҳрамонимни образини яратиш устида устозларим билан узоқ ишладим. Шу жараёнда барча аёлларимизга тимсол сифатида кўрсатилган Зулфияхонимнинг матонати, жасорати, сабри ва иродаси томошабинга ҳам, актёрлар жамоасига ҳам таъсир қилмай қўймайди. Миллий қаҳрамонларни ижро этишнинг завқи бошқача. Иш жараёнида ўзбек опера санъатининг дарғалари билан ишлаш бахтига муяссар бўлдим. Уларнинг ижод мактабидан баҳра олдим.

Малика НОРМАТОВА, актриса:

– Зулфияхонимнинг ижодига қизиқишим ҳар доим баланд бўлган. Иш жараёнида билдимки, у мен ўйлагандан ҳам кўра кучли, иродали, садоқатли ва сабрли аёл бўлган экан. Ролга тайёрланиш жараёнида шеърларини қайта-қайта ўқишга ва қаҳрамонимни ҳис этишга ҳаракат қилдим. Кўп ролларни ижро этганман. Аммо Зулфия образи мен учун энг катта залворга эга роль бўлди. Ўзим учун гўзал фазилатларини ўргандим. Образимдан куч олдим. Зулфияхоним «Садоқат» либреттосининг марказий нуқтаси. Ана шу образни гавдалантириш менга берилганидан дастлаб жуда ҳаяжонга тушдим. Айниқса, учинчи пардадан бошлаб қаҳрамонимнинг изтироби, қайғу-алами янада ортади. Ижро этаётиб, аёл сифатида ўзим ҳам муайян хулосалар чиқардим. Бу образ ижодимдаги катта қадам бўлди, деб ҳисоблайман.

Siz qo'shiq kuylaysiz...



Фаррух ХАМРОЕВ

ҚОРБЎРОН

Қор ёққан кеч уйқу элитар,
Курсдош қизлар қор уйнаймиз дер.
Тўдаларин тузиб олишар,
Шовқинларга тўлар она ер.
Биз қорга шўнғиймиз, унутиб барин,
Ҳеч кимга малолмас гўзал совуқ қор.
Юзимга қор отар битта маъюс дил,
Кўзимга санчилар нималардир бор.
Мен қорнинг бағрида ўлтиравердим,
Титрамай кўйганди, совуқ қўлларим.
Нега тугамоқда қорбўрон ўйин,
Тобора қисқариб борар йўлларим?
Тугайди энг узун оромли дамлар,
Қорнинг ҳам сўнгиси эриб битади.
Ёдимда бир умр қолар қорбўрон,
Қалбим энтикади, жисмим ёнади.

МУҲАББАТ МАНЗАРАЛАРИ

Бир кун
Баҳоримни
Топиб берасиз,
Қайтариб берасиз
Ёшлигимни сиз.
Менинг борлигимни
Кўксига жойлаб
Тилин тишлаб олган
Эй ёлғончи қиз.
Менинг ғуруримни
Топтаб ўтгансиз,
Отиб юборгансиз
Орзуларимни.
Юракка қадалган
Киприқларингиз
Ҳаётимдан чиқиб
Кетган гўзал қиз.
Синган соғинчларим —
Тўзғиган тақдир,
Бошин олиб кетган
Ўша куни бахт.
Рости, кўзларимда
Қолиб кетгансиз,
Шеърда яшаётган
Эй ёлғончи қиз.
Умидим ўлмади
Тоқат тугамас,
Тилим такрорлайди
Фақат бир сўзни:
Озгина бўлсайди
Шафқат, раҳмингиз,
Менга қайтардингиз,
Эй ёлғончи қиз.

Ўчиб, ёнаверар
Севги олови,
Кул кўмар чўғларни,
Ишқ ўтларини.
Тушингиздан қўрқиб
Уйғонасиз сиз,
Менсиз яшаётган
Эй ёлғончи қиз.
Бир кун эриб тугар
Юрак шам мисол,
Теграмда кезинар
Айрилиқ, висол.
Бошқаники эмас,
Меникисиз сиз,
Дилни таъқиб этиб
Юрган гўзал қиз.
Ишқингиз измида
Оқарди бу соч,
Армон, боламга сен
Ўтма энди, қоч,
Дунё, кўзларингни
Бир лаҳзага оч.
Мен қандай яшадим
Ўзимсиз, усиз,
Ўн саккиз ёшида
Тўхтаб қолган қиз?
Демак, йўқ ўртада
Айрилиқ, ҳижрон,
Йиллар йўқ,
Тушлар бор,
Биз яна бирга.
Ҳаммаси ёлғон деб
Менга айтингиз,
Мен учун туғилган
Эй бечора қиз.
Кўзларимга сокин
Кўринар ҳаёт,
Умрим унларини
Санайди соат.
Ёдимда қоласиз,
Сўнги кунгача,
Мен-ла яшаётган
Эй ёлғончи қиз.

Сиз қўшиқ куйлайсиз,
Менинг қалбимда
Муҳаббат уйғонар,
Қайғу уйғонар.
Азобдан тобора
Кичрайиб борар,
Осмоннинг юзида
Кўз ёш уйғонар.
Муҳаббат дардидан,
Тўлган қадаҳда
Қуёшлар уйғонар
Кўз ёшлар ёнар.
Менинг изтиробим,
Менинг ўтмишим
Маҳзун қўшиқларда
Абадий қолар.

Дунё халқларининг бойлик даражаси, аввало, бебаҳо илмий, бадиий асарлар, жаҳон маданий цивилизациясининг ёрқин намуналарини ўзида акс эттирган нодир қўлёзмалар салмоғи билан ўлчанади. Шу боис ҳам умрбоқий маънавиятимизга енгилмас куч сифатида баҳо берилиши бежиз эмас. Ҳар сафар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига кирар эканман, қалбимда ифтихор туйғуси уйғонади. Узоқ йиллар давомида жамланган нодир асарлар ва қўлёзмалардан фойдаланиш учун электрон манбалар хизматига мурожаат қилсангиз бас, бир зумда катта мониторда барча маълумотлар кўз ўнгингизда пайдо бўлади. Ёки кутубхона расмий сайти орқали исталган китобни топиб ўқийсиз.

Ma'naviyatimiz, adabiyotimizga berilayotgan e'tiborning yuksak namunasi

ро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Унинг натижасида «Кореяга йўл» лойиҳаси, Ўзбекистон Миллий университети ва Кёнхи университетининг марказий кутубхонаси ўртасида имзоланган меморандум доирасида қатор ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Давлат илмий тиббиёт кутубхонаси, Республика кўзи ожизлар кутубхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси ахборот ресурс маркази, Республика болалар кутубхонаси каби қатор кутубхоналар гуруҳ вакиллари Кореянинг Кёнхи университети ташкил этган махсус ўқув дастури бўйича Сеул шаҳрида малака оширишди. Бу каби ҳар томонлама манфаатли алоқалар АҚШ, Германия, Россия, Озарбойжон, Латвия, Беларусия, Польша ва бошқа давлатлар кутубхоналари билан ҳам йўлга қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Миллий кутубхонасида сақланаётган тарихий, илмий, бадиий, маданий қиймати юқори бўлган нодир нашрларнинг биографик ва тўлиқ

Кун сайин ривожланиш ва тараққиёт сари даядил қадам ташлаётган мустақил давлатимизнинг куч-қудрати, энг аввало, юксак маънавият тушунчасини ҳар бир юртдошимиз онгу шуурида камол топтириш билан ўлчанади. Нурафшонлик файзи уфуриб турган муҳташам кутубхонада яратилган имкониятларни кўриб, мўъжизалар масканига тушиб қолгандек бўламан. Миллий кутубхонамизда замонавий хизмат турлари такомиллашиб, янгилиниб бораётганидан ҳайратга чўмаман.

Асаджон ХОДЖАЕВ, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори:

– Дунё тажрибасидан яхши маълумки, кутубхона мутахассиси адабиёт танлашда китобхонга энг яқин кўмакчи бўлади. Кутубхона ходими қанчалик билимли ва маданиятли бўлса, фойдаланувчи қизиқишини ино-

батга олган ҳолда нашрларни тўғри танлаб, тавсия эта олади. Ана шунини инобатга олган ҳолда биз, кутубхоначилик фаолиятимизда китобхонга янги, замонавий ёндашув дастурини ишлаб чиқдик. Яна шуниси қувонарлики, Миллий кутубхонамиз билан дунёдаги етакчи мамлакатлар кутубхоналари ўртасида ўрнатилаётган манфаатли ҳамкорлик алоқалари ҳам кутубхоначилик фаолиятимиз равнақиға ижобий таъсир кўрсатмоқда. Халқаро алоқаларни ривожлантириш мақсадида ўтказилган жами 34 тадбир, 28 хорижий делегациялар ташрифидан сўнг ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ сингари халқаро ташкилотлар вакиллари томонидан Миллий кутубхонамиз фаолияти юқори баҳоланди. Шунингдек, ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида дунёнинг етакчи мамлакатларидан бўлган Корея Республикаси билан Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ўртасида ўза-



матнли базасини шакллантириш ҳамда уни тўлдириш бўйича яқинда ишлаб чиқилган янги дастур китобхонлар аудиторияси учун қатор қулайликлар яратмоқда.

Эндиликда фойдаланувчилар онлайн тизимда интернет орқали кўлэмалар, нодир китоб, альбом, газеталар каталогининг тўлиқ матни билан танишиш имкониятига эга бўладилар. Бундан ташқари, олимлар ҳамда тадқиқотчилар учун қўшимча имкониятлар яратилди. Мазкур дастурга кўра, фойдаланувчи қисқа вақт ичида барча ахборот ресурслари умумлаштирилган тизимга уланиб, кенг кўламли маълумотлардан фойдаланиши мумкин. Агар кутубхонамизнинг бугунги кундаги жами китоб фонди 7 043 858 тани ташкил этишини назарда тутадиган бўлсак, бу тизимнинг нақадар катта аҳамият касб этиши ва фойдаланувчилар учун қулай жиҳатларини тасаввур қилиш қийин эмас. Мазкур фонднинг айни кунда 361631 таси электрон шаклга келтирилди. Эндиликда китобхоналаримиз ўзлари учун ажратилган 220 компьютер, 2 нетбук, Wi-Fi худудлари, 6 интерактив панель орқали истаган адабиётдан ўзи учун қулай вақтда фойдаланишлари, ҳатто ривожланган мамлакатларнинг машҳур кутубхоналари захирасидаги адабиёт ва илмий манбалар, турли маълумотларни излаб топишлари мумкин. Шу ўринда кутубхонамизга мутолаа учун келаётганлар сони кун сайин ошиб бораётганидан мамнунлигимни айтмоқчиман. Айниқса, фахрий китобхонларнинг ташифи кўнгилмизни тоғдек кўтаради. Ўзининг асарлари билан минглаб китобхонлар меҳрини қозонган Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик Азиз Қаюмов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик каби ижодкорларни кутубхонамизда кўриш бизга ғурур бағишлайди. Айниқса, улар иштирокида китобхонлар билан бўлиб ўтаётган турли мавзудаги ижодий учрашувлар, маърифий тадбирлар Миллий кутубхонамизга ёшларнинг қизиқиши ва интилишини тобора кучайтирмоқда.

Миллий кутубхона фонд захираси ҳақида гап кетганда, бир жиҳатни алоҳида эътироф этиш лозим. Кутубхонанинг нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар хизматида сақланаётган Алишер Навоий асарлари ва ҳаётий фаолияти билан боғлиқ манбаларни ўрганишга бўлган иштиёқнинг ёшлар орасида кучайиб бораётганлиги бизни жуда хурсанд қилмоқда.

Тоҳир МАЛИК, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

– Дунё мамлакатларида ҳашаматли бинолар кўп, аммо бу каби кутубхона жаҳонда топилмаса керак. Мен, аввало, оддий бир инсон, қолаверса, кўп мамлакатларни кезган ижодкор сифатида, ана шу мухташам, файзу таровати қалбларни ёритиб турган миллий кутубхонамиз



билан ғоят фахрланаман. Чамалаб кўрсам, ярим асрдан ортиқ умрим, ширин хотираларим ушбу муқаддас даргоҳ билан боғлиқ экан. Ҳар сафар янги китоб, янги нашр ҳақида эшитиб қолгудай бўлсам, шу ерга келардим. Не ажабки, бугун иш столидаги компьютер орқали ҳам севимли кутубхонам билан маънавий яқинлики ҳис этиб турибман. Эрта-ю кеч, туш пайтидами, дам олиш куни ёки байрамдами, бундан қатъи назар, мен учун бу қадрдон даргоҳ эшиги ҳамisha очик.


Афзал РАФИҚОВ, Ўзбекистон халқ артисти:

– 90 - йилларга келиб, ўз ижодимдан қониқмаслик ҳисси пайдо бўлди. Ўйлаб қарасам, ўша пайтгача фақат Европа адиблари қаламига мансуб асарлардаги образларни яратган эканман. Кейинчалик менинг кўнгилда ҳам актёр сифатида миллий қаҳрамонларимиз образини гавдалантириш, томирларимда қонлари жўш ураётган аждодларимизнинг ўлмас меросини тарғиб этиш, уларни томошабинга етказиш истаги пайдо бўлди. Бу истак менга тинчлик бермас ва ўз-ўзим билан курашишга даъват этарди. Буни пайқаган режиссёр Баҳодир Йўлдошев менга Шухрат Ризаевнинг «Искандар» асарида Алишер Навоий образини яратишни таклиф қилди. Шу умид мени яна театрга қайтарди. Аммо хавотирда эдим. Рус мактабида ўқиганман, Навоийни яхши билмайман... Шундай қилиб мен изландим, бор вужудим билан астойдил Навоий асарларини ўрганишга киришдим. Унинг пурҳикмат сатрлари руҳиятим билан нақадар яқин эканини ҳис эта бошладим. Билганимдан қувондим, билганимни сўраб-сўраб ўргандим. Кутубхонага мунтазам қатнаб, ниҳоят 40 ёшимда Навоий ижодининг ашаддий тарғиботчисига айландим.

Мен учун Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ҳар қандай хазинадан ортиқ, дуру жавоҳирларга тўла сарой. Чорак асрки, ўзимни шу жавоҳирот саройи билан бир бутунликда кўраман. Симфоник оркестр ёрдамида миллионлаб томошабинлар эътиборига ҳавола этилаётган «Хамса» достонидан ўқиётган ижроларим ҳам кутубхонада ўрганганларим махсулидир. Юртимиз чиройига чирой, кўрkingа кўр кўшиб турган Миллий кутубхонамизни қалбларни эзгуликка бошловчи нурга қиёслайман.

Луқмон Бўрихон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

– Бизнинг ота-боболаримиз доим китобни эъзозлашган. Уни ўзига энг яқин дўст ва ҳар қандай эзгу мақсадга бориш йўлидаги машъала деб билганлар. Ўша буюк аждодларимиздан илму тафаккурга, маънавият-маърифатга ихлос, эъзоз-эътибор хислатлари



бизга мерос бўлиб қолди. Буни мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида, маданий-маърифий жабҳаларда олиб борилаётган туб ислохотлар, улкан бунёдкорликлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Шундай улғувор ишларнинг давоми ўлароқ, муҳтарам Юртбошимизнинг ташаббуси билан пойтахтимиз марказида, кўрган кўзларни нурга чулғаб, кўнгилларни қувончга тўлдириб муаззам бир қаср қад ростлади: Маърифат маркази! Шак-шухбасиз, номига монанд маҳобатли ва гўзал иншоот! Унинг ичу ташидан, чор-атрофидан илму тафаккурнинг, маърифатнинг нури таралади. Мустаҳкам, нақшинкор устунлар, кенг ва ёруғ заллар, хоналар, зарҳал безаклар билан жилоланган пештоқ-равоқларни кўрган киши моҳир қурувчиларимизнинг иқтидорига яна бир бор тан беради. Уларнинг фидокорона меҳнати эвазига миллий меморчилик аънаналари энг илғор, энг замонавий услублар билан уйғунлашиб, ўзига хос санъат асари бўлган обида бунёд этилди. Бу маънавиятга, маърифатга берилаётган эътиборнинг юксак намунаси.

Миллий кутубхонамиз ҳақидаги бу каби самимий фикрларни кўплаб келтириш мумкин. Мўъжизакор иншоотнинг инсонлар қалбини зиё нурлари билан мунаввар этувчи сифатлари кун сайин шухрат топиб бормоқда. Бу эса, юртимизда элни шод, мамлакатни обод этувчи бунёдкор ғояларимизнинг мана шундай файзу тароватли масканларимиз жамолида акс этаётгани ва ўзининг умрбоқий фалсафий, бадиий қарашлари билан олам ва одамнинг бир-бирига жуда ўхшаб кетадиган илоҳий сифатларини куйлаб ўтган улғу бобомизнинг неча замонлар ошса ҳамки, ҳатто муборак номи ила элларга зиё тарқатишдаги давомийлигига ҳам бир ишорадир.

Гулчехра МИРЗАЕВА



O. Genri

Yozilmagan hikoya

hikoya

Мен сизларга ҳикоя қилмоқчи бўлган ушбу воқеа «Тонгги маёқ» газетасида ишлаб юрган пайтларим содир бўлганди. Мен Нью-Йорк кўчалари бўйлаб кезар эканман, йўлимда учраган не ҳодиса борки, ҳикоя қилиб ёзаверардим. Тирикчилигим шунинг орқасидан, газетада доимий штатда бўлмаганим учун маблағ масаласи ҳам ҳаминқадар эди. Оддий кунларнинг бирида иш столим қаршисида Трип пайдо бўлди. У газета чоп этиш бўлимида ишларди. Шунинг учунми ундан доим бўёқ ҳиди келиб турар, бармоқлари ҳам кислота туфайли бужмайиб кетганди. Трип йигирма беш ёшлар чамасида эди, бироқ кўрган одам уни қирқдан нарида деб тахмин қиларди. Уни бирор сурат масаласида келган деб ўйладим. Трипнинг тиканак соқол қоплаган юзи айти пайтда жуда бечораҳол ва аянчли эди. Унинг ҳамма қатори менга ҳам маълум бир одати бор: кўп қарз сўрайди. Трип қўлини столга тираб, инқиллаганча ёнимга ўтирди. Унинг бармоқлари титрарди! Яна ичиб-ди-да.

Бугун бир ҳикоям учун беш доллар қалам ҳақи олгандим. Шу боисдан дунё кўзимга чиройли кўриниб турганди.
— Хўш, Трип? — гап бошладим мен. — Аҳволлар қалай?

— Сенда бирор доллар топилмайдими? — унинг аҳволи ҳар кунгидан оғир эди.

— Очиғи, беш доллар пулим бор. Аммо бунга минг машаққат билан эришганимни ҳам айтишим керак. Айти пулга муҳтож пайтим олдим-да, ўзиям...

Мен у пул сўраб улгурмасидан баҳоналаримни қалаштириб ташладим.

— Аслида, қарз олмоқчи эмасдим, — Трипнинг сўзидан дадиллашдим. — Мен сенга яхши бир ҳикоя учун воқеа топиб бермоқчи эдим, холос. Бу сенга кўп наф келтиради, ишонавер. У жуда қизиқ! Бироқ бу фикр сенга бир неча долларга тушади.

— Хўш, қанақа фикрлар экан, айт-чи?

— Айтаман, — давом этди Трип, — бир қиз... гўзал! Ҳеч қачон бундай ҳурлиқони учратмагансан. У бир гул! Йигирма ёшда. Шу ёшига қадар қишлоғидан чиқмаган, умрида Нью-Йоркни кўрмаган! Мен уни 34-кўчада учратиб қолдим. У дунёдаги энг чиройли қиз, ишонавер. Қисқаси, у мени ўша кўчада тўхтатиб, Жорж Браун исмли кимсани қаердан топиш мумкинлигини сўради. Ишонаяпсанми, шундай катта шаҳардан Жорж исмли одамни топиб беришимни сўради! Бу ҳақда нима дейиш мумкин, ахир? Мен қиз билан суҳбатлашдим. У келаси ҳафтада Хирам Додд исмли фермерга турмушга чиқаётган экан. Бироқ у илк муҳаббати Жорж Браунни унутолмапти. Жорж анча йил бурун қишлоқни ташлаб, шаҳарга ўз бахтини излаб кетган экан. Кейин эса қишлоққа қайтмапти. Қиз уни кута-кута, ахийри Хирамга розилик берипти. Бир неча кун олдин эса Ада, ҳа-я, қизнинг исми Ада Ловери экан, поездга ўтирибдию Жоржни излаб Нью-Йоркка йўл олибди. Мен қизни катта шаҳарда ёлғиз қолдиролмадим. Билишимча, у шаҳарга келаману истаган



одамдан Жоржни сўраб топиб оламан, деб ўйлаган. Унинг қандай болафеъллигини тушуняпсанми? Беғубор гўдак у! Сен уни кўрмасанг бўлмайди. Менинг кўлимдан нимаюм келарди? Қисқаси, қизни тўғри ижара уйимга олиб бордим ва ўзим у ерни тарк этдим. Биз унинг бир кунлик ижара хақи учун бир доллар тўлашимиз керак. Юр, сени у ерга олиб борай...

Менинг асабим бузилди.

— Нималар деяпсан, Трип? Мен бирор муҳим мақола-ми, дебман. Ҳар куни поезд шаҳарга юзлаб қизларни олиб келади! Мен бундан қанақа ҳикоя ёзишим мумкин, ахир?

— Шундай қизиқарли нарсани кўра олмаётганингдан афсусдаман. Сен гўзаллик ва муҳаббат ҳақида ёзишинг мумкин, тушунсанг-чи? Ишончим комил, сен бунинг учун ўн беш доллар олсан. Бу эса сенга атиги тўрт долларга тушади.

— Нега энди тўрт доллар? — ажабландим мен.

— Бир доллари хона учун, икки доллари эса қизнинг қайтиш чиптаси учун.

— Яна бири-чи?

— Менга-да. Виски учун. Норози бўлма...

Мен жавоб бермадим, ўз ишим билан машғул бўлгандай қоғозларимга тикилдим.

— Сен тушунмадинг, — Трип ҳам бўш келмасди. — Қиз уйига қайтиши шарт! Бугуноқ! Бунинг учун ҳамма нарсага тайёрман. Мен бу ҳақда бирор нима ёзиб пул ишлаб оларсан, дегандим. Лекин аслида менга ёзасанми-йўқми, барибир. Нима бўлгандаям, қиз қоронгу тушмасдан уйига қайтиши керак!

Бу гаплардан сўнг қизга ачина бошладим. Қизга уч доллар сарфлашга розиман, бироқ Трипга бир чақа ҳам бермайман. Мен оғриниб пальто ва шляпамни кўлимга олдим.

У ерга ярим соатда етиб бордик. Трип эшик кўнғироғини босаркан, «Менга тез бир долларни бер», деди шошилиб. Эшикни бир аёл очди. Трип индамай унга пулни узатди. Аёл ҳам жимгина бизни ичкарига бошлади. Кейин бизга ўгирилиб, «У умумий хонада ўтирибди», деди.

Нимқоронгу хонага киргач, кўзим йиғлаб ўтирган қизга тушди. Ҳа, у чиндан ҳам гўзал эди. Йиғлаганида янаям чиройли кўринар, биллур ёш томчилари унинг кўзларида нақш каби товланарди.

— Ловери хоним, бу менинг дўстим жаноб Калмерс, — деди Трип. Мен кўриниши афтодаҳол бу одамга «дўстлигим»дан бироз хижолат бўлдим. — У ақлли ва ишбилармон одам. Газетада ишлайди... Ҳа, сизга албатта ёрдами тегади. Ишонаверинг, хоним, у тўғри йўлни кўрсатади.

— Ловери хоним... — мен нима дейишни билмай бироз жим қолдим. — Агар сизга ёрдаминг тега, жуда хурсанд бўлардим. Аввал сиз менга ҳаммасини батафсил гапириб беринг...

— Нью-Йоркка биринчи келишим, — гап бошлади қиз. — Бу ерни бунчалик катта деб ўйламагандим. Бу ерда жаноб... жаноб Трипни учратдим ва бир дўстим ҳақида сўрадим. У эса мени шу ерга олиб келиб, кутишимни тайинлади.

— Ловери хоним, — гапга аралашди Трип, — мен йўлда жаноб Калмерсга барини тушунтирдим.

— Ҳа, албатта, — деди Ада. — Менинг айтадиган гапим ҳам йўқ, фақат бир гап: мен Хирам Доддга келаси пайшанбада турмушга чиқаялман. Унинг қишлоқда икки юз акр ери ва катта фермаси бор. Бугун эрталаб онамга дугонам Съюзиникига кетаялман, дегандим. Бу ёлғон эди... Поездга чиқдим келавердим, кейин жаноб Трипдан Жоржни сўрадим.

— Ловери хоним, — Трип қизга қаради, — сиз Хирамни ёқтиришингизни, Хирам ҳам сизни жуда севишини айтгандингиз-а?

— Албатта, ёқтираман. У яхши одам. Умуман, ҳамма одамлар яхши, уларни яхши кўраман. Лекин... лекин мен ўтган тундан бери Жорж ҳақида ўйлай бошладим. Мен... — қиз яна йиғлаб юборди. Мен унга керакли ёрдамни беролмаслигимдан ўқиндим. Чунки мен на Жоржни, на Хирамни танир эдим. Қиз давом этди: — Биз Жорж билан бир-биримизни ёқтирардик, ўшанда у саккиз, мен эса беш ёшда эдим. Жорж ўн тўққизга тўлганида, яъни олти йил олдин қишлоқни тарк этди. У шаҳарга келиб полициячи ёки темирйўл бошлиғи, умуман бирон касб эгаси бўлмоқчийди. Сен учун, албатта, қайтаман, дея ваъда берганди. Бироқ шу кетганича у ҳақда бирор хабар эшитмадим. Мен уни севардим.

Қиз яна йиғлаб бошлаганди, Трип уни тўхтатиб менга юзланди.

— Жаноб Калмерс, ҳозир Ада учун энг тўғри йўл қандай?

— Ловери хоним, — гап бошладим мен. — Ҳаёт йўли мураккаб... ҳаммамиз учун ҳам. Бу дунёда камдан-кам инсонлар ўз муҳаббатига эришадилар. Сиз Хирамни яхши инсон, дедингиз. Ишончим комилки, унга турмушга чиқиб, албатта, бахтли бўласиз.

— Ҳа, — деди Ада, — Жоржни бу аҳволда тополмас эканман. Мен тўйим яқинлашган сари у ҳақида кўпроқ ўйлай бошладим. Жоржнинг ҳаётида бирор бахтсиз ҳодиса юз берган бўлса керак, акс ҳолда, албатта, хат ёзарди. Қишлоқдан кетишидан олдин биз битта тангани болғача билан ўртасидан бўлгандик. Иккимиз ҳам доимо қалбан содиқликка ва яримта тангани то учрашмагунимизча асраб-авайлашга келишиб қасам ичгандик.

Трип негадир кулди. Мен унинг виски учунгина қизга ёрдам бераётганидан афсус чекдим.

— Оҳ, — деди Трип, — йигитлар шунақа, шаҳарга келиб ўз ёрларини унутадилар. Менимча, у бошқа бир қизни толган ёки ичкиликка берилган. Сиз Калмерсга қўлоқ солинг ва уйингизга қайтинг. Шунда ҳаммаси изига тушади.

Қиз ахийри уйга кетадиган бўлди. Учаламиз вокзал томон йўл олдик. Унинг қишлоғига чипта нархи бир доллару саксон цент экан. Мен чиптага кўшиб бир дона қизил атиргул ҳам сотиб олдим. Биз хайрлашдик.

Ниҳоят бари ортда қолди. Мен Трипга қарадим. У янада чўкиб қолганди.

— Сен бу ҳақда бирор ҳикоя ёзоласанми? — сўради у.

— Бир сатр ҳам...

— Узр, ёзолмасанг ҳам пулингни сарфладик.

— Буни унутайлик. Бироқ сенга виски учун пул беролмайман.

Трип пальтосининг тугмасини бўшатиб чўнтагидан дастрёмол чиқарди. Шу пайт унинг ички чўнтагига осилган занжирнинг жаранги эътиборимни тортди. Бир неча сония ичида мен иллаган нарса шу бўлди: занжирда яримта танга осилиб турарди. Ҳа, болғача билан бўлган танга!

— Ахир... — дедим ҳайратланиб.

— Ҳа, — оҳиста жавоб берди у. — Жорж Браун. Ҳозир эса оддийгина Трип...

Мен чўнтагимдан бир доллар олдим ва Трипнинг қўлига тутқаздим...

«ПОЭТИКА»

va hozirgi zamon adabiyoti

Арастуниг адабий асар тури ва унинг моҳияти борасидаги фикрлари акс этган «Поэтика» асарига ўз даврида Форобий, Ибн Сино каби буюк олимларимиз шарҳлар битган. Қолаверса, бу шарҳлар Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мутафаккир шоирларимизнинг шеър санъати ва назарияси борасидаги илмий қарашларига сезиларли таъсир кўрсатган. Энг муҳими шуки, Арастуниг адабий қарашлари бугун ҳам ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотмаган.

Трагедия кўп асрлардан бери турлича шарҳланиб келинади. Арасту унинг таркибини олти унсурга бўлиб кўрсатган: биринчиси – томошабоплик, иккинчиси – муסיқа қисми, учинчиси – асар тили – қаҳрамонлар нутқи, тўртинчиси – фикр (ғоя), бешинчиси – характер, олтинчиси – ривоят – воқеа. Арасту асар ғояси ва характерга катта аҳамият беради. «Ана шу ғоя ва характерга мувофиқ фаол шахслар (ёки қаҳрамонлар) муваффақиятга ёки мағлубиятга учрайдилар», дейди у. Чиндан ҳам ғоя, танланган йўл қаҳрамонларнинг тақдирига ҳал этувчи таъсир кўрсатади. Галилей, Бруно, Коперник, Насимий, Машраб, Улуғбек сингари буюк шахслар ўз ғояси йўлида ҳаётини фидо қилди.

Ҳозирги адабиёт назариясида бадиий асарда характер биринчи ўринга қўйилади. Арасту эса: «Трагедиянинг мақсади бирон фазилатни эмас, балки воқеани, қилинган хатони тасвирлашдир. Кишилар ўз характерига кўра қандайдир фазилатга эга бўлади, қилмиши билан эса бахтли ёки бахтсиз бўлиб чиқади», дейди. «Поэтика» муаллифи учун инсонларнинг характери қандайлиги, яхши ёки ёмонлиги, олижаноб ёки тубанлиги муҳим масала бўлса ҳам, аммо бадиий асарда киши характерининг қандайлигини кўрсатувчи асосий мезон одамларнинг хатти-ҳаракати, қилдиган ишларидир. Чунончи, Эсхил асарининг қаҳрамони Прометей характеридаги улуғворлик, жафокашлик унинг илоҳлар, кудратли ҳукмдорлар ғазабидан кўрқмай, халққа олов келтириб бериши орқали намоён бўлади.

Трагедиянинг ва ҳар қандай бадиий асарнинг яна бир муҳим унсури сифатида Арасту пафосни кўрсатади. Ҳақиқатан, пафоссиз, эҳтироссиз асар на томошабинни, на ўқувчини қизиқтирмайди, ҳаяжонга солмайди. Асарда, унинг ижодкорида, албатта, кучли ҳаяжон бўлиши керак. «Ўзи ҳаяжонлана оладиган шоир томошабинларни ҳам ҳаяжонлантира олади. Ўзи ғазаблана оладиган киши томошабинларни ҳам росмана ғазаблантира олади», дейди Арасту.

Арастуниг истеъдод ва маҳорат ҳақидаги фикрлари ҳам кўп асрлардан буён баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Русча таржимада маҳорат тушунчаси «санъат» деб олинган. Бу сўз ҳозир кўпчилик тушунадиган «санъат асарлари» деган маънода эмас, балки касб-хунар маъносига ишлатилган. Форобий асарларида ҳам арабча «санъат» сўзи касб, хунар, фан маъносига ишлатилади. Арасту ҳам «санъат» сўзини «маҳорат», «малака» маъносига қўлайди ва уни маълум маънода «туғма истеъдод»га қарши қўяди. У «Поэтика»нинг биринчи саҳифаларидаёқ «Баъзи кишилар санъаткорлик туфайли, баъзилар малака сабабли, яна баъзилар туғма истеъдодлари туфайли бўёқлар ва шакллар ёрдамида кўп нарсаларнинг тасвирини ярата-

дилар», дейди. Бу ерда «санъаткорлик» сўзи «маҳорат» маъносига, соз чалиш ёки шеър ёзиш иқтидори маъносига келяпти. Баъзи адабиётшунос олимлар санъаткорлик ва маҳоратни бадиий асар ёзишда асосий, бирламчи унсур деб биладилар. Платон диалогларида («Федр»), Аристофан комедияларида поэтик асарни назарий принципларни чуқур ўзлаштирган одамларнинг маҳорати ёки малакаси маҳсули деб ҳисоблашган.

Абу Наср Форобий ҳам Арастуниг «Поэтика» асарига ёзган шарҳларида шоирларни бир неча тоифаларга ажратади: «Энди биз сенга айтсак, шоирлар чиндан ҳам туғма қобилиятли ва шеър битишга тайёр табиатли кишилар бўлади ва улар ташбеҳ ва тамсилга лаёқатли бўладилар. Бир тоифа шоирлар шеър санъатидан етарлича хабардор бўлмайди. Улар туғма қобилиятларининг яхшилиги билангина қаноат ҳосил қиладилар. Бундай шоирлар чинакам мусалжис – мутафаккир шоирлардан саналмайдилар. Чунки уларда шеър санъатини ўзлаштириб олиш учун камолот етишмайди».

Атоқли арастушунос олим Миллер ҳам «мимесис», яъни ўхшатиш, тасвирлаш санъат моҳияти эканлигини эътироф этган ҳолда санъат принциплари – «техне»ни бадиий ижоднинг шартларидан деб ҳисоблайди. У поэтик ҳиссиёт, туғма истеъдод билан ижод қилишни англамаган санъат, «техне» билан ижод қилишни онгли санъат асари яратиш деб тушунади. Аслида, бу кўп асрлардан бери ечилмаётган ва ечилиши қийин бўлган мураккаб масалалар. Ички ҳиссиёт, интуиция, шоирона илҳом билан ижод қилиш аслида ақл-мулоҳаза, тадбиркорлик билан ижод қилишга қарама-қарши бўлма-са-да, иккаласи ўртасида жуда катта фарқ бор.

Ҳаётийликдан йироқ, бадиий жихатдан заиф, аммо ақлли гаплар билан тўлиб-тошган асарлар камми? Аммо халқ, китобхон, томошабин, тингловчи бундай асарлардан завқ олмайди. Арасту айтганидай, қаҳрамонлар билан бирга дард чекмайди, уларга бефарқ қарайди. Чунки воқелик илмий тадқиқини механик равишда бадиий ижодга кўчириш мумкин эмас. Ахир, санъат воқеликни илмий аниқликда қайд этувчи тарих эмас. «Тарихчи ва шоирнинг фарқи бири вазндан фойдаланиши ва бошқаси фойдаланмаслигида эмас, — дейди Арасту. — Ҳеродот асарлари шеърга солинганида ҳам, вазнсиз бўлганда ҳам тарихлигича қолаверарди. Тарихчи ва шоир шу билан тафовутланадики, бири ҳақиқатан бўлган воқеа ҳақида, иккинчиси бўлиши мумкин бўлган воқеа тўғрисида сўзлайди.

Шунинг учун поэзия тарихга қараганда фалсафийроқ ва жиддийроқдир: поэзия кўпроқ умумий, тарих эса яқка нарса тўғрисида сўзлайди». Шу ўринда бир мулоҳаза. Поэзия мазмунининг умумийлиги билан фандаги умумлаштириш бир-биридан жуда узоқ нарсалардир. Фан ҳамма ўсимликлар, кимёвий ёки физикавий жараёнлар учун умумий бўлган қонуниятларни текширади. Санъат асарининг қаҳрамони эса, маълум маънода типик бўлишдан кўра индивидуал ўзига хос олами ҳамда ҳеч кимга ўхшамаслиги билан қимматлидир. Акс ҳолда, санъатнинг вазифаси умумий қондани иллюстрация қилишдан иборат бўлиб қолар эди. Чунончи, шоҳ Эдипнинг бошидан ўтган фожеий воқеа ҳатто Эдип замони учун ҳам типик эмас эди. Аммо шунга қарамай, санъат асаридоги Эдип образи минг йиллар давомида одамлар қалбини, руҳий оламини ларзага солади. Тўғри, санъат асари шу маънода умумийки, у тарихчилар учун ҳам, файласуфлар учун ҳам, физик ёки лириклар учун ҳам баб-баравар қизиқарлидир. Чунки юқорида айтганларимизнинг ҳаммаси, аввало, инсон бўлиб, кейингина тарихчи, муҳандис, файласуф, физик ёки лирикдир. Инсон эса ўзининг инсонлигидан, бинобарин, адабиёт ва санъатдан узоқлашуви мумкин эмас. Ҳақиқий адабиётнинг, санъат асарининг қудрати шундаки, ижодкор ҳаётга ўхшатиб, ҳаётнинг ўхшашини, тасвирини яратиб, табиатга тенглашишга интилади. Бу эса истеъдоднинг қудратига боғлиқ.

«Поэтика»нинг XXV бобида Арасту ҳаётнинг ўхшашини, тасвирини яратувчи шоирларнинг асарларига билдириладиган турли эътирозларга ўзининг раддияларини баён қилади. Худди шу бобда поэзиянинг асосий хусусияти «мимесис» – ҳаётга тақлид қилиш эмас (ҳатто ҳаётга оддий ўхшатиш эмас), балки ижод, янги ҳаёт яратиш эканлиги аён бўлади. Арасту ижод эркинлигини, санъат имкониятларини жуда кенг миқёсда тушунади. У бадий тасвирнинг асосий хусусиятлари ҳақида бундай дейди: «Модомики, шоир (мусаввир ёки бошқа тасвирловчилар) ҳаётнинг ўхшашини яратар экан, у муқаррар куйидаги уч нарсадан бирини: а) ҳаётнинг қандай бўлганлигини ёки (ҳозир) қандайлигини; б) одамлар ҳаёт ҳақида қандай гапириб берган ёки (улар) қандай тасаввур қилганлигини; в) (ҳаёт ва одамлар) қандай бўлиши кераклигини тасвирлайди. Бу нарсаларга эса ё оддий тил билан ёки ноёб сўзлар, кўчма маъноли тасвирлар билан эришилади». Санъаткорлар Арасту айтган бу шартлардан бирига ёки ҳаммасига бирдангина амал қилиши ҳам мумкин. Алишер Навоий дostonларидоги тасвирланган воқеалар ва характерлар бу талабларга жуда мукамал жавоб беради. Навоий «Фарҳод ва Ширин» дostonида ҳаёт ҳамда одамлар қандай юксакликда бўлиши кераклигини тасвирлайди. У тасвирлаган Фарҳод ақл-заковатли, деярли барча ҳунар ва санъатларни мукамал эгаллаган, олижаноб фазилатлар соҳиби. «Сабаи сайёр» дostonидаги ажойиб-ғаройиб воқеалар эса халқ ривоятлари асосига қурилган. «Садди Искандарий» дostonида Навоий ҳам ҳақиқий бўлиб ўтган воқеаларни, ҳам халқ тасаввуридоги нарсаларни тасвирлайди.

«Поэзияда (нафис санъатда) табиий нарсани одам ишонмайди қилиб тасвирлашдан кўра ғайритабиий нарсани ишонарли қилиб тасвирлаш яхшироқдир», — дейди Арасту. У қадимда машҳур трагик шоир Агафоннинг «Ҳаётда ғайритабиий нарсаларнинг кўп содир бўлиши ҳам табиийдир» деган фикрига асосланади. Ғайритабиий дегани ҳақиқатга зид дегани эмас, албатта. Қолаверса, юзаки қараганда ғайритабиий кўринган ҳодисалар ҳақиқий ҳаётнинг моҳиятини ҳаққонийроқ акс эттира олади. Ўйлаш қобилияти чекланган, тасаввур қашшоқ одамлар ҳаёлга бой асарларни ҳазм қилолмайдилар. Аммо ғайритабиий, ҳаёлий тасвирлар ҳаётни тадқиқ этишнинг ранг-баранг кўринишларидан, усулларидан бири сифатида ҳурмат-эътиборга лойиқдир. Бугина эмас, ҳаёл, тасаввур бойлиги, ҳаёлий манзаралар санъатнинг фалсафий бойлиги ва гўзаллигини ҳам ташкил этади.

Маҳкам МАҲМУД

Сенга бахтим гулин атайин

Ҳаёт тотли севгидан фақат,
Қулф ураркан танангда жонинг.
Дилда орзунг йиғилар қат-қат,
Қатъий бўлса аҳду паймонинг.

Севган ёринг, ҳумоюн бўлиб,
Қўйганида, кифтинга қўлин.
Қалбинг нозли ҳисларга тўлиб,
Чарақлайди, мисли ой тўлин.

Бул назокат айвонида, сен
Ҳижрон тогин йиқмоғинг тайин.
Барисига гувоҳ бўлиб, мен,
Сенга бахтим гулин атайин!

Курашда инсоннинг – ҳаёт мазмуни,
Заҳмату шижоат доим унга ёр.
Қоронгу дунёни мунаввар этар,
Токи юрагида ҳаёт ишқи бор.

Тобланар кураш-ла метин ирода,
Ҳануз эзгуликка толибдур башар.
Юраги завқ ила уриб турганлар,
Дунёда ўз умрин муносиб яшар.

Муҳаммад ҒАФФОР

Сизга хат ёзаман

Мен сизни соғиндим, жуда соғиндим,
Кўзларимда оқди ҳижрон кунлари.
Дарахтга йиғладим, беҳол суяндим,
Сирдош, ҳамдард бўлди тунлари.


Аямай ёдимни симирди кунлар,
Оппоқ баҳорларим чайқалиб оқди.
Тонгдек гўзал эди ҳаттоки тунлар,
Кимдир деразамдан шодумон боқди...

Сизга хат ёзаман,
Соғинч хабари,
Ҳеч ким ўқий олмайди уни,
Дарахтлари гуллардан бошқа.

Сизга хат ёзаман,
Ҳарфлар чумолидай тарқаб кетади.
Ишқ тилида ёзилган хатни,
Шамоллар элтади сиз томон.

Сизга хат ёзаман, унда соғинчим,
Оппоқ булутдан-да мусаффо оқдир.
Сизга хат ёзаман, умидим гуллар –
Бизни учраштирар бир куни тақдир...

Театр мен учун ҳайратлар олами. Саҳна, бир неча қадам нарида менинг ёки кимнингдир ҳаёти актёрлар ижросида ўйналмоқда. Чуқурроқ нафас олсам, уларга ҳалақит бериб қўядигандек, бутун вужудим кўзга айланиб, саҳнага термуламан. Ва шу ондан бошлаб саҳна билан яшай бошлайман. Айти пайтда кўраётганим — шу томоша муҳим. Ундаги ҳаёт шуурига кўчиб ўтган. Энди мен бу ҳаётга дахлдорман. Муҳими — бу дахлдорлик завқлантиради, ўйлатади, гоҳида йиғлатади. Шунда «Театр ибратхонадир» деган гапга ўз мисолимда яна бир карра ишона бошлайман. Кўрганларим бир ўзимга татимайди. Уни яна кимлардир кўришини, ҳайратланишини истайвераман...



Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида драматург Қўчқор Норқобилнинг «Заминдан олис кетма» номли пьесаси намойиши бўлиб ўтди. Уни режиссёр Нодира Маҳмудова саҳналаштирган. Асарда ёзувчи ҳақиқат ва адолат енгилмас куч эканлигини, оёғи ердан узилган инсонларни ҳаёт яна ўз жойига тушириб қўйишини турли персонажлар ёрдамида кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

Парда очилиб, томошабин кўз ўнгида дарахтзор пайдо бўлади. Чинорлар шу қадар ишонарли ишланганки, ҳатто япроқларининг шитири ҳам эшитиладигандек. Сўлим тоғли қишлоқ ҳавоси... Ҳамма воқеалар шу ердан бошланади. Қишлоқдаги болалар оромгоҳи ёнидаги чинорзор ўрнини маҳаллий тадбиркорлардан бири Тўра ноқонуний йўллар билан ўзлаштириб, фойдаланиш ниятида. Бу йўлда қўлидан келган барча ишларни қилиб, таниш-билишларини ишга солади. Бироқ оромгоҳ ходимлари бунга қарши. Улар улкан дарахтзорнинг бир инсон манфаати йўлида қурбон бўлишини исташмайди.

Тўра эса ҳаммасини тўғрилайди. Пойтахтдан келган тележурналистдан бошқа ҳаммага чап беради. Эндигина журналистлик фаолиятини бошлаган Толиб ўз ишига садоқатли. Тўра уни қанча алдашга уринмасин, ҳар бир ишни синчиклаб ўрганади. Тўра учун ёмон томони — журналист пора олмайдиган ҳалол йигит. Тўранинг шу жойдаги иқрори ҳам драматург, ҳам режиссёр томонидан моҳирона очилган. Энг ёмони, қизи Лола ўша журналистни севиб қолади.

*L*amindan olis ketma

Ҳамма жойга қўли етадиган, керакли одамларни ишга солиб, йўлидаги барча тўсиқларни йўқ қила оладиган одам қизи учун чекинишга мажбур. Ҳар банданинг ожиз томони бор эканлиги шу образнинг энгилиши билан боғлиқ сахнада чиройли очиб берилган. У спектаклнинг бошида қизи Лола ҳақида гапирар экан: «Мана шу ҳеч кимга бўйсунмас, ҳеч кимдан қўрқмайдиган одамнинг жони мана шу заифгина лоланинг илдизида...» дейди. Ва унинг иқрори спектакль охирида намоён бўлади. Ўзи пичоқлатган Толиб тирик қолгани учун хурсанд бўлиб йиғлайди. Инсонни мана шундай тўқнашувлар ўзгартириши, тозалаши драматург томонидан моҳирона очиб берилган.

Спектаклда Олим деган телбанамо бир инсон бор. У баъзи худбинликнинг қули бўлган, ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган одамлардан бошқача, аини пайтда ақллироқ фикрлайди. Дарахтларни кесиб, ўз манфаати йўлида фойдаланмоқчи бўлган одамларга у шундай дейди: «Яхшимас! Бир одам умри мобайнида эҳтиёжи учун икки юз дона дарахт ишлатар экан. Ўртача етмиш йил яшаган одам қоғоз-қалам, уй-жой ва бошқа анжомлар учун шунча дарахтни сарфлайди. Агар одам ҳар йили биттадан дарахт экиб, парваришлаганда ҳам табиат олдидаги қарзини узолмайди. Айрим давлатларда дарахтларнинг танасига медал илиб қўйишаркан. Улар бизни қутқаради, ҳимоя қилади, деган маънода эъзозлашаркан. Улар бизни, сизни қутқаради...» дейди. Тўранинг ёрдамчиси Беғамга ўхшаб бировнинг орқасидан кун кўриб яшашдан кўчат экиб, гул ўстириб, ўз хаёллари билан яшайдиган бу образ томошабиннинг меҳрига сазовор бўлади. Аслида заиф бўлиб кўринган шундай инсонлар боис боғ сақлаб қолинади.

– Бугунги куннинг глобал муаммоларидан бири бу экология масаласидир, – дейди спектакль режиссёри Нодира Маҳмудова. – Табиат неъматларидан ўринли-ўринсиз фойдаланиш, дарахтзорлар, дашт ва тўқайларни пала-партиш ўзлаштириш

экологик вазиятни издан чиқаради. Асарда бу масала атрофлича очиб берилади. Бундан ташқари, спектаклда бир қатор ижтимоий муаммоларга ҳам урғу берилган. Улар бир бутун занжир ҳалқаларини ҳосил қилади. Шунинг учун энг катта юк хулоса қисмига тушади ва асар кульминацияси ижобий яқунланади.

Режиссёр актёрлар жамоасини тўғри танлай олган. Толиб ва Лоланинг севгиси шу қадар самимий очиб берилганки, беихтиёр уларнинг бахтли бўлишини истаб қолади одам. Ҳаётда мунофиқ ва қўрқоқ одам кўп панд беришини оромгоҳ раҳбари Раҳим образи орқали билиб оламиз.

Табиат, она замин бизни асраб турган катта куч. У хиёнатни кечирмайди. Асарни кўриш жараёнида ҳаволаниб кетган одам бир куни ерпарчин бўлиши муқаррарлигини англаб етамиз.

– Спектаклда фабула – яъни воқеалар тизими изчиллиги таъминланган, – дейди санъатшунос Дилшод Шукуров. – Иккинчи пардадан кейин томошабин бутунлай қахрамонлар ҳаёти билан яшай бошлайди: кулса-кулади, йиғласа-йиғлайди. Айниқса, журналист йигитнинг ўлими ҳақидаги хабардан сўнг томошабин бутунлай даҳшатга тушади. Демак, спектакль ўзининг дастлабки вазифасини бажарди. Яъни томошабинни ларзага келтира олди.

– Хоразмдан аёлимни даволатгани келгандик. Кайфиятини кўтариш учун театрга олиб тушдим, – дейди ўзини Ашурмат Саидов деб таништирган томошабин. – Унда ҳайрат, касалликни энгишга интилиш уйғонганини кўриб, спектакль ижодкорлари га раҳмат айтгим келди.

Бу дастлабки хулоса. Асар энди томошабиннинг шуурида қайта давом этади. Уларнинг келгуси ҳаётини ҳар бир томошабин ўзича яратади, ўз хулосасини чиқаради. Энг муҳими, асар томошабинни ўйлашга ундайди.




Истиқлол йилларида маънавиятимиз, адабиётимиз ривожига катта эътибор бериб келинмоқда. Президентимизнинг қарори билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фонди ташкил этилиши, «Дўрмон» ижод уйининг тубдан таъмирланиши, адибларимиз саломатлигини муҳофаза қиладиган поликлиниканинг таъмир этилиб, энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланиши, вилоятларда яшаб ижод этаётган шоир ва ёзувчиларимиз саломатлигини ҳам мустаҳкамлашга хизмат қиляётгани ана шу эътиборнинг яна бир кўринишидир.

MEN SIZDAN SHIFO TOPDIM...



Замонавий тиббиётда яратилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда юртимиз ижодкорларининг саломатлиги учун эртаю кеч меҳнат қиляётган шифокорлар беморларни даволашда, аввало, уларнинг руҳиятини кўтариш, тушкун кайфиятдан халос этишни энг муҳим жиҳат ҳисоблайдилар. Буни мазкур шифо масканида йўлга қўйилган ўзига хос даволаш услублари, мутахассис ва илмий ходимларнинг бемор тақдири ва ҳаётига масъулиятли ёндашувида кўриш мумкин.

– Биз шифокорлигимиздан бир фахрлансак, ўзимиз асарларини севиб ўқийдиган адибларимиз, шоирларимизга хизмат кўрсатаётганимиздан яна бир бор фахрланамиз, – дейди поликлиника бош врачлари Анвар Ражабов. – Ижодкорлар бизга доимий равишда китоблар совға қилишади, шеърларидан ўқиб беришади. Ҳар бир беморимизнинг соғайиши кўнглимизни тоғдай кўтаради. Биз уларнинг ҳеч бири касал бўлмасликларини чин дилдан истаймиз. Шифохонада эмас байрам, тадбирларда учрашиб турайлик, деб хайрлашамиз.



Анвар Ражабов мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида «Шухрат» медали билан тақдирланди. Ўз касбининг устаси, юртимиз ижод аҳлининг кўнглига йўл, дардига шифо топаётган бу фидойи шифокорни биринчилардан бўлиб, сеvimли ёзувчилари кутлашди.

Ижод аҳлига хизмат кўрсатиш тиббиёт ходимларига ҳам ишга ижодий ёндашишни ўргатаркан. Яқинда поликлиника тизимида йўлга қўйилган игна ва зулук билан даволаш муолажалари бу ерда шифо топаётган беморларга қатор қулайликлар яратди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимларида ҳам стационар текширувлар ўтказилиб, ҳудудларда яшаб, ижод қиляётган уюшма аъзоларининг соғлиғидан хабардор бўлиб турилади. Дўрмон ижод уйида доимий тиббий навбатчиликнинг йўлга қўйилиши эса, ижодкорлар соғлигини муҳофаза қилиш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.



Кенг, ёруғ, шинам ва энг замонавий тиббиёт жиҳозлари ўрнатилган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникасидаги



муҳит бу ерга келганларда илиқ таассурот уйғотади. Юртимиз ижод аҳли, ёзувчи ва шоирларимиз соғлигини мустаҳкамлашдек эзгу ва масъулиятли вази-фанинг шарафли юки бугун кечагидан-да муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Зеро, ўсиб келаётган ёшларимизни юксак маънавий қадриятлар асосида Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялашда, улар қалбида энг эзгу ният ва мақсадларни қарор топтиришда ижод аҳлининг алоҳида ўрни бор. Бунёдкор халқимиз, фидойи юртодошларимизнинг жасоратини бугунги кун қаҳрамонлари тимсолида тарих зарварақларига муҳрлаб қўйиш ҳам айнан ижод аҳли бўлмиш шоир ва ёзувчилар зиммасидадир. Улар соғлигини асраш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш тиббиёт фанлари номзоди, доцент Хусан Ҳайдаров таъбири билан айтганда, икки карра фидойиликни талаб этади.

Тиббиёт ходими учун бемор соғлиги ва хурсандчилигидан ортиқроқ бахт бўлмаса керак.

Тиббиёт ходими учун бемор соғлиги ва хурсандчилигидан ортиқроқ бахт бўлмаса керак.

Худойберди ТҲТАБОЕВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:



— Мен жуда кўп мартаба оғир касалликларни бошимдан кечирдим. Ҳар сафар тузала бошлаганимни ҳис этаётганимда, инсон руҳиятига жуда катта таъсир ўтказадиган яхши сўз ва яхши ниятнинг қудратли кучини сезиб тураман. Даволовчи шифокорнинг бир оғиз ширин сўзи, ишончли нигоҳлари беморга ҳар қандай доридан минг чандон ортиқроқ таъсир кўрсатади. Шу маънода, шифокорлар, энг аввало, кучли руҳшуносдирлар. Мен буни узоқ йиллар давомида психология билан шуғулланган инсон сифатида айтяпман. Юртимизда ёзувчилар поликлиникасининг алоҳида тиббиёт муассасаси сифатида фаолият юритаётганида рамзий маъно бор. Ижодкорни ижодий муҳит даволайди. Ёзувчилар уюшмаси поликлиникасида хизмат қилаётган тиббиёт ходимларининг ўзлари ҳам ишларига чинакамига ижодий ёндашадиган теран қалб соҳибларидир.

Гулчеҳра ЖҲРАЕВА, шоира:



— Аввало, ижодкор сифатида давлатимизнинг биз — қалам аҳлига кўрсатаётган чексиз ғамхўрлигидан бошим кўкка етганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникасига мурожаат этиб тураман. Ҳар сафар кунглим тоғдай ўсиб, менга ва яқинларимга кўрсатилаётган эътибордан қувониб қайтаман. Айниқса, поликлиникамизнинг ширин сўзли, юксак маънавиятли шифокорлари, хушмуомала ва гўзал ҳамшира қизларини кўрганда беихтиёр шоирнинг «шундай шифокорлар борки, уларнинг сенга кўрсатаётган меҳрини ҳис қилганимда касал бўлганимдан уялиб, тузалиб кетасан» деган сўзлари ёдимга тушади. Барака топишсин. Биз ана шундай меҳр ва эътиборда эканлигимиздан бениҳоя мамнунмиз.

Миразиз АЪЗАМ, шоир:



— Ёзувчилар уюшмасининг поликлиникасига соғлигимни текширтириш учун бориб тураман. Бу ерда кўрсатиладиган хизматларнинг ўзиёқ одамда тузалиш иштиёқини уйғотади.

Дам олиш куни уйда ўтиргандим. Бирдан тобим қочиб қолди. Уйдагилар поликлиникамиз навбатчи врачига мурожаат қилишди. Иш куни бўлмаса-да, врач ва ҳамшираларнинг ўз вақтида кўрсатган тиббий ёрдамлари туфайли аҳволим яхшиланди. Эртаси кундан бошлаб даволовчи врач кўрсатмаси билан қатъий назорат

остида бўлдим. Шукрки, ҳозир соғлигим яхши, шифокорларимиз асло кам бўлишмасин. Мамлакатимизда адабиётимиз ривожини, ижод аҳлига кўрсатилаётган эътиборни биз ҳар қадамда сезиб турибмиз.





YONIQ UMIDLAR IZHORI

Вақтли матбуот саҳифаларини, янги босилаётган китобларни кузатган зиёли бугунги адабий ҳаёт шиддатига гувоҳ бўлади; бадий асар сифати билан чиқаётган юзлаб асарларни саралаш, баҳолаш, таҳлил этиш заруратини сезади. Бу эҳтиёж ижриси мунаққид-адабиётшунослар зиммасига тушади. Вазифани бажариш учун эса адабий кечимни узлуксиз кузатиш, киёслаб ўқиш, ўйлаб ёзиш, энг муҳими, жуда холис бир фикр айтиш ва унга бошқаларни ишонтириш керак бўлади. Истеъдодли мунаққид, профессор Умарали Норматов ярим асрдан ошдики, шундай машаққатли бир ишни қойилмақом қилиб бажариб келади. Киши ижодкорларнинг ҳароратли бадий сўзидан завқланса, кўлига қалам олади: мутолаа шавқидан бошқаларни ҳам баҳраманд қилади.

Домланинг ижод тарихида адабий танқидчиликка тегишли ўнлаб китоблар, бир неча юзлаб адабий-танқидий мақолалар мавжуд. Бу мухташам мерос таркибида адабий танқидчиликнинг барча жанрлари учун мисоллар топилади. Алоҳида таъкидлаш керакки, 2015 йил охирида «Турон замин зиё» нашриётида босилган «Ижодкорнинг ҳароратли сўзи» китоби ҳам шундай фазилатдан мустасно эмас. Янги китоб адабий-танқидий мақолалар, ихчам эсселар, хотира мақола ҳамда адабий суҳбатлардан таркиб топган. Китоб бир томондан бугунги давр билан ҳамнафас, иккинчидан, унда табаррук ёшли олимнинг ҳаёти давомида кўрган-кечирганлари, адабий ҳаётда елкама-елка туриб ижод қилган маслақдошларига доир мулоҳазалари ҳам ўрин олган. Маълумки, домланинг бутун умри, илимий-педагогик фаолияти Ўзбекистон Миллий университети билан боғлиқ. Шу маънода, китобдаги иккинчи қирра баёнида ёшлар учун ибратга лойиқ хотиралар кўп. Айниқса, уларда Т.Саримсоқов, С.Сирожиiddинов, Т.Долимовдек аллома ректорларнинг, А.Ғуломов, О.Шарафиддинов каби филолог олимларнинг, Наим Каримов, Бахтиёр Назаров сингари маслақдошларининг бағрикенглиги, инсоний фазилатлари, илм-фанга фидойилиги алоҳида кўзга ташланиб туради.

Айни дамда У.Норматов адабий жараёни кузатар экан, бир қатор ижодкорларнинг асарларидан таъсирланиб, «Кичик жанрнинг қатта имкониятлари» (Улуғбек Ҳамдам ҳикоялари талқини), «Уч хикоя таассуроти», «Ижтимоий пафос жозибаси («Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун!»)» тўплами мутолааси чоғидаги ўйлар), «Эҳ, бу қизлар, қизларжон («Кичик мўъжизалар» туркумидан) каби мақолаларини ёзади. Айниқса, кейинги давр ўзбек ҳикоячилигида жиддий ҳодиса бўлган адиб Абдука-

юм Йўлдошнинг «Пуанкаре» киссасини хаяжон билан талқин қилади.

Маълумки, А.Қаҳҳор, О.Ёқубов, П.Қодиров, Э.Воҳидов, А.Орипов каби ижодкорларнинг ёзганлари У.Норматовнинг доимий кузатиш объектларидир. Чунончи, олим Абдулла Ориповни «Ватаннинг оташин куйчиси» сифатида баҳолаётган экан, у ҳақда: «Дадил айтиш мумкинки, миллий шеър-иятимизда эл-юрт қайғуси, бинобарин, ижтимоий мотив билан шахсий майлларнинг уйғун келиши бобида Чўлпондан кейин Абдулла Орипов энг юксак мақомга кўтарила олди», деган ҳақ гапни ёзади. Домланинг янги китобида замондош адиблар тўғрисида бундай жиддий мулоҳазалар кўп. Бироқ кейинги йилларда У.Норматов ёзган бирорта китоби мундарижасидан Абдулла Қодирий мавзуси четда қолган эмас. Ушбу китобдан ўрин олган ва аввалги қарашларини бойитадиган «Ўткан кунлар» сабоқлари: романнинг ижодий тарихи, ижтимоий пафосига оид мулоҳазалар» мақоласини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Домла мақолада биринчи ўзбек романининг янги қирраларига, адиб ўқиган тарихий манбаларга, отаси сўзлаган воқеа-ҳодисаларга, хотира китобларга, айниқса, «Ўткан кунлар»нинг етакчи пафосига эътиборимизни тортади. Шу билан бирга: «Замонасининг етук зиёлиси, адиби, Ватаннинг пешқадам, қуюнчак, фидойи фуқароси, миллат эрки, шаъни, озодлиги йўлига жонини тиккан фидойи ўғлон учун тарихий мавзу дилдаги туғёнларни, орзу-армонларни тўқиб солиш, ёниб ўзлигини намоян этиш майдони бўлганлигини ҳам асло унутмайлик, азизлар», деб бетакрор романларнинг туб моҳиятини дардчил адибнинг маънавий-руҳий дунёсига, баркамол шахсиятига боғлайди. Ва домла ўз қарашларини етарлича асослайди ҳам...

Алоҳида эътироф этиш лозимки, ушбу китобдан ўрин олган ҳар бир қатта-кичик мақола ва адабий суҳбатларда ҳар доимгидек Умарали Норматовнинг соҳир овози жаранглаб турибди. Домла ижодига оид муҳим бир хусусият, яъни «қандай гапирса, шундай ёзишдек» ўзига хос услубини мазкур китобнинг сўнгсўзида Улуғбек Ҳамдам: «Умарали Норматов тўлиб-тошиб гапиради, тўлиб-тошиб ёзади ҳам. Домлани мен баҳорда ўзанига сиғмай оқадиган тўлин дарёга ўхшатаман», деб жуда ўринли тавсифлайди. Тўғри гап ҳам шу. Зеро, бу ҳақиқатни «Ижодкорнинг ҳароратли сўзи»ни мутолаа қиладиган адабиёт муҳиблари ҳам тасдиқлашлари аниқ.

Баҳодир КАРИМОВ,
адабиётшунос

ШИЖОАТ

fastining ziyosi

Ёшлик... Куч-қувватга, шижоатга тўла бу даврни ҳаяжонланмай, энтиммай эслайдиган бормикан? Уни умр баҳорига қиёслашгани бежиз эмас. Ёшлик ҳақида шеър ёзмаган шоирни учратиш мушкул эканининг сабаби шундадир асли. Бу даврнинг энг гўзал асарларга мавзу бўлганини шу билан изоҳлаш мумкин.

Бироқ... Ана шу бетимсол давр қандай замонда кечиши ҳам эътиборга молик экан. Шу маънода, бугунги ёш авлодга ҳавасим келади. Мустақиллик берган имконият боис улар чин маънода баркамол бўлиб ўсаётир. Фан олимпиадаларида, спортда, санъатда дунёдаги ҳеч бир мамлакат ёшларидан кам эмасликларини, ҳеч қачон кам бўлмасликларини исботламоқда. Навқирон ижодкорларга кўрсатилаётган эътиборни айтмайсизми?! Уларнинг шеърий ва насрий асарлари «Ижод» фонди маблағлари ҳисобидан катта ададда нашр этилиб, таълим муассасаларига тарқатилаётганига, очиғи, ҳавасим келади. Ваҳоланки, биз ёшлигимизда бундай ҳолатни орзу ҳам қила олмас эдик.

Ҳозирги ёшлар учун имконият эшиклари ланг очиқ. Яқинда матбуотда ўқидим: Бугунги кунда юртимиздаги 157 қишлоқ туманида 191 болалар мусиқа ва санъат мактаблари барпо этилибди. Баъзи ҳудудларда, мисол учун, Андижон вилоятининг 14 туманида 20 та, Самарқанд вилоятининг 14 туманида 19 та, Қорақалпоғистон Республикасининг 14 туманида 16 та, Фарғона вилоятининг 15 туманида 16 та мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб, замонавий мусиқа асбоблари, юксак малакали педагоглар билан таъминлангани.

Ёшларимиз уларга яратилган шароитдан самарали фойдаланаётгани кишини қувонтиради. Ўтган йили қадрдонлар билан дийдорла-

шиш ниятида Сирдарё вилоятида бўлдим. Дўстларим Даврон Мажидов деган йигитчани таништириб, унинг келажагидан умидлари катта эканини айтишди. Айтишларича, Даврон қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежида ўқиб юрган кезларидаёқ турли бизнес-режалар тузиб юрган. Коллежни битиргач, автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизмати кўрсатиш устахонасини очган. Ўша кунлари у «Ёш тадбиркор – юртга мададкор» кўрик-танлови республика босқичининг совриндори бўлган экан.

– Кўрик-танлов совриндори бўлиш баробарида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни ҳам қўлга киритдим, — деди у ҳаяжон билан. — Ана шу молиявий кўмак ҳисобидан устахонани кенгайтириш, замонавий ускуналар сотиб олиш ҳамда эҳтиёт қисмлари билан савдо қилувчи дўкон очиш режам бор.

Тўғриси, ҳавас қилдим. Ёшликданоқ катта режалар, орзулар билан яшаш одамнинг ҳаётига мазмун бағишлайди. Муттасил равишда ўсишига, камолотига асос бўлади. Бу ҳол мустақиллик даври ёшларининг бош фазилатига айланаётгани эса, бизнинг бахтимиз.

Буюк аждодларимиз умрнинг ҳар лаҳзасини ғанимат билишга чақирганлар. Улар фикрича, ёшликнинг бирор дами беҳуда ўтмаслиги, ҳар бир лаҳза инсоннинг камолига хизмат қилиши зарур. Улуғ мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб мана бундай ёзган эди: «Мен

ёшлигимни қўмсайман, ўқиниб афсусланаман, лекин энди ўқинишларимдан заррача фойда йўқ». «Қутадғу билиг»дай нодир асар муаллифики шундай сўзларни ёзса, бошқалар нима дейиши мумкин?! Аслида, у зот вақтни ҳаммадан кўп қадрлагани аён. Буюк адиб бу ҳикматни келажак авлодларга сабоқ ўлароқ битган бўлса, ажаб эмас. Зеро, улуғ мутафаккирлар асарларида барча замонларда ҳам аҳамиятини йўқотмайдиган дурдона фикрлар ёзилади. Қанча даврлар ўтса ҳам, бу фикрлар авлодларнинг маънавий юксалишига хизмат қилаверади. Яна бир бобокалонимиз Маҳмуд Замахшарийнинг қуйидаги фикрлари бу ҳақиқатни янада теранроқ англашимизга ёрдам беради: «Ким вақтни зое қилса, бас, бу вақт унинг душманидир».

Дарҳақиқат, ёшлик – умрнинг энг масъулиятли даври. Бу давр эртанги кун учун, истиқбол учун захира тўплаш имкони борлиги билан ҳам алоҳида қимматга эга. Ёшлиқда илм хазинасини йиққан одам кексайган чоғида ҳикмат дурларини тиради. Навқирон чоғида маърифат зиёсидан баҳра олган киши авлодлар қалбига нур улашади, улар маънавиятининг юксалишига ҳисса қўшади. Болалиқдан гўзал ахлоқ билан зийнатланган одам кексайганда комил хулқ эгаларини тарбиялаш орқали жамият равнақиға хизмат қилади. Бунинг учун эса, ёшликнинг ҳар дамини қадрлаш зарур.

Абдуғани СУЛАЙМОН

San'atga baxshida umr

Рақс санъатини ҳаётининг ажралмас бўлаги, умрининг мазмуни, дея ҳисоблайдиган Ўғилой Муҳамедова 1951 йил Тошкентда боғ-бон оиласида дунёга келган. Ота-онаси ҳақида хотирларкан, жумладан, шундай дейди: «Дадам қаттиққўл, талабчан, жиддий одам эди. Онам эса жуда меҳрибон, ширинсўз аёл бўлган. Фарзандларнинг, айниқса, етти қизнинг тарбиясига жуда эътиборли эди. Дадам эса шеърлар ёд олдириб, ифодали ўқишни ўргатардилар».

У беш ёшида болалар ижодиёти тўғарагига қабул қилинади. Тўғарақдаги ижодий муҳит Ўғилойнинг рақсга бўлган меҳрини янада оширди ва кўп ўтмай, у «Бойчечак» болалар ансамблининг яққалон раққосасига айланади. Ўғилой опа: «Мен рақсни маромига етказай дея юрак-юракдан ҳаракатланиб, хаёлан парвоз қилаётган қуш мисоли ҳис қилардим ўзимни. Эгнимдаги сап-сарик либос эса гул эканимни билдирарди, гўё», дея хотирлайди болалик чоғларини.

Ўғилой Муҳамедованинг санъат осмонидаги илк ижодий парвози муваффақиятли кечади. У 1964 йилда ижодий гуруҳ билан халқаро танловда қатнашиб, олтин медал соҳиби бўлади. Бу муваффақият ёш Ўғилойни янада юқори интилишга, имконияти ва иқтидорини намоён этишга чорлайди. Унинг ҳаётидаги яна бир ижобий бурилиш юз нафар қизнинг орасидан танланган уч қизнинг ичида хореография билим юртига қабул қилиниши бўлди. Билим юртида у устозларининг энг севимли ўқувчиларидан бирига айланди. Ўғилой Муҳамедова нафақат рақс ижроси, амалиёти, балки унинг тарихи, шаклланиш босқичлари, назарияси билан ҳам шуғулланди. Бухоро, Фарғона-Тошкент, Хоразм рақс мактаблари тарихи борасида изланишлар олиб борди. Бу эса кейинчалик ушбу уч мактаб рақслари ижросида ўзининг гўзал аксини топди.

Профессионал фаолиятини «Баҳор» ансамблида бошлаган Ўғилой Муҳамедова бу ердаги қондаларга кўра, маҳорати ва тажрибасидан қатъи назар, янги келган раққосага фақат уч йилдан сўнг яққа рақс ижро этишга рухсат берилишига гувоҳ бўлди. Аммо у икки йил ўтар-ўтмай дастанинг энг гўзал асари — «Баҳор рақси»да етакчи раққоса сифатида ижрони қойилмақом тарзда уддалади ва Мукаррама Турғунбоеванинг алоҳида эътибори, меҳрига сазовор бўлди. Устози томонидан айнан унинг учун яратилган «Шамоллар», «Дил ноласи», «Қари-наво» ва «Ўзбек тўйи» сюитасидаги келин образи ёш раққосанинг ижодий имкониятларини тўла маънода очиб бера олди. «Ўғилой ҳар бир рақсга ақл билан ёндашади, у рақс мазмунини халққа етказиш учун бутун вужуди билан ҳолатга киради, ҳам юрак ҳароратини қўшиб ўйнайди», дея таърифлайди Ўзбекистон халқ артисти Розия Каримова.

Уста Олим Комилов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева каби буюк санъаткорлар юксак даражада ижро этган «Пилла» рақсини ўрганиш ва уни устозлари каби ижро этиш бахти Ўғилой Муҳамедовага насиб қилди. «Баҳор»нинг қирқ гўзали орасида бу раққоса ансамбль билан бирга дунё кезди, ўзбек миллий рақс санъати довуғини дунёга ёйди. Ижодий сафарлар, кўрик-танловларда муносиб қатнашди. У ҳар

қандай рақсга қалб кўрини қўшиб ижро этди. Миллий мумтоз рақсларимиз сирасига кирувчи «Муножот», «Тановор», «Мустаҳзод» ва яна жуда кўплаб халқимиз қалбидан жой олган «Хоразмча», «Уйғурча», «Бухоро гўзали», «Роҳат», «Лазги», «Учрашув» «Раққоса» каби беқиёс рақсларни маҳорат билан ижро этди. Бундан ташқари, ҳинд балетмейстери Камадуни сахналаштирган «Камалак» рақсини юксак даражада уддалади. «Хаёлимда ўзинг», «Она қалби», «Салом айтинг», «Катта бухорча» каби рақсларни маромида ижро этиб, устозлари ишончини тўла маънода оқлади.

Ўғилой Муҳамедова «Тановор» ансамблида ишлаб, «Мукаррама» студиясида фаолиятини давом эттирди. «Қизлар давраси», «Ўзбегим ўғлонлари», «Ўзбегим ёшлари» гуруҳларида турли рақслар сахналаштирди. Ушбу гуруҳларнинг дунё мамлакатлари бўйлаб ижодий сафарлари, халқаро танловлардаги иштироклари Ўғилой Муҳамедова рақслари билан бойиди, олқишлар ҳамда эътирофларга сазовор бўлди. 1997 йилда Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабига ишга тақлиф этилди. Бугунги кунга қадар ўзининг узоқ йиллик тажрибаси, устозлардан олган сабоқларини ёш авлодга ўргатиб, жонкуяр, фидойи устоз, педагог сифатида фаолият юритмоқда.



Муаттархон ТҶИЧЕВА

O'zbek raqs san'ati an'analari

Рақсда бадий образ ҳаракат ва ҳолат воситасида яратилади. Ҳар бир халққа мансуб рақслари тарихий, ижтимоий ва географик шароит таъсирида шаклланади. Бугунги кунда байрам ва шодиёна кунларимизни рақссиз тасаввур қилиб бўлмайди. Профессional ашула ва рақс ансамблларининг чиқишлари байрам тантаналарига ўзгача тароват, жозиб бағишлайди.

Республикамизда кўплаб рақс ансамбллари фаолият олиб боради. Жумладан, «Ўзбекистон», «Сабо» ашула ва рақс жамоаси, «Тошкент зеболари» каби ансамбллар умумхалқ байрамларида, концертларда ўз дастури билан иштирок этади. Ўзбек халқ рақслари ўзининг жозибдорлиги, бадий образлиги, мазмундорлиги, айниқса, аёллар рақси нафислиги, назокатлиги билан ажралиб туради. «Ўзбек рақси икки катта нахрдан иборат бўлиб, асрлар давомида яшаб келган: биринчи нахр – бу халқ орасида истеъмолда бўлиб келган «ўйин» деб аталувчи рақслар, иккинчи нахр – профессионаллар томонидан ижро этилиб келинган ва кўпинча туркум характерига эга бўлган рақслардир», деб ёзади М.Қодиров.

Кўшиқ билан рақс ҳамоҳанг тарзда дунёга келган ва ривожланган. Шунини алоҳида таъкидлаш

жоизки, рақс саҳнаси бўладиган кўшиқ бошқа кўшиқлардан фарқли бўлиши керак. Кўшиқ ижроси давомида уни томошабинга таъсирчан қилиб етказишда рақс ҳаракатлари муҳим ўрин тутлади. Машҳур раққосалар Мукаррама Турғунбоева, Қундуз Миркаримова, Маъмура Эргашева, Қизлархон Дўстмуҳаммедовалар ижро этган латофат ва нафосатга тўла рақслар ўз ўрнида кўшиқнинг оммалашувида ҳам таъсир кўрсатган.

Маълумки, юртимизда Фарғона, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё рақс мактаблари мавжуд. Ҳар бир мактаб ўз услуби, ўз йўналишига эга. Фарғона рақсларига гоҳ шўх ва тетик, гоҳ майин ҳаракат, гавдани бир оз олдинга эгиб эркин, нафис тутиш, хилма-хил маъно кашф этувчи қўл ҳаракатлари хос бўлган. Бухорода эса одатда товонни уриб-уриб, тиззани букиб, гавдани ғоз тутиб, виқор билан, кифт титратиб, аниқ шаклли, пухта қўл ҳаракатлари билан ўйнаганлар. Бухоро рақсларида катта доирадаги чархлар муҳим ўрин тутган. Хоразм рақси учун эса тиззаларни сал-пал букиб, кифтларни тик тутиб, бутун танани ҳаракатга келтириб, биллак ва бармоқлардан турли-туман чиройли шакллар ясаб, ҳаракатланиш хосдир.

Албатта, барча санъат турлари

каби рақс ҳам давр руҳига мос равишда ўзгариб, такомиллашиб бормоқда. Бироқ шакл ва мазмундан йироқлашиб, бу борадаги маънавий мезонларни четлаб ўтиб, замонавийлик дея ўзбек рақс санъати савиясини тушириб қўйиш нотўғри бўлади. Юқорида таъкидланганидек, ҳар бир вилоят рақс мактабининг ўзига хос услуби бор. Хореография олий мактабида ҳар бир вилоят, ҳар бир халқ рақс дарслари алоҳида режа асосида ўқитилади. Аммо шунга қарамай, ушбу мактабни тугатган айрим раққосалар ҳаракатлари форс, араб, ҳинд рақсларидан элементлар қўшиш натижасида бачкана тус олмақда. Бу эса томошабин диди ва тарбиясига салбий таъсир этиши мумкин. Такомиллаштириш, замонавийлаштириш яхши ҳодиса. Бироқ анъаналарни тарк этиб, кўр-кўрона тақлид қилиш бошқа масала.

Шарқ аёллари азалдан ҳаёли, иболи ва ор-номуснинг тимсоли бўлиб келганлар. Барча санъат турлари каби рақс санъатида ҳам бу тушунча сақланиб қолиши шу соҳада таълим бераётган устозлар кўлида.

Зебо ФАЗЛИЕВА,
Тошкент давлат миллий
рақс ва хореография олий
мактаби ўқитувчиси





Osmon qaydan boshlanar?

ONA TUPROQ

Ajdodlardan meros bo'lib
Qolgan tuproq.
Bobolarning qon va teri
Tomgan tuproq.
Qizg'aldoqlar ochilganda
Qilmay kanda,
Qir-adirlar gulxan bo'lib
Yongan tuproq.
To'kin-sochin dasturxonni
Solgan tuproq.

TADBIRKOR JO'JA

Shatir-shutur yomg'ir quyib,
Tarnovlardan suvlar oqar.
Tuxumidan chiqqan jo'ja,
Olazarak, hayron boqar.
Toy-toy bosib chiqdi sirtga,
Chorlar uni yo'lak, ko'cha.
Olib tuxum po'chog'ini,
Zontik qilib ketdi jo'ja.
Yoqa ushlab qoldi Xo'roz,
Hayron G'ulg'ul, Laylak daroz.

ARQON QILIB...

Yumronqoziq
Izlab oziq
Yotmay salqin-soyada
Yurar qovunpoyada.
Tipratikon odaticha
Olazarak boqib picha,
Bir ilonni sudrab borar.
Yumron so'rar:
— Yurib doving,
Baroridan kepti oving.
Yo'g'-ey, oshna, unday emas —
Tipratikon nolib ketdi —
Ilon eyish odatim,
Allaqachon qolib ketdi
— Yo quritib qishda uni
Yanchasanmi talqon qilib.
— Do'stim, o'tin bog'lash uchun,
Ishlatamiz arqon qilib...

ISHLARIM KO'P

Halimaxon qo'g'irchog'in,
Yotqizib belanchakka.
Zavq bilan alla aytar,
So'rida o'zi yakka:
— Tezroq uxla, oppog'im,

Ishlarim bor bir talay.
Barmog'ingni so'rib tur,
Men qaymoqni eb olay...

BUG'DOYZORDA

— Nega bug'doy bosh egar? —
Savol berdim dadamga.
— Mehnatini olqishlab,
Ta'zim qilar odamga.
— Tilla rangga ularni,
Kimlar bo'yab ketishgan?
— Qadoq qo'lli dehqonlar
Terlar to'kib ekishgan.
Shuning uchun har boshog,
Oltin bo'lib yetishgan.

KAPADA

Sanjar bobosi bilan
Qovun poylar kapada.
Ko'kda yulduz marjoni,
G'ir-g'ir esar shabada.
Nabirasi bidillab,
Cholni tutar so'roqqa.
Yarmi kemtik oy chiqdi
O'xshab oltin o'roqqa. —
Bobo, qarang, tunov kuni
Butungina oy edi.
Birov uni sindirib
Qo'yganmi, deb koyidi...

LOF

Yodimda yo'q, bahormidi
Yo xuftonmi, nahormidi?
Sheriklarim Mutalmidi,
Balki Abduqahhormidi?
Xullas, O'ng'or toqqa chiqib,
Kapalakning sutin ichib
Kezib tog'ning u yog'idan,
Kungayidan, bu yog'idan
Terskayini — kesganidan,
Chilvirko'li paydo bo'lgan,
Toychog'imning tuyog'idan.
Oltmish olti ko'k baqani
Tutib olib qayirmoqda
Biz olti kun sarson bo'ldik
Terisini ayirmoqqa.
Dovulg'idan kergi yasab,
Tuyoqparin kerib qo'ydik.
Har birini tongdan boshlab
Ro'yan bilan bo'yab-oshlab,
Olti xurjun tikib berdik,

Cho'pon tog'am Xoliqulga.
Shunday gaplar, bo'sh yurmadik,
Do'stim, yozgi kanikulda.

OSMON QAYDAN BOSHLANAR?

Toqqa boshin qo'ysa quyosh,
Ufq ortin cho'g' qilarkan.
Burgut uchun osmon asli
Boshlanadi cho'qqilardan.
Chumolining vaqti ziqroq,
Gapi qisqa, qalbi qaynoq.
Uning uchun ko'k gardishi
Oltin rangli momaqaymoq.
Mirzacho'llik dehqon bobo
Gurung boshlar olisdan:
— O'tar osmon chegarasi,
Bizning qovun polizdan.
Muruntovlik mergan aytar:
— Kuni-kecha qaytdim ovdan.
O'zim ko'rdim, osmon asli,
Boshlanarkan Tangritog'dan.

SO'Z O'YINI

Ashraf aka ANOR berdi,
Anormisan-anor deysiz.
Har donasi gavhar misol,
Yalt-yult etar FANOR deysiz.
«A» harfini olgan edik,
Yo'q narsadan «bor» bo'ldi.
Barchamizga tanish hayvon,
Qo'sh o'rkachli NOR bo'ldi.
Bolakaylar, bilib qo'ying,
Nor degani TUYAdir.
«T» harfini qisqartirsak,
Chumchuqlarga UYAdir.





ku'lishaylik

Юсуф ФАЙЗУЛЛО



Daraxt bir joyda ko'karadi

«Шарқ юлдузи» журнаliga эндигина мусаххих бўлиб ишга кирган пайтларим эди. Шу билан бирга журналистика факультетининг кечки бўлимида ўқийман. Бир куни журнал бош муҳаррир ўринбосари Мурод Муҳаммад Дўст йўқлаб қолди. Нимага чақирилганимни билмаганим учун ҳайрон бўлиб олдига кирдим. Мурод ака доимий ҳазили билан кутиб олди.

- Ишлар қалай, шоир?
- Яхши.
- Ёмон йўқми?
- Йўқ, – дедим ҳар доимгидек.

У киши олдида турган журналнинг янги сонини варақлаган бўлди. Саид Аҳмаднинг «Жимжитлик» романининг биринчи қисми босилган саҳифага ишора қилди.

– Оқсоқолга шу журнални олиб бориб беринг, сизни ҳам хурсанд қилади.

Саид Аҳмад аканинг манзилини олиб йўлга тушдим. У пайтлар Мустақиллик майдонидан Ишчилар шаҳарчаси томон троллейбус қатнар эди. Бир зумда ёзувчининг уйига етиб бордим. Катта суюнчидан умидвор ҳолда эшик кўнғироғини босдим. Ҳаял ўтмай эшик очилиб, оқсоқол чиқиб келди.

Салом-алиқдан сўнг журнални узатдим.

– Романингизнинг биринчи қисми чиқди. Муборак бўлсин!

Оқсоқол хурсанд ҳолда журнални варақлар экан юзи ёришиб кетди.

- Болам, қатта турасан?
- Чилонзорда, – дедим.

Оқсоқол чўнтақларидан ўн беш сўм чиқариб менга узатдилар.

– Трамвай-прамвайга осилиб юрмай, уйингга таксида кетгин.

Суюнчи пулини олиб троллейбус бекати томон йўл олдим. Қувончим ичимга сиғмасди. Бу пулга нақд ўн кун бойваччалардек яшашим мумкин эди. Шу кундан бошлаб журналнинг навбатдаги сонини интизорлик билан кута бошладим. Чиқиши билан ҳеч кимга индамай таниш ҳовли томон йўл олдим. Эшикни яна оқсоқолнинг ўзи очди. Салом-аликни қуюқ қилиб журнални узатдим.

– Асарингизнинг давоми чиқди.

У киши худди ўтган галгидек журнални синчиклаб варақлаб чиқдилар. Кейин эса менга қарадилар.

– Болам, қатта турардинг?

Худди шу чоғ Чилонзорда деганимда ўн беш сўм берганлари ёдимга тушди. Узоқроқ жойни айтдим.

– Қўйлиқда тураман.

У киши чўнтагига қўл солиб битта йигирма бешталик чиқарди.

– Трамвай-прамвайга осилиб юрмай, уйингга таксида кетгин.

Романинг сўнги қисмини Саид Аҳмад ака қанчалик кутганини билмайман, аммо менинг бўларим бўлди. Журнал босилиш арафасида босмахолага чопганим-чопган. Ниҳоят романинг сўнги қисми босилган журнал кўлимга тегди. Уни кўксимга босган ҳолда қадрдон ҳовли томон учдим. Худди кутганимдек эшикни оқсоқолнинг ўзи очди. Журнални варақлаб кўриб хурсанд бўлиб кетди.

– Болам, қатта турардинг?

Бу сафар пухта тайёргарлик кўриб келган эдим. Чилонзорда деганимда ўн беш, Қўйлиқда деганимда йигирма беш сўм «ишлаб» олганим ёдимда эди. Пилиги кўтарилиб боряпти.

– Ўртаовулда, – дедим тап тортмай.

– Ўртаовулинг қатта? – деди оқсоқол ҳайрон бўлиб.

– Янгийўлнинг шундоққина биқинида.

Оқсоқол чўнтагидан битта йигирма бешталикни чиқариб кўкрак чўнтагимга солиб қўйди.

– Ҳадеб жойдан-жойга кўчаверма, дарахт бир жойда кўкаради.

Eski sandiqdagi xazina

Саид Аҳмад домланинг етмиш йиллик юбилейи Ўзбек Миллий академик драма театрида ўтказилган эди. Менга тадбир давомида устозга ёпилган тўн ва бошқа совғаларни олиб бир жойга тўплаш вазифаси юклатилди. Ёзувчимизни муборакбод этишга келганларнинг адоғи кўринмасди. Домляям ўз одатига кўра, табриклаётганларга бир оғиз ҳазил қилишни қанда қилмасди. Яқин турганим учун айтилаётган гапларни эшитиб, кулиб юбормай деб, ўзимни зўрға босиб турибман. Бир маҳал даврага шоир Ғафур Ғулумнинг қизи Олмос опа кириб келди. У киши Саид Аҳмад домлани ўз акам деб билишини тўлқинланиб гапириб бердилар. Чунки устоз ҳар куни уларникида бўлиб, Ғафур Ғулум домланинг ёнидан бир зум ҳам жилмаган экан. Бу гапларни эшитар эканман, беихтиёр домланинг кўзига қарадим. Кўзи жиққа ёшга тўлган эди. Мен ҳам ғалати бўлиб кетдим.

Бу орада Олмос опа кўлидаги тугунчани ечишга киришди. Кейин эса устозга юзланиб шундай деди:

– Саид Аҳмад ака, бу ерга келишимдан олдин отамдан қолган сандиқчани титкилаб, мана шу Чуст дўппи, белбоғ ва тўнни топдим. Буларни сизга топшириш мен учун улкан бахт. Бугун бизнинг оиламизда ҳам катта шодёна!

Олмос опа дўппи тахини ёзиб, ўзлари устозга кийдириб қўйди. Тўнни ҳам ёпиб, белбоғни у кишининг елкасига ташлаётганида домланинг навбатдаги ҳазили қулоғимга чалинди:

– Отангдан қолган сандиқда пул-мул йўқ эканми?

1kir-fikrlar

«Тошкентдан Хоразмгача бир минг бир юз километр...»

(Спидометрга қараб-қараб кетаётган таксичи қўшиғи).

«Юрагим-ей, сенга раҳмим келиб-кетди...»

(Севгилисига найза санчилган юрак тасвири-ни тушириб хат йўллаётган ошиқ изтироби).

«Ёмон кўрқдим, ёмон кўрқдим-ей...»

(Имтиҳондан бир амаллаб ўтиб олган талаба иқрори).

«Кўзларимга боқ, кўзларим сўзлар...»

(Окулист қабулидаги бемор қўшиғи).

«Кел, бугун кўришайлик...»

(Пули тугаб қолган талабанинг дўстига ёзган СМС хабари).

Фақат фонограмма орқали қўшиқ куйлаб ўрганиб қолган хонанда стоматолог ҳузурда ҳам оғзини мусиқа бошлангандагина очаркан.

(Танқидчининг гапидан).

Мусахҳиҳ дафтаридан

Болалар, келинг бугун ҳаммамиз бирга куён (қуёш)нинг расмини чизамиз.

Кеча уйга боргандан кейин, эрталабгача қаттиқ (қатик) ичибман, ўзиям.

Янги очилган супермаркетга сут соғувчи (сотувчи) бўлиб ишга кирдим.

Қалбингдаги бор хина (гина)ни чиқариб юбор.

Ҳайдовчи қўл (йўл) белгисини кўрмай қолди.

Ишларимиз юришиб, пакана (чакана) савдо дўконини очволдик.

Дарахтларимиз пул(гул)лайдиган бўлиб қолди.

ЎТГАН СОНДАГИ «ЎЗБЕК ЦИРК САЊЪАТИ» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Лочин. 2. Дорбозлик. 3. Аллюр. 4. Юсупов. 5. Батут. 6. Акробат. 7. Ёғоч от. 8. Чиғирик. 9. Қўқон. 10. Лангар. 11. Манеж. 12. Мансуров. 13. «Бесуяк». 14. Ҳуққабоз. 15. Устун. 16. Нарвон. 17. Шокир. 18. Қизиқчи. 19. Симбоз. 20. Тошкент. 21. Антре. 22. Сакраш. 23. Арқон. 24. Мадалиева.

МУАММОНОМА

Калит сўзлар: 1. Рўзихўжаева. 2. Найрангбоз. 3. Германия. 4. Тош. 5. Эгар. 6. Турник. 7. Фахр. 8. Мадҳ. 9. Давр.

Шакл атрофида: Тошканбой Эгамбердиев. Карим Зуфаров. Муҳаммад Хўжаев.

Ўрта қисмида: Марям Фахриддинова.

Диагоналлар бўйича: Карима Зарипова.



«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА» ТОПҚИРЛИК МАШҚЛАРИ

МУАММОНОМА: Шаклнинг атрофи ва ички қисмидаги рақамларда Юртбошимизнинг ибратли сўзлари яширинган. Уни қуйидаги калит сўзлар жавоблари орқали билиб олинг.

1. Кичкинтойлар телеканали – 5, 3, 1, 2, 17, 3, 13.
2. Энг мўътабар инсоннинг яна бир атамаси - 14, 3, 1, 4, 11, 2.
3. Кичкинтойлар маскани – 16, 8, 1, 4.
4. Мақолдан: «11, 6, 8, 9, 1, 4, 18 синовда чиниқар.»
5. Афсонавий бахт қуши – 19, 15, 10, 3.
6. Мевазор ва гулзор маскан – 5, 3, 12.
7. Онанинг опаси ёки синглиси – 7, 3, 1, 2.

АЙЛАНМА КРОССВОРД: Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Саломатлик асоси, бадантарбия машқлари мажмуи. 2. Кичкинтойларнинг севимли жанри. 3. Бирга туғилган икки фарзанд. 4. Соғайиш мақсадида белгиланган овқатланиш режими. 5. Халқимизда «ўригидан, данаги ширин» деб эъзозланади. 6. Аёл бахти. 7. Наманган вилоятидаги шифобахш маъдан сувли оромгоҳ. 8. Одатда эгизак қизларга қўйиладиган исмлардан бири.

9. Қимматбаҳо тошлардан ясалган зийнат буюми. 10. Хушхабар келтирувчи эришадиган мукофот. 11. Болалар журнали. 12. Оилада қизларнинг кичиги. 13. Иш-фаолият анъаналарини давом эттирувчи авлод, насл. 14. Энг оммалашган спорт ўйини. 15. Ёш ва жасур йигит. 16. Болалар муассасаси. 17. Оилада «янги меҳмон» дунёга келганлиги муносабати билан ўтказиладиган маросим. 18. Жисмоний ва руҳий хусусиятларни сақлаш ва наслдан наслга ўтиши. 19. Таълим, ахлоқ-одобни ўргатиб, инсонни вояга етказиш мажмуи. 20. Қизалоқларнинг баҳорги сочпопуги. 21. Билим маскани. 22. Зийнат буюми. 23. Устоздан хунар ўрганувчи. 24. Оилада катталарнинг оғирини енгил қилувчи. 25. Спорт ўйини тури. 26. Кўпроқ ёшлар ўрганаётган тил. 27. Айрим шахсларга бериладиган енгиллик. 28. Қадрдонлик, меҳрдан келиб чиқадиган мурувват. 29. Болаларнинг кўкламги ўйини. 30. Муомала, хатти-ҳаракат одоби.

Тузувчи:

Фозилжон ОРИПОВ



Mangu kuy

Onam nabiralari bilan




Bobur Badaxshonda





Musavvir Niyozali XOLMATOV ijodidan namunalar



Миниатюра санъати Шарқда шаклланган бўлиб, унинг асосчилари йирик дostonлар, ғазаллар моҳиятини ранг-тасвир орқали нафис ифодалашга интиланлар. Рассом Ниёзали Холматов асарларини кузатар эканмиз, унда кўхна анъаналар давомийлигини кўрамиз. Мусаввир асарлари гўё ўзи хақида сўзлайди. Фақат уларни илғаш, идрок этиш ва таъбир жоиз бўлса, ўқиш ва уқиш мумкин.

Соҳа усталари таърифича, тасвирий санъатда борлиқ, мусаввир фикри ва туйғулари ифода этилса, миниатюрада ҳатто шамол, хаёлнинг ҳам ифодасини сезиш мумкин. Шу боис ушбу йўналиш ижодкорлари адабиётга, айниқса, мумтоз шеърятга кўпроқ муурожаат қиладилар.

Ниёзали Холматовнинг асарлари Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси, бир қатор давлатларда бўлиб ўтган нуфузли кўргазмаларда намоиш этилган.




ИКА

Sabo

Yp 8200



XALQARO SIRK FESTIVALLARIDA
MUVAFFAQIYAT BILAN ISHTIROK ETIB
KELAYOTGAN «O‘ZBEK DAVLAT SIRKI»
BARCHA VATANDOSHLARIMIZNI
QIZIQARLI, QUVNOQ DASTURLARIGA
TAKLIF ETADI



ISSN 2091-5330
OBUNA DAVOM ETMOQDA

Indeks: yakka obunachilar uchun – 820, tashkilotlar uchun – 806.

Хизматлар лицензияланган